Маълумот учун, 2021 йилда ушбу рейтингда 10 та олий таълим муассасаси кирган эди. 2021 йили ушбу рейтингда 94 та давлатдан 1000 га яқин олий таълим муассасалари иштирок этган бўлса, 2022 йилда 110 та давлатдан 1500 дан ортиқ таълим муассасалари қатнашди.

Ўзбекистон Миллий университети халқаро рейтингининг ТОП-1000 талигидан жой олди. Ушбу рейтинг 13 йилдан буён дунёнинг 85 та давлатидан 1200 та нуфузли университет 4 та йўналиш бўйича тақсимланган 20 та кўрсаткич бўйича таққослаб келади.[1]

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Марказий Осиёда биринчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. Университет бир асрлик фаолияти давомида 100 мингдан ортиқ юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб, халқ хўжалигининг барча соҳаларини етук кадрлар билан таъминлашда катта хизмат қилди ва илм-фаннинг турли соҳаларида жаҳон эътироф этган муваффақиятларга эришиб келмоқда.

Олий таълим муассасаларида Scopus илмий-техник маълумотлар базаси журналларида 3747 та мақола нашр этилди[2].

Илм-фан фидойиликни талаб этади. Ўз оромидан воз кечиб, янгилик яратишга куч топа билганларни чинакам маънавий етук инсонлар деб аташ мумкинми? Албатта мумкин. Айниқса, фарзандлар тарбияси, рўзғор юмушларидан ортиб, илмни маҳкам тутган опа-сингилларимиз – халқимизнинг бебаҳо хазиналари, десак муболаға бўлмас. Шу боис юртимизда хотин-қизларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш чоралари кўрилаётир. Уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган дастурий ишланмалар, инновацион ғоялари, ихтирочилик ва рационаторлик фаолияти қўллаб-қувватланмоқда.

Маълумки, бугунги кунда опа-сингилларимиз орасида ўнлаб академик ва профессорлар, фан докторлари ва фан номзодлари, юзлаб истеъдодли тадқиқотчилар бор. Илм-фан билан шуғулланиш, илмий янгилик яратиш – бу игна билан қудуқ қазишга баробар...

Зукко ва билимдон хотин-қизларнинг илм-фанга бўлган қизиқиш ва иштиёқини ошириш мақсадида биз бир қанча муҳим чора-тадбирлар белгиладик. Жумладан, келгуси ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган барча қизларнинг контракт пулларини тўлиқ бюджетдан қоплаш учун ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилади; докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.[3] Қайд этилишича, хотин-қизлар учун ажратиладиган грантлар сони келгуси йилларда 3 бараварга оширилиб, 6 мингтага етказилади.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда юртимизда 3568 нафар олима аёл мавжуд. “Олима” аёллар уюшмаси раиси Р.Ҳ. Муртазаеванинг таъкидлашича, илм-фан билан шуғулланиш социалистик тузумдаги мамлакатларда юқори, 45 фоизини ташкил этади. Дунёнинг 250 мамлакатидан 9 тасида аёлларнинг илм-фандаги муваффақияти юқори эканлиги қайд этилган. Илм-фан билан шуғулланувчи аёллар 28 фоиз бўлса, Ўзбекистонда 39 фоиз аёллар илм-фан билан шуғулланмоқда. Бугунги кунда республикамиз аёлларидан 6 та академик, 707 та фан доктори, 4780 та фан номзодлари, 449 та (PhD) лар мавжуд. Улар мамлакатимизнинг интеллектуал ресурси ҳисобланади. Қувонарлиси, илмий тадқиқотлар нафақат тиббиёт, иқтисодий-гуманитар фанлар, балки техника ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ҳам қамраб олаётир. Ўз навбатида, бундай опа-сингилларимизнинг изланишлари, янги ишланмалари, инновацион лойиҳалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани уларни янги-янги марралар сари илҳомлантиряпти.[4]

---

[1] http:// uza.uz/posts/3717.12

[2] Htts://lax.uz(5073447)

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2022 йил 8 март, 50(8112)

[4] Эргашхўжаев Ш. Сен қанчалар бахтлисан, аёл! // Халқ сўзи, 2021 йил 18 август.

Донишмандлар **“Битта қиз болани ўқитсангиз – бутун оилани ўқитган бўласиз”,** деб бежиз таъкидламаганлар. Аввало, 2022-2026 йилларга мўлжалланган **Хотин-қизлар таълимини қшллаб-қувватлаш миллий дастурини** қабул қиламиз. Ушбу ҳужжат доирасида пойтахтда хотин-қизлар учун алоҳида университет ва жойларда унинг техникумларини ташкил этамиз. Барча талаба қизларга таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш тартиби жорий қилинади. Ушбу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида илмий изланиш ва кашфиётлар билан юртимиз равнақига катта ҳисса қўшиб келаётган олима аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтарамиз.

Янги бир қизиқарли факт: 2020 йилда якунланган 1021 илмий лойиҳанинг 204 таси олима аёлларимиз раҳбарлигида бажарилган. Пировардида “Scopus”, “Web of Science” индексацияланган маълумотлар базаларидаги илмий журналларда илмий мақолалар нашр этилган ҳамда 74 та интеллектуал мулк объекти (патентлар) рўйхатга олинган.

Рақобат бор жойда ривожланиш бўлади. Бинобарин, муносиб рағбат ҳам изланишларнинг қаноти. “Олима аёллар грантлари” ташаббускор амалий ва инновацион лойиҳалар танлови таъсис этилишига айнан шу омиллар туртки бўлди. Ҳозирги кунда танловга тақдим этилган 214 та лойиҳа белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиляпти.

Бундан ташқари, фаол, ташаббускор ва лойиҳалар муаллифи бўлган олима аёлларимиз Россия, Беларусь, Қозоғистон, Буюк Британия, Япония, Германия, Испания, Туркия, Австрия, Жанубий Корея, Латвия каби давлатларга илмий стажировкаларга юбориш режалаштирилган.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари учун Москва шаҳрида малака ошириш курси ташкил этилмоқда. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Россия Федерациясининг Миллий тадқиқот Ядро университети (НИЯУ МИФИ) ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари доирасида 2022 йил 22 майдан 3 июнига қадар Молия ва бухгалтерия ҳисоби факультетининг профессор-ўқитувчилари учун Москва шаҳрида “Бизнес таҳлили” йўналиши бўйича малака ошириш курси ташкил этилди.

Ҳар бир олима аёлнинг ютуғи – бутун жамият учун фойдали. Жумладан, “LOGOS” афазияни тиклашга мўлжалланган ўзбек тилидаги биринчи миллий дастур асосчиси Муниса Расулова 75 млн. сўм миқдорида грантни қўлга киритди. “Антифриз ГА-39” лойиҳаси асосчиси Мафтуна Турдимуродова эса лойиҳасини ривожлантириш учун 50 млн. сўм грант ютиб олди. Эътиборлиси, бундай қизлар кўпайиб бормоқда. Уларнинг илмий изланишлари эса мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилаётир.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимиз эътирофидир.

Ўзбекистон ҳудуди Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида, айниқса, икки тамаддунни бошдан кечиргани дунёга маълум ва машҳур. Халқимизнинг улуғвор қудрати буюк ватандошларимиз – алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минерология фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Ғарбда “Авиценна” номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирза Улуғбек сингари ўнлаб мутаффаккирлар, яъни илм-фан асосчилари қилган кашфиёт ва изланишларда намоён бўлиб турибди. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳаким ат-Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари аждодларимиз номи эса нафақат ислом олами, балки жаҳон цивилизацияси тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари мамлакатимизда илм-фан ва таълим тизими ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати таркибига кириш этиб белгилангани ҳаммамизга яхши маълум.

Илм-фан ривожи – давлат тараққиётининг пойдевори. Шунинг учун соҳага эътибор ҳар қачонгидан юқори. Ўзбекистон Республикаси Глобал инновацион индексда 2015 йилда

жаҳоннинг 141 давлати орасида 12-ўринни эгаллаган эди. Ундан кейинги йилларда эса ушбу рейтингга республикамиз киритилмаган. 2020 йил Ўзбекистон инновацион индексига қайтди. Мана шу қайтишнинг ўзи Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижасидир. Ўзбекистоннинг 93-ўринни эгаллаб, рейтингда 30 поғонага юқорилаши ҳозирги пайтда илм-фанга берилаётган эътибор, инновацион ривожланишга қаратилган ресурсларнинг самарасидир.

Нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан тузилган Глобал инновацион индекси рейтинги мавжуд бўлиб, унда камида 130-140 давлатнинг шу соҳадаги ютуқлари, ихтироларга берган патентлар, фан-таълимга ажратадиган йиллик маблағлари кўзгудек акс этиб туради. Бу ажабтовур рейтингни, мана, 7 йилдирки, Швейцария бошқариб келмоқда. Ундан кейинги ўринларда эса Швеция, Голландия, АҚШ ва Буюк Британия турибди. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги давлатлар орасида энг яхши кўрсаткич 25-ўринни банд қилган Эстония ва 78-ўринни эгаллаган Қозоғистонга тегишли. Ўзбекистон шу рейтингга сўнгги бор 2015 йилда киритилган ва эгаллаган поғонаси 122-ўриндан ошмаган. Фармонда таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтингги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати таркибига киритишдан иборат[1]. 2022 йил 14 апрелда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг йиғилишида қайд этилганидек, 2021 йил давомида эълон қилинган мамлакатимиз учун устувор бўлган жами 19 та халқаро рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни сезиларли акс этиб, 11 тасида давлатимиз позицияси яхшиланди. Хусусан, суверен кредит рейтингларида ижобий тенденциялар кузатилиб, “Эс энд Пи” (“S&P”) халқаро рейтинг агентлиги мамлакатимиз кредит рейтингини “салбий”дан “барқарорга”, (Moodys) агентлиги эса “барқарор”га ўзгартирди.

Глобал инновациялар индексида Ўзбекистон 2021 йилда 7 поғонага кўтарилиб, 132 та давлат орасида 86-ўринни эгаллади ва тез юқорилаган мамлакатлар топ 10 талигига кирди.[2] Шунингдек, жаҳон мамлакатлари демократияси индексининг 2021 йил якунлари бўйича эълон қилинган рейтингида Ўзбекистон ўз позициясини 5 поғонага яхшилаб, 150-ўринни эгаллаган. “Мерос” жамғармасининг Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистон 177 та давлат орасида 117-ўринни эгаллаб, 2021 йилга нисбатан 9 поғонага пасайган ва мамлакатимиз иқтисодиёти “асосан эркин бўлмаган мамлакатлар” гуруҳида қолди.

“Transparency International” Халқаро ташкилотнинг 2021 йил учун Коррупцияни қабул қилиш индексида мамлакатимиз ўз ўрнини 6 поғона яхшилаб, 180 та давлат ичида 140-ўринни эгаллади ва сўнгги беш йилда 17 поғона юқорилади. Ташкилот ҳисоботида Ўзбекистон Марказий Осиёда ўрнак бўлаётгани ва сўнгги беш йилда энг барқарор ўсиш кўрсаткичига эришган жаҳондаги 6 та давлатдан бирига айлангани алоҳида таъкидланган. Бунда **биринчидан,** ялпи ички маҳсулот атиги 0,21 фоизи илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган бўлса, 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич 4 баравар оширилди, яъни 0,8 фоизга етказилди[3].

Иккинчидан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети 2021 йил охирига бориб, жаҳондаги нуфузли 1000 та университети сафидан ўрин эгаллашини таъминлаш баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, илм-фан соҳаларига сарфланаётган жами харажатлар ўтган йиллар мобайнида 14 фоизга ошган. Бу кўрсаткич 2018 йили умумий 528,8 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 603,3 миллиард сўмга кўпайган. Бироқ бугунги кунда илм-фанни молиялаштириш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоизни ташкил қилиб, йиллар

[1] Худойшукуров З. Инновацион ривожланиш стратегияси мамлакат тараққиётини белгилайди //Халқ сўзи, 2018 йил 26 сентябрь.

[2] Мамлакатимизнинг 11 та халқаро рейтинг ва индекслардаги ҳолати яхшиланган // “Халқ сўзи”, 2022 йил 15 апрель.

[3] Худойшукуров З. Инновацион ривожланиш стратегияси мамлакат тараққиётини белгилайди //Халқ сўзи, 2018 йил 26 сентябрь.

ўзгармай қоляпти. Ушбу кўрсаткич жаҳон бўйича ўртача 1,7 фоизга тенг, хусусан, Хитойда 2008 йилда 1,4 фоиздан 2,14 фоизгача, Корея Республикасида 3,1 фоиздан 4,5 фоизгача ошган[1].

Бундан ташқари тармоқлар корхоналари томонидан илмий тадқиқотларга буюртма бериш ва молиялаштиришдаги иштироки пастлиги давлат бюджетига оғир юк бўлиб қолмоқда. Охирги уч йил мобайнида илм-фан соҳасига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар 2-3 марта оширилган бўлсада, бу ўсиш суръати асосан илмий фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ойлик маошлари оширилишига йўналтирилиб, мамлакатда илмий ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга етарли маблағлар ажратилмасдан қолаяпти. Шунинг учун кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни ўзаро боғлайдиган мустаҳкам механизм босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда.

Мамлакатимиз ривожланишида илм-фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида 2017-2021 йилларда қатор илмий, таълим ва инновацион ташкилотлар (тузилмалар) ташкил этилди. 32 та илмий-инновацион тузилмалар (6 та технопарк, 8 та илмий марказ ва 18 та илмий-тадқиқот институти) ҳамда 29 та янги олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари шулар жумласидандир.

Умуман, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш, ахборот-коммуникация технологияларини барча соҳаларга кенг татбиқ этиш стратегияси режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга пухта замин тайёрланмоқда. 2020 йилда – 14 та, 2021 йилда – 82 та, 2022 йилда – 64 та, 2023 йилда эса 45 та ахборот технологиясига ихтисослашган мактабларнинг ташкил этилиши ана шу мақсадларга йўналтирилган.

2030 йилга бориб ўқувчиларнинг таълим даражасини аниқлаш бўйича халқаро дастур (PISA) рейтингида Ўзбекистоннинг жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб қўйилган.

ХОЗИРГИ ЗАМОН ХИТОЙ ТИЛИНИНГ ТИББИЁТ ЛЕКСИКАСИ ВА УНИНГ ЯСАЛИШ УСУЛЛАРИ

Султанова Л.А. (ТДШУ)

Терминологияни ўрганиш ва соҳа адабиётларини ўзбек тилида нашр этиш бўйича тилшунослар олдига қатор вазифалар турмоқда. Барча соҳалар қатори иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан аҳамияти ошиб бораётган тиббиёт соҳаси терминларини ўрганиш кун вазифасига айланмоқда. Мазкур соҳага хос тушунчаларни аниқ, лўнда изоҳлаш ва терминларни стандартлаштириш ўзбек ва хитой тиббиёт ходимлари ўртасидаги мулоқотни, янги даволаш усуллари билан танишиш ва тиббиёт сохасида иш юритишни соддалаштиришга ёрдам беради. Бундан эса, шу соҳага оид терминларнинг шаклланиш ҳолатини аниқлаш ва умумий қонуниятларни амалиётга тақдим қилиш вазифаси келиб чиқади.

Тиббиёт инсон ҳаёт фаолиятининг узвий қисми ҳисобланади .Тиббиёт соҳасининг узлуксиз тараққиёти ўрганилаётган объектларнинг янги номларини киритиш ва барқарорларини ривожлантириш орқали лексиканинг терминологик қатламини мунтазам равишда тўлдириб бориш имкониятини беради. Турли фанларда терминологиянинг умумистеъмолдаги сўзлар миқдоридан ҳам ошиб кетаётгани махсус лексикани ўрганиш заруратини келтириб чиқаради.

Термин соддалик хусусиятига эга бўлиши керак, яъни термин қисқа, тушунарли ва эслаб қолиш осон бўлиши керак. Термин номининг хусусиятларига кўра, терминнинг тузилиши қисқа ва аниқ бўлиши лозим. Бу нафақат ўқишни тушуниш учун қулайлик келтириши, балки илмий алоқа учун жуда кўп муаммоларни ҳам ҳал қилиши мумкин. [7, Б. 237.], [8,Б. 8].

[1] Матибоев Т. Бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас // Халқ сўзи, 2020 йил 17 декабрь.

Термин тушунчанинг моҳиятини очиб бера олади ҳамда тузилиши жиҳатидан аниқ, ихчам, қулай ва қисқа бўлади, энг асосийси эса термин бирор-бир тизимга солинган бўлади.

Тизимлилик хусусиятини билиш учун бу термин тилнинг иерархиясида қандай ўрин эгаллашини тушуниб олиш керак. Хитой тилида бошқа тиллар каби термин лексик бирлик ҳисобланиб, у ҳар доим ҳам сўзга тенг келмаса ҳам тилнинг лексик тизимига киради. [2,Б.14].

Анъанавий хитой тиббиёти терминологияси ғарбникидан тубдан фарқ қилади. Бу, энг аввало, хитой тилининг ўзига хос қурилиши ҳамда хитойликларнинг инсон танасига ёндашув ва даволаш услубида ғарбдан анчайин фарқ қилиши билан изоҳланади. [3, Б. 1428], [14, Б. 203].

Ягона терминология базаси охиригача шаклланмаганлиги туфайли юзага келадиган қийинчиликлар хитой анъанавий тиббиёт терминлари таҳлили ва таржимасини амалга оширилишига йўналтирилган ушбу мавзунинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди.

Терминология соҳасида ўз тадқиқотларини олиб борган олимлар терминларни структур, яъни шаклий жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлишади: содда, ясама, қўшма, жуфт, мураккаб, қисқартма, бирикма каби [4, Б.11]. [5,Б.12.].

О.П. Фролова замонавий хитой тилида термин ясалишининг учта асосий усули мавжудлигини таъкидлайди. [6, Б. 40].

1) Терминлаштириш (умумистеъмолдаги сўзнинг махсус маънода қўллаш учун қабул қилиш). Масалан, умумистеъмолда бўлган 发音 [fayin]-тилшунослик сохада - «*оханг*», тиббиётда – «*фонация,вокализация*»,精生[jingsheng] «*рух*» сўзи тиббиёт соҳасида – «*асаб*»(精生病-*психоз*);

2)Сўз қўшиш, аффиксация, қисқартириш, шунингдек, турғун сўз бирикмаларини шакллантириш орқали мураккаб терминларни ҳосил қилиш. Масалан,; 新冠肺炎 [xinguanfeiyan] -«*ўпка касаллигини янги тури, коронавирус*», 口眼歪斜 [kǒuyǎn wāixié] «*юз нервининг фалажлиги*».

3) Ўзга хорижий тилдан сўз ўзлаштириш. Фонетик усулда ўзлашган дори номлари.Масалан,补热息痛-[burexitong]- «*парацетомол*»;;

Мустақил маъноли сўзлар, биринчи навбатда, терминологиянинг катта қисмини ташкил этувчи отлар терминлашган бўлиши мумкин. Бироқ, от-терминлар терминологик лексикани тўлиғича қамраб ола олмайди. Модомики, термин тизими умумистеъмол тил таркибида бўлар экан, нафақат номлаш талабларига жавоб бериши, балки турли ўзаро алоқалар ва илмий тушунчалар ўртасидаги боғлиқликни ифодалаш имкониятига ҳам эга бўлиши керак. [6, Б. 46 .].

Терминологияда аслий сифатлар, асосан, бутуннинг асосий қисми, яъни термин ёки сўзбирикмали терминнинг бўлаги вазифасини бажаради. Масалан, 生理适应 [shēnglǐ shìyìng] «*физиологик мослашув*».

Шунингдек .хитой тили тиббиётга оид лексикасида ,сонлар математик ҳисобда сон билан ифодаланган қаторлар ва рақамли комбинациялар ёрдамида тузилган терминларни ясаш мумкин.Масалан, тартиб сон шаклдаги тиббиёт терминлари , масалан, 第二分裂中期 [dì èr fēnliè zhōngqí] «*иккинчи метафаза*», 第二反应 [dierfanying] «*иккиламчи руфляция* », шунингдек, предметларнинг саноқ шаклини: 三叉神经 [sānchā shénjīng] «*уч шоҳли нерв*», 二倍减 [Èr bèi jiǎn] «*моносом диплойд*» ифодалашда қўлланилади .

Феъл-терминлар ёрдамида ҳаракат ва жараённинг махсус тушунчалари ифодаланади. От-терминлардан шаклланган феъллар феъл-терминларни ташкил қилади: 突变[Túbiàn] «*мутация*»,麻醉 [mázuì] «*оғриқсизлантириш*».

Замонавий хитой тилида сўз ясалишининг энг кенг тарқалган ва энг қадимий усулларидан бири бу сўз қўшиш （复合词）орқали янги сўз ҳосил қилишдир. Қўшма сўзнинг таркиби грамматик тузилишига кўра субстантив (от -名词), вербал (феъл-动词), адъектив (сифат- 形容词) бўлиши мумкин. Хитой тили лексик комплексларининг

элементлари орасида 5 турдаги грамматик алоқа мавжуд: 1.атрибутив (биринчи элемент иккинчисини аниқлайди, улар орасида муносабатлар мавжуд), 2.копулятив (элементлар тенгҳуқуқли), 3.феъл-тўлдирувчи (биринчи элемент иккинчи от элементга қаратилган ҳаракатни билдиради), 4.феъл-натижали (иккинчи элемент биринчи элемент орқали ифодаланган ҳаракат натижасини номлайди)ва 5. субъектив-предикатив (биринчи элемент субъектни, иккинчи эса – унинг ҳаракати ёки ҳолатни номлайди).[9,Б. 39].

Мураккаб терминларнинг ясалиши қуйидагича содир бўлади:

Субстантив элементларни атрибутив боғланиш типига кўра қўшилиши:

肺 [fei]- «*ўпка»*+ 炎[yan] –«*яра»* =肺炎[feiyan]- «*пневмония»* ; 肺[fei]- «*ўпка»* +病 «[bing]-*касаллик»* = 肺 病 «[feibing]*туберкулёз»*; Бу модел ёрдамида сўзбирикмали терминлар ҳам ясалиши мумкин:冠状«[guanzhuang]- *корона»* + 病毒«[bingdu]-*вирус»* =冠状 病 毒 « [guangzhuang bingdu]- *коронфвирус»* ;[15.,Б.364] 化 学 «[huàxué]-*химия*»+ 疗 法 «[liáofǎ]-*даволаш усули*» = 化学疗法«[huàxué liáofǎ] «*химиотерапия*». Бу хитой тилида сўз ясалишининг энг фаол моделларидан биридир. [10.,Б . 3662-3669]

Адъектив ва субстантив элементларнинг атрибутив алоқа типига кўра бирикиши: 黑 素 «[hēi]-*қора*» + 素«[sù]-*элемент*» =黑素«[hēisù]- *меланин*»;. [13.Б..79,84.]

Вербал ва субстантив элементларнинг атрибутив алоқа типига кўра бирикиши: 贫 «[pín]-*етмаслик*» + 血«[xuè]-*қон*» = 贫血«[pínxuè]-*камқонлик*.

Субстантив элементларнинг копулятив алоқа типига кўра бирикиши: 胞«[bāo]-*катак*» + 质«[zhì]-*хусусият*» = 胞质«[bāozhì]-*цитоплазма*»; Адъектив элементларнинг копулятив алоқа типига кўра бирикиши (антоним, синоним ёки ассоциатив элементларнинг бирикуви): 寒«[hán]-*совуқ*» + 热 «[rè]-*иссиқ*» =寒热 «[hánrè]- *безгак, қалтираш*»; Вербал элементларнинг копулятив алоқа типига кўра бирикиши 抑«[yì]-*сиқмоқ*» + 郁«[yù]-*хафа бўлмоқ, қайғурмоқ*» = 抑郁 «[yìyù]- *депрессия*».

Вербал ва субстантив элементларнинг феъл-тўлдирувчи алоқа типига кўра бирикиши: 排尿 «[pái]-*қўйвормоқ*» + 尿«[niào]- *сийдик*» = 排尿 «[pái niào]- *диурез*».

Субстантив элементнинг вербал ёки адъектив элемент билан субъектив-предикатив алоқа типига кўра бирикиши:气[qì]- «ҳаво» + 喘 [chuǎn]- «сиқилмоқ» =气喘 «[qì chuǎn]- «астма», 针灸 «[zhēn]-игна» + «[jiǔ]-куйдирмоқ» = «игнатерапия, игна билан даволаш».

Замонавий хитой тилида термин ясалишининг иккинчи усули аффиксация бўлиб, у аффикслари мустақил морфемаларга бирикувидан ҳосил бўлади. Аффикслар терминни маълум бир категория – ҳаракат ижрочиси, хусусият, жараён, предметлик, характер, сифатга мансублигини белгилайди.[12., Б.49.]

Тадқиқот мобайнида биз тиббиёт терминларини ҳосил қилишда фаол қўлланиладиган суффиксларни тизимга солдик.Булар: 头 [tóu] , 子 [zi], 者[zhě], 儿 [ér], 性[xìng] . Хитой тили сўз ясалиш тизимида яримаффиксация сўз қўшиш (ўзак қўшиш) ва аффиксация оралиғидаги ҳодиса ҳисобланади. Бундай сўз ясалиш усулининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу жараёнда ўз мустақил маъносини (тўлиқ ёки қисман) йўқотган, делексикализациялашган ва, бунинг натижасида, маълум даражада грамматизациялашган морфемалардан фойдаланилади [1, С. 48]. Тиббиёт тарминларини ясашда энг кўп қулланиладиган ярим суффикслар: 量 [liàng] , 率 [lǜ], 化 [huà], 症 [zhèng] ,病 [bìng] , 炎 [yán] ,机[jī], 仪[yí], 器 [qi], 体 [tǐ], 带 [dài], 素 [sù], 术 [shù],学 [xué] ,期[qī],门 [mén], 道 [dào] , 血[xuè] , 家 [jiā] ва 师[shī] кабилар.

Хитой тилида тиббиётга оид терминларни ясалишида иштирок этадиган префикслар ва ярим префикслар (ярим мустақил маъноли препозитив морфема) миқдори мавжуд суффикслар ва ярим суффикслар миқдоридан сезиларли даражада кам. [1, С. 51]. Булардан; 超 [chāo] , 微[wēi] , 反[fǎn], 抗[kàng] , инкор префикслари 非 [fēi], 无 [wú], 不 [bù], 未 [wèi] ҳам хос ярим префикси меёрдан ортиқлик маъносини англатадиган терминларни ҳосил қилишда иштирок этади. [11.,Б.57]

Хитой тилидаги тиббиётга оид лексикада бошқа тиллардан ўзлашган терминлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Тиббиётда соф фонетик ўзлаштириш аксарият ҳолларда бу моддаларнинг номларида кузатилади: 夫南西林 [fūnánxīlīn] «*фурацилин*». Уларнинг кўпчилиги семантик ўзлаштирилган муқобилига эга: 盘尼西林 [pánníxīlín] и 青霉素 [qīngméisù] «*пеницилин*», 因素林[yīnsùlín] и 胰岛素[yídǎosù] «*инсулин*». Баъзилари иккита график вариантда қўлланилиши мумкин: 阿兹海默病 [āzīhǎimòbìng] «Альцгеймер касаллиги» (阿兹海默 [āzīhǎimò] «альцгеймер» +病 [bìng] «*касаллик*»).

Семантик ўзлаштириш она тилидаги сўз ясаш воситаларини эътиборга олган ҳолда чет тилининг структур-семантик модели намунаси асосида шакллантирилади. Бошқа тилдаги мавжуд сўз таъсирида янги сўзнинг пайдо бўлиши, калкалашни ўзлаштиришнинг ўзига хос тури сифатида баҳолашга имкон берувчи белгиларидан биридир. Калкалаш чет тилини ўзлаштиришнинг муҳим усулларидан ҳисобалнади. Семантик ўзлаштиришда фонетик ўзлаштиришдан фарқли ўлароқ хитой тилида мавжуд лексик элементлардан фойдаланилади ва ўзининг товуш ва график шаклига кўра қадимий хитой лексикасидан мутлақо фарқ қилмайди [1, Б. 146]. Масалан;移植[yízhí] «*трансплантация*» .

Хозирги замон хитой тилида аббревиацияларни, яъни қисқартмаларни алоҳида такидлаб отиш жоиздир. Қисқартирилган мураккаб сўзлар тиббиёт матнларини тушунишда қийинчиликлар туғдиради, чунки улар турли йўллар билан тузилган. Шунинг учун луғатларда, қоидага кўра, терминнинг иккита: тўлиқ ва қисқартирилган вариантини учратиш мумкин. Қисқартмаларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:获得性免疫系统缺损综合症[Huòdé xìng miǎnyì xìtǒng quēsǔn zònghé zhèng] «*орттирилган иммун танқислиги синдроми* » = 艾滋病 [àizībìng] «*ОИТС» (AIDS*), 脱氧核糖核酸 [Tuōyǎng hétáng hésuān] «*дезоксирибонуклеин кислотаси*» = 脱氧核酸 [Tuōyǎng hésuān] «*ДНК*»,

Мамлакатидан, ундаги иқтисодий ва сиёсий вазиятдан қатъий назар инсон саломатлиги билан боғлиқ материаллар ўз долзарблигини йўқотмайди. Тиббиётга оид терминларни таржима қиладиган мутахассис учун бу соҳа билан боғлиқ сўз ясалиш хусусиятларини билиш ва эътиборга олиш жоиз бўлади. Тиббиётга оид терминларнинг номинациялари ва таржималарининг тадқиқи адекват таржимага эришишга йўналтирилган бўлиб, кўплаб амалий вазифаларнинг ечим топишига туртки беради. Тиббиётга оид терминларнинг ясалишини тадқиқ этиш асносида аксарият терминлар ва терминологик сўз бирикмалари қўшиш ва аффиксация усулида ҳосил қилинишини аниқладик. Буларни тизимлаштириш эса хитой тилидаги янги терминларни таржима қилишнинг методологик асосларини аниқлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Горелов В.И. Лексикология китайского языка / В.И. Горелов. – М.: Просвещение, 1984. – 216с.

2. Каримов А.А. Некоторые теоретические аспекты образования терминов китайского языка // Шарқшунослик. Востоковедение. Oriental Studies. –Тошкент, 2016. №4. Б. 14.

3. Попова Д.Е., Хоречко У.В. Терминология китайской медицины. К постановке вопроса / Д.Е. Попова, У.В. Хоречко // Молодой ученый. – 2015. – №10. – С. 1428-1432.

4. Носирова С.А. Ҳозирги замон хитой тили дипломатик терминларининг лексик-семантик ва структур таҳлили: Филол. фанлари номзоди... дисс: Тошкент, 2008. – Б. 11.

5. Мустафаева С. Хитой тилшунослик терминологияси: Филол. фан. бўйича фалс. докт. ... автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 12.

6. Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. Монография / О.П. Фролова. – М.: Восточная книга, 2011. – 168с.

7. Очиров О.Р. Терминология современного китайского языка / О.Р. Очиров // Ученые записки Забайкальского государственного университета. Серия: Филология, история, востоковедение. – 2009. – №3. – С. 236-2387.

8. Суперанская, А.В. Общая терминология: терминологическая деятельность / А.В. Суперанская, Н.В. Подольская, Н.В. Васильева. – 2-е изд. – М.: Едиториал УРСС, 2005. – 288 с.

9. Семенас А.Л. Лексика китайского языка: монография / А.Л. Семенас. – М.: Восток-Запад 2005. – 288с.

10. Sultanova L. A . ”Attribution Model of Composition in Modern Chinese(On the Exampl of Medical Terms”.International Journal of Psychosocial Rehabilitation ISSN:1475-7192 //https://www.psychosocial.com/article-category/issue-4-volume-volume-24(3662-3669) 2020y.

11. Sultanova L.A. Хитой тили лексикологияси // Ўқув қўлланма–Т.: ТошДШИ, 2019. с.176

12. Хашимова С. Хитой тилида сўз ясалиши. – Тошкент: Шарқ, 2018. – Б. 49.

13.Султанова Л.А.《汉乌俄医学小词典》。 “Қисқача хитойча ўзбекча тиббиёт луғати”. ТошДШИ, 2012. Б. 315.

14.Хоречко У.В., Гончарова А.В. К вопросу образования китайских медицинских терминов / У.В. Хоречко, А.В. Гончарова // Молодой ученый. – 2010. – №12. Т.1. – С. 203-205.

15.汉俄医学大词典 –北京。人民卫生出版社。2006 年。1763 页。

АНГЛИЦИЗМЫ С СУФФИКСОМ *-гольдер* В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Худайкулов А.Э. (ТГУ)

Вопросы языковых контактов относятся к числу актуальных проблем языкознания. Среди них важное место занимает вопрос о заимствовании. Заимстовованные элементы из одного языка в другой язык проникали разными путями – устным или же в результате различных переписок.

Как подчеркивает Л.П.Крысин, «заимствование лексических элементов – наиболее частый и типичный случай, заимствование фонемы – наиболее редкий и частный случай. Выделение морфемы происходит на основе словесного ряда, состоящего из слов с общим лексическим значением, характеризующихся повторяемостью какого-либо структурного элемента. … Морфологическое заимствование невозможно без заимствования лексического, без накопления в языке иностранной лексики, характеризующейся определенными общими структурными признаками» [5, с. 25–26].

Среди многочисленных английских заимствований большой интерес представляют транслитерованные сложные имена существительные, обозначающие названия должностных лиц, образованные при помощи английского суффикса – *гольдер*: «от английского глагола to hold – держать». В текстах русских официально-деловых документов встречается несколько англицизмы, образованные при помощи суффикса – *гольдер (holder)*: *барсгольдер* [*англ*. Boards-holder – держатель] – глава организации, учреждения, *лизгольдеры* [*англ.*leaseholder < lease аренда holder-держатель, земельные арендаторы в Англии позднего средневековья]; *копигольдеры* [*англ*. copy-holder – держатель копии] феодально-зависимые крестьяне в Англии позднего Средневековья, которые при вступление во владение земельным наделом получали копию (отсюда название) протокола манориального суда [4, с. 397], *фригольдеры* [*англ*. <free+holder> – пожизненные или наследственные держатели земли в феодальной Англии] и др. англицизмы с суффиксом – *гольдер*.

Отмечая подобные языковые явления, И. Г. Добродомов писал, что «словообразовательный суффикс сам по себе не может быть вычленен из заимствованных слов, если в нем не вычленена образующая основа, вычлененная не только формально, но и семантически» [3:260]. Об этом свидетельствуют содержащиеся в текстах памятников

русской письменности заимствованные английские слова, обозначающие названия должностных лиц, образованные при помощи суффикса *-гольдер.*

Фригóльдеры (англ. Freeholders < free – свободный + hold – держание) [4, с. 847], в английском феодальном праве лица, державшие землю на условиях «свободного держания» (фригольда). Формами *фригольда* (мог быть пожизненным или наследственным) были рыцарское держание на условии несения военной службы, крестьянское (сокаж) или городские (бургаж) держание на условиях выплаты феодальные ренты, церковное держание, освобождённое от ренты. В узком смысле под *фригольд* понимали крестьян, державших свободные держания внутри манора. Они были лично свободными, платили фиксированную ренту, имели права свободного завещания, раздела и отчуждения держаний, защиты в королевских судах; юридически противопоставлялись вилланам, а с 14–15 вв. – копигольдерам. Юридически *фригольдер*, как и другие формы феодальных держаний был отменён в 1925 году [9].

Следует заметить, что «вплоть до революции основным костяком йоменри оставалось средне крестьянство, а в нём – *копигольдеры*. *Копигольдеры* сами называли себя йоменами; об этом свидетельствует петиция некоего *Генри Уайта* на имя протектора, в которой он заявляет: «У меня нет *фригольда* с доходом в семь *фунт*ов… а только лишь один *копигольд*… *Фригольдеры, копигольдеры* и *лизгольдеры* – таков его состав с точки зрения юридической…» [6, с. 84].

Лизгольдеры [англ. Leaseholder < lease – аренда + holder держатель] краткосрочные земельные арендаторы в Англии позднего средневековья; лизгольдеры получали в аренду домен (крупный *лизгольд*) или часть домена (мелкий *лизгольд*) на срок, определявшийся лордом [4, с. 435]. Лорд обычно сдавал в лизгольд домен по мере того, как отказывался от отработочной ренты. Землевладелец получал с лизгольда не обычную прежнюю ренту (как это было в отношении копигольдеров), а новую рыночную ренту «по воле лорда». Продолжение аренды по истечении ее срока зависело от лорда. Арендаторами-лизгольдерами могли быть люди самых различных категорий [10].

«В начале XV века крестьяне в основной своей массе были уже фактически свободными. Бывшие вилланы стали *копигольдерами* – наследными держателями земли по копии протокола, определявшего условия договора с лордом манора. Сохранились *фригольдеры* – собственники своей земли, были и лизгольдеры – арендовавшие землю на длительный срок за деньги» [1].

Вышеприведенные примеры показывают, что несколько слов, образованное при помощи морфемы – *гольдер,* вошли в словарный состав русского языка в XVII–XVIII вв. и в дальнейшем они не сохранились. Поэтому в текстах официально-деловых документов англицизмы, образованные при помощи суффикса – *гольдер*, встречаются редко. Вышеуказанные англицизмы в текстах узбекских официально-деловых документов не встречаются.

Как показали наши наблюдения, морфема *-гольдер* образует не только названия должностных лиц. В частности, слово *газгольдер* обозначает технический термин, которое можно встретить и в современных текстах русских и узбекских официально-деловых документов. Оно часто используется в текстах современных русских официально-деловых документов. Например, в тексте Постановления Кабинета Министров РУз №164 «Об утверждении обновленного классификатора основных должностей служащих и профессий рабочих» от 19 июня 2015 года, слово *газгольдер* встречается в значении технического термина: «сферические и шаровые *газгольдеры*», «оператор *газгольдерной* станции», «импульсный пылеуловитель с *газгольдером*» и др. В свою очередь, данное слово употребляется также в текстах узбекских официально-деловых документов: «*газгольдер* станция операторн» [7]; “муҳандислик мулклари (ортиш-тушириш) такелажини тайёрловчи, резина буюм ва бўлакларни бичувчи, бутловчи, *газ-гольдер станцияси операторн*, резина буюмларни кесувчи, сараловчи, мочала эзиш билан банд ишчи” [8].

Согласно «Толковому словарю иностранных слов» Л.П.Крысина, англицизм *газгольдер* [*англ*. gasholder <gas газ + to hold вмещать] обозначает сооружение для приёмки, хранения и отпуска газа в газопроводную сеть [4, с. 173]. Как указывает М. Вуйтович, слово *газгольдер* вошло в русский язык во второй половине XIX в [2:11].

В современном русском языке слова *gazgolder, газгольдер* – ‘названия российский лейбл звукозаписи, клуб, продюсерский центр, агентство по менеджменту, продвижению и букингу артистов’ [11].

Как свидетельствует вышеизложенный материал, привлечение данных памятников официально-деловой письменности дает возможность открыть тайны образования отдельных слов, в частности, имён существительных, проникших из английского языка.

Список литературы:

1. Асланов Л.А. Культура и власть. Режим доступа:
2. Вуйтович М. Характеристика заимствованных из английского языка имён существительных в русском языке. – Познань, 1984 – 140 с.
3. Добродомов И.Г. Проблемы заимствования морфем // Актуальные проблемы русского словообразования. Самарканд, 1972. – Т. 1. – С. 260.
4. Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. – М.:ЭКСМО, 2010. – 944 с.
5. Крысин, Л.П. Русское слово, свое и чужое: исследования по современному русскому языку и социолингвистике [Электронный ресурс]. – М. : Языки славянской культуры (ЯСК). – 2004. – 889 с. // Режим доступа: https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=476940. – Дата доступа: 02.02.2021.
6. *Лавровский В.М., Барг В.А. Английская буржуазная революция. Некоторые проблемы английской буржуазной революции 40-х годов XVII века. – М.: изд. Социально-экономической литературы,* 1958 – С. 84.
7. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳасда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг2009 йил 26 июндаги “Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги 33Қ/Б-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 20 июлдаги “Нефть ва газ ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари” тўғрисидаги 138-Б-сон буйруғи.
9. https://bigenc.ru/world_history/text/4723746
10. https://slovar.cc/rus/inostr/1409748.html
11. https://ru.wikipedia.org/wiki/Gazgolder

KAUZATIV FRAZEMALAR

Turniyazov B.N. (SamDCHTI)

Kauzallikning semantik planda voqelanishida idiomalar alohida o‘rin tutadi. Frazeologik birliklar tarkibiy qismlari o‘rtasidagi mazmuniy munosabatlar derivatsiyasi hosilasida kauzal ma’noning mavjudligini ham kuzatamiz. Bir frazemaning semantik konstruksiyasida ikki xil ma’no borligi belgilansa (masalan, ham frazema anglatayotgan ma’no, ham kauzal ma’no), uni «*konversiv frazema*» deb ataymiz. Bunda bir idiomaning turli ma’no salmog‘i tekshiriladi. Mazmuniy derivat shakllanayotgan vaziyatda tilning *substandart* leksik qatlamida (shevada, oddiy so‘zlashuv muloqotida) yangi ma’no ifodasini yuzaga chiqishining analogiyaga asoslangan murakkab jarayoni yuz beradi. Buning natijasida mavjud me’yorning ko‘lami kengayadi va ma’no hosilasi ortib boradi. Masalan:

Sobir Abdullani «Alpomish» pyesasi uchun nari oborib, beri opkelib turgan edilar (S.Ahmad. Xandon pista).

Berilgan misolda «*nari oborib, beri opkelib turmoq*» frazemasi qatnashgan bo‘lib, uning semantik derivatsiyasi mahsuli «*juda qattiq azoblamoq, tazyiq o‘tkazmoq*» degan mazmuniy hosilalarni yuzaga chiqaradi. Bu masalaning bir tomoni bo‘lsa, ushbu frazemaning kauzal mazmunni berishi esa ikkinchi tomoni hisoblanadi. Shu jihatdan idiomaning mavjud turi konversiv hisoblanadi. Ushbu frazema nutqda qo‘llanganligi bois sifatdosh shaklini (-gan) olib, tub struktura mavqeyida kelmoqda. Aniqrog‘i, u shaklan gapga teng bo‘lsa-da, turg‘unlik belgisiga ko‘ra «*azoblamoq*» ma’nosini ifodalovchi so‘z maqomida turadi. Shuning uchun ham biz uni tub struktura deb atay olamiz. Ma’lumki, sifatdosh sof fe’l shaklidan farqli ravishda, doim nutqda voqelanadi va funksional monema vazifasini bajaradi. Bundan tashqari, sifatdosh so‘z birikmalari, sodda gapning murakkablashgan shakllari, tobe komponentli murakkab sintaktik qurilmalari derivatsiyasida operator vazifasini ham o‘taydi[1.47].

Berilgan misolning tahlilida avval uning sintaktik derivatsiyasiga murojaat etamiz-da, so‘ng kauzativatsiyaning voqelanishiga to‘xtalamiz:

1) *nari oborib, beri opkelib turgan edilar* (*azoblar edilar*) –V;

2) (*Ular*) *nari oborib, beri opkelib turgan edilar*–N+V;

3) (*Ular*) *Sobir Abdullani nari oborib, beri opkelib turgan edilar*–N+X_1+V(op:-*ni*);

4) (*Ular*) *Sobir Abdullani «Alpomish» pyesasi uchun nari oborib, beri opkelib turgan edilar*–N+X_2+V(op:-*uchun*).

Ko‘rib turganimizdek, gapning sintaktik derivatsiyasining tub strukturasi mavqeyida kelayotgan frazema kauzasemantik derivatsiyada «*tazyiq o‘tkazmoq*» ma’no ifodasini beruvchi kauzal hosilani (oqibatni) yuzaga chiqarmoqda. Bunda ko‘makchi (*uchun*) derivatsiyaning har ikkala turida ham operator vazifasini o‘tamoqda. Birinchidan, sintaktik jihatdan operandlarni sintagmatik qatorda faollashtiruvchi unsur hisoblansa, ikkinchidan, sabab ma’nosini yuzaga chiqaruvchi kauzaoperator bo‘lib kelmoqda. Mazkur vaziyatda kauzator kauzantga (*Sobir Abdullaga*) ta’sir o‘tkazib, uni ruhiy jihatdan kauzativatsiya oqimiga olib kirmoqda, bunday holat esa tahlil qilinayotgan misolda frazema bilan izohlanmoqda. Kauzativ derivat (tazyiq o‘tkazish) shakllanishining asosiy sababi «*Alpomish*» pyesasining yozilishidir.

Tahlil jarayoniga tegishli masalaning yana bir murakkab tomoni borki, u ham bo‘lsa «*nari oborib, beri opkelib turmoq*» konversivining turg‘un holatga kelguniga qadar derivativ voqelanishida ko‘rinadi. Buning yechimini topish uchun, bizningcha, uning ichki sintaktik strukturasi elementlarining o‘zaro bog‘lanishi konstruksiyasini analiz qilib ko‘rishga to‘g‘ri keladi. Boshqacha aytganda, idiomaning derivatsion tarixini izohlash uchun uni nanosintaktik nuqtayi nazardan tahlil qilish zarur. Nanosintaktik yo‘nalishda leksik elementlarning sintaktik strukturasini tekshirishning o‘ziga xos usullari mavjud bo‘lib, frazemalarning sintaktik tuzilishi uning *superset prinsipi* deb nomlanuvchi metodi orqali tahlil qilinadi. Bunda frazema leksik element sifatida kengaygan sintaktik strukturalar kompleksini tashkil etadi:

(*Ular*) *nariga olib borib turibdilar* [V=($_{\text{V-ib+V-ib+V}}$); N+V; N+$X_{\text{-ga}}$+V].

(*Ular*) *beriga olib kelib turibdilar* [V=($_{\text{V-ib+V-ib+V}}$); N+V; N+$X_{\text{-ga}}$+V].

(*Ular*) nariga olib borib, beriga olib kelib turibdilar

[V=($_{\text{V-ib+V-ib, V-ib+V-ib+V}}$); N+V; N+$X_{\text{-ga}}$+V; N+X+V+$X_{\text{-ga}}$+V].

Nari oborib, beri opkelib turibdilar [X+V, X+V].

Nari oborib, beri opkelib turmoq [X+V, X+N]=*azoblamoq.*

Tahlil natijasida shuni ko‘ramizki, gap qolipidagi frazemaning ham o‘z ichki mikrosintagmatik strukturasi mavjud bo‘lib, undagi har bir element semantik va sintaktik jihatdan ma’lum bir vazifani bajaradi va sintez natijasi o‘laroq «*azoblamoq*» mazmuni bilan bog‘lanadi. Masalan, belgisiz ifodalanayotgan kelishik shakli *-ga* X unsurni frazemaning boshga operandlari bilan aloqaga kirishuvini ta’minlasa, ravishdosh shakli *-ib* qo‘shma fe’l ko‘rinishida kelgan yetakchi fe’lni ko‘makchi fe’l bilan munosabatini belgilaydi. Bundan tashqari, operandlarning ifodalanuvchi signifikati ham turg‘unlik ko‘rinishida aynan «*azoblamoq*» semasini izohlashi uchun xuddi shunday shakllanishi shart, aks holda, bunday ma’no kelib chiqmaydi. Zero, mazkur ma’noni yuzaga chiqarish uchun operandlar tarxini hech vaqt «*uzoqqa oborib, yaqinga obkelmoq*» tarzida chizib bo‘lmaydi. Gap qolipidagi frazemaning ichki sintaktik tuzilishi tabiatini

mikrosintagmatik munosabatlar tarzida talqin etishimizning boisi shundaki, u garchi gap qolipida kelgan bo‘lsa-da, turg‘unlik belgisini yo‘qotgan emas. Boshqacha aytganda, u nutq birligi hisoblanmaydi.

Shuni ham aytish kerakki, misolimizdagi frazema ko‘rinishida birikayotgan so‘zlarning tom ma’nosi ham o‘z holicha kauzallik bilan bog‘lanadi. Zotan, «*nari oborib, beri opkelish*»ning qandaydir sababi bo‘lishi kerak. Bunday vaziyatda kimnidir biror joyga olib borb, olib kelishda ish-harakatga undash kuzatiladi. Demak, idioma nafaqat ma’noning, balki butun situatsiyaning ham prototipi bo‘lib kelishi mumkin. Shu bois ta’sir etish mazmunini aks ettiruvchi «*kavushini to‘g‘rilab qo‘ymoq*», «*kayfini buzmoq*», «*abjag‘ini chiqarmoq*», «*ta’bini tirriq qilmoq*», «*po‘stagini qoqmoq*», «*gapga solmoq*», «*shubha solmoq*», «*yuragini yormoq*» kabi ko‘plab frazeologik birliklar kauzatsiyaga aloqador bo‘ladi:

1. *U qizni gapga solay desa, yovvoyi mushukdek hurpayib o‘tiribdi* (S.Ahmad. Xandon pista).

2. *O‘xshamag‘an yerda bir xotinning arzga kelishi qo‘rboshining ko‘ngliga shubha soldi* (A.Qodiriy. O‘tkan kunlar).

Keltirilgan misollarda frazemalar orqali ta’sir etish (kauzatsiya) ma’nosi aks etgan bo‘lib, shu bilan birga, semantik derivatsiya jarayonida tasvirlash asosida hosilalar voqelanmoqda: «*gapga solmoq*»–kauzantni gapirishga undash (gapirtirmoq), «shubha solmoq»–kauzantni gumonsirashga majbur etish (shubhalantirmoq).

Berilgan misollarning birinchisida kauzatsiya amalga oshmagan, chunki kauzantning holati sabab maqomida turib, kauzativatsiya jarayoniga to‘sqinlik qilmoqda. Mazkur sabab aslida oqibatdan o‘sib chiqqan bo‘lib, uning sababi esa kauzatorning reaksiyasi kauzant tomonidan qabul qilinmaganligidadir. Kauzatorning ta’sir o‘tkazmoqchi (gapirtirmoqchi) ekanligi asosiy sabab hisoblanadi, lekin bu vaziyatda u aniq emas. Mavjud hodisa aktual emas, zero, hodisaning faollashuvi uning semantik ishtirokchilariga bog‘liq. Ushbu vaziyatda *maqsadli kauzatsiyani* kuzatamiz. Maqsadli kauzatsiyaning semantik derivatsiyasida fe’lning buyruq-istak mayli(*-ay*) hamda shart mayli (*-sa*) qo‘shimchalari dubloperator vazifasini o‘tamoqda. Kauzatorning ta’sir o‘tkazolmaganligi darajasi oqibat mavqeyida turibdi.

Ikkinchi misolda kauzatorning ta’sir o‘tkazishi (xotinning arzga kelishi) hodisa bo‘lib, u sabab ko‘rinishida kelmoqda. Ammo xotinning arzga kelishining sababi implitsit belgi tarzida (ifoda planiga ega bo‘lmasa-da) kauzasituatsiyaning derivatsiyasida asos vazifasini o‘tamoqda. Sabab va oqibat munosabatlari mantiqiy operator orqali faollashmoqda. Qo‘rboshining shubhalanishi (oqibat) sirkonstativ hodisa sifatida kauzatsiyaga uchragan.

Shunga ham ahamiyat berish kerakki, yuqorida ko‘rsatilgani kabi frazemalar semantik derivatsiya mahsuli sifatida turli xil ma’no ifodasini bersa ham, kauzativatsiya jarayonida bir xil «kauzal ma’no» degan tushuncha ostida birlashadi. Lekin buni ham nisbiy tushunmoq darkor, zero, kauzal ma’no ham kauzatorning kauzantga nisbatan qanday kauzal munosabatda bo‘lishiga ko‘ra farqlanadi:

Shunday qilib, maqolada frazeologik birliklarning kauzasemantik derivatsiyasi xususida so‘z yuritildi. Ammo ushbu hodisaning ifodalanishida tilning grammatik elementlari ham muhim ahamiyat kasb etadi, bu, o‘z navbatida, kauzativlikning morfologik rejada o‘rganilishini taqozo etadi. Kauzativlik tushunchasining morfologik vositalar bilan ifodalanishi asosida esa sintaktik munosabatlar mavjudligi kuzatiladi. Mazkur munosabatlarni morfosintaktik jihatdan tahlil qilishga to‘g‘ri keladi. Zero, morfosintaksisda morfemalarning o‘zaro sintaktik aloqalari tadqiq

Frazema	Kavushini to‘g‘rilab qo‘ymoq	Abjag‘ini chiqarmoq	Kayfini buzmoq	Po‘stagini qoqmoq
Semantik derevat	Haydamoq	Jarohatlamoq	Xafa qilmoq	Tanqid qilmoq
Kauzal ma’no				
Kauzal munosabat	Jismoniy ta’sir	Jismoniy ta’sir	Ruhiy ta’sir	Ruhiy ta’sir

etiladi. Mavjud jarayon kichik sintaksisning o‘rganish obyekti hisoblanadi. Bu xususda keyingi ishlarimizda mulohaza yuritamiz.

Foydalanilgan adabiyot:

1. Турниёзов Н.Қ. Назарий грамматикадан очерклар. -Самарқанд: СамДЧТИ, 1998.

РОЛЬ МЕТАФОР В ФОРМИРОВАНИИ ФРЕЙМОВ В НЕМЕЦКОМ МЕДИАДИСКУРСЕ

Сафарова М. (СамДЧТИ)

Процесс метафоризации политического дискурса является одним из актуальных направлений в исследовании ученых лингвистов. Повышенный интерес к метафорам обусловлен интенсивным развитием информационных технологий, возрастающей ролью средств массовой информации, тенденцией к глобализации. Многочисленные исследования сосредоточены на том, какие метафоры используют политики и журналисты разных стран и как это влияет на общественное сознание и политическую жизнь.

Сегодня метафоры больше не рассматриваются исключительно лишь как литературный стилистический прием украшения текста. Они представляют собой фундаментальный метод переноса одной области опыта в другую в нашем сознании - и, посредством этого переноса, лучшего понимания или представления в ином свете области происхождения.

Как отмечает А. П. Чудинов, «метафора понимается как основная ментальная операция, способ познания и категоризации мира: в процессе мыслительной деятельности аналогия играет не меньшую роль, чем формализованные процедуры рационального мышления». [8: 13].

Обращаясь к чему-то новому, сложному, не до конца понятному, человек нередко пытается использовать для осмысления элементы какой-то более знакомой и понятной сферы. При метафорическом моделировании политической сферы, отличающейся сложностью и высокой степенью абстракции, человек часто использует более простые и конкретные образы из тех сфер, которые ему хорошо знакомы. Метафора – это не средство украшения уже готовой мысли, а способ мышления, повседневная реальность языка [5: 136].

Приведем пример из текстов немецкоязычных СМИ по одной из актуальных тем – проблеме беженцев из Ближнего Востока, добирающихся до европейских стран морским путем часто на необорудованных для этого плавательных средствах с угрозой для жизни:„…eine Art illegaler **Shuttle-Service**, der Flüchtlingen und Migranten eine sichere Überfahrt bietet und den Schleppern satte Gewinne“ . [1: 3].

В данном примере использован термин „Shuttle-Service“ («трансфер») как один из комфортных способов транспортного передвижения. Следовательно, у читателя возникают ассоциации, связанные с регулярно курсирующими автобусами или кораблями, которые переносятся в зону отправления: трансфер является частью поездки, осуществляется за деньги, является планируемой услугой, зависит от определенных стандартов качества, в принципе, безопасно и так далее – и именно так тогда следует рассматривать события на Средиземном море. Читатель должен быть спокоен: беженцев доставят до Европы, все будут в безопасности. Таким образом, задача метафоры заключается в том, чтобы связать ассоциации с исходными фактами, чтобы тем самым классифицировать или интерпретировать их желаемым образом в другом контексте. По мнению И. М. Кобозевой, это является одной из функций метафоры в политическом дискурсе: в политической речи метафора выполняет «интерактивную функцию сглаживания наиболее опасных политических высказываний, затрагивающих спорные политические проблемы, минимизируя ответственность говорящего за возможную буквальную интерпретацию его слов адресатом» [6: 134]. Кроме того, метафора «создает у партнеров по коммуникации

общую платформу, опираясь на которую, субъект речи может более успешно вносить в сознание адресата необщепринятые мнения» [6:135].

Подобные психологические механизмы также описываются термином, который получил широкую популярность в последнее время: „фрейминг“ (с англ. „frame“ - «рамка», «обрамление»). По мнению создателя теории фреймов М. Минского, фрейм - это «структура знания для представления

стереотипной ситуации» [7:7]. Фрейм представляет собой не одну конкретную ситуацию, а наиболее характерные, основные моменты ряда близких ситуаций, принадлежащих одному классу. Фрейм включает в себя совокупность знаний и представлений, которые находятся в определенном контексте. Возвращаясь к термину «Трансфер», использованному выше, то в его фрейм можно включить: транспортировочный корабль, капитан судна, путешественники, судоходная компания, и многие другие. Психологические процессы, лежащие в основе фреймирования, в настоящее время достаточно хорошо изучены. При рассмотрении в этом свете метафоры можно рассматривать как самый яркий из возможных способов лингвистических средств для фреймирования.

Посредством фрейма одни аспекты поднимаются и подчеркиваются, а другие постепенно затемняются. Угол зрения, с которого происходит подача событий, определяет результат при установлении проблемы, причин, оценок и возможных путей решения. Поэтому в настоящее время политические и другие стратегические действующие лица активно используют фрейм с целью навязывания общественности своей точки зрения и получения ее поддержки, то есть «убеждения граждан в действительности факта, достоверности разъяснений, уместности оценок и необходимости предлагаемых мер» [3:36].

A.Vejbitskaya emotsiyalarni tasvirlagan holda "kognitiv ssenariy"ga asoslanadi, ya’ni "bu - emotsiya paydo bo‘ladigan vaziyat xarakteristikasi shuningdek, sub’ekt istagi va fikri bilan bog‘liq tavsifdir" [Vejbitskaya 2001, 10]. Istak va xohish esa kishilarda ma’lum bir signal yoki ma’lumotlar kelishi orqali paydo bo‘ladi. Bu xususda V.I.Shaxovskiy kognitsiya va emotsiyani doimo yonma-yon tarzda birga, deb hisoblaydi, ya’ni emotsiya har qanday narsani bilishga undaydi, bilish esa emotsiya orqali osonlashadi [Shaxovskiy 2009, 23].

3)Boshqarish funksiyasi har qanday faoliyatning ichki regulyatori emotsiya ekanligini ko‘rsatadi, ya’ni sub’ektning ichki his-tuyg‘u va kechinmalari bevosita emotsiya orqali boshqariladi va shu orqali emotsiyaning regulyatorlik funksiyasi namoyon bo‘ladi. Tilshunoslar tomonidan emotsiyaga berilgan ta’riflarda uning aynan regulyatorlik funksiyasiga bog‘liqligini, xususan, ichki kechinmalarga asoslanganligini ko‘rish mumkin. Masalan, emotsiya doimo sub’ektning biron kimga yoki narsaga nisbatan munosabati bo‘lib, ichki emotsional kechinmalarga bevosita urg‘u berishdir [Kalimullina 2006, 31], degan tavsifda ushbu holat oydinlashadi. Bundan tashqari, D.A.Romanov emotsiya, ichki kechinmalar va til o‘rtasidagi ayrim munosabatlarni quyidagicha tavsiflaydi: “Emotsiya psixik fenomen sifatida insonlarning his qilgan kechinmalarini namoyon etadi hamda ular tilga bog‘liq bo‘lmagan holda lisoniy vositalar bilan ifodalanmasligi ham mumkin” [Romanov 2004, 11].

Shuningdek, emotsiya – bu insonlarda sodir bo‘ladigan ichki emotsional holatni ifodalovchi tasvir bo‘lib, u xulq - atvorni, mimika, nutq va asosiy reaksiyani o‘zgartira olishi ham ayrim ta’riflarda inobatga olingan [Agapova 2015,9]. Bundan shunday xulosa chiqargan holda emotsiya ichki hissiyotlar holati bo‘lib, turli harakatli reaksiyalar hamda hissiyotlarni ifodalovchi turli ifoda shakllari bilan birga kelishi mumkinligini hamda u universal xususiyatga egaligi va kishilar bunday hissiyotlarni har qanday holatda ham his qila olishini qayd etish lozim. Shu o‘rinda *“emotsiya”* va “*hissiyot”*ni o‘zaro farqlagan holda *“emotsiya”* “*hissiyot”*ga qaraganda, ancha tor ma’noli ekanligini, biroq “*hissiyot*” o‘z ma’no markazida “*emotsiya*”ga ega bo‘lgandagina keng ma’noli hisoblanishini ta’kidlash lozim [Axmedova 2013, 14].

4) Harakatga keltiruvchi funksiya – emotsiyalarning faoliyat va xulq-atvor undovchilari (motivlari) sifatida xizmat qilishini hamda motivlarning o‘zgarishiga ta’sir etishi mumkinligini ko‘rsatadi, ya’ni emotsiyaning o‘zgaruvchanlik xususiyati ham aynan shu funksiyasi orqali namoyon bo‘ladi. Chunki emotsiyalar motivatsiyaning subektiv shakli sanaladi va harakatchanlik, albatta o‘zgaruvchanlikka olib keladi. Demak, emotsiyaning harakatga keltiruvchi funksiyasi ham tilshunoslar tomonidan emotsiya ta’riflarida inobatga olinishi bejiz emas. Bu borada V.A.Pishalnikova shunday yozadi: Emotsiyalar vaqt o‘tishi bilan o‘zgaruvchandir, ya’ni insonlarning turli yoshiga ko‘ra o‘ziga xos xarakterli emotsiyalar paydo bo‘lishi tabiiy holdir, bu ham "o‘ziga xos emotsional tajriba"ning individual tarzda amalga oshirilishidir [Pishalnikova 2008]. Shuningdek, M.A.Vaxrusheva hamda S.V. Ionovalar ham “...emotsiyalar klasterli shaklda bo‘lib, ular o‘zgaruvchan va o‘tkinchidir, shuning uchun ularning talqini har doim noaniq, qolaversa, og‘zaki ifodasi taxminiy va vaziyatga qarab o‘zgaruvchandir” [Vaxrusheva, Ionova 2021, 8], degan fikrlarni bildiradi.

5)Muloqot funksiyasi - muloqot jarayonida aloqaning o‘rnatilishidir. U turli mimika, jest va ohanglar orqali namoyon bo‘ladi. Emotsiyaning ushbu funksiyasi ham tilshunoslarning diqqatini o‘ziga jalb etgan xususiyatlardan biridir. Jumladan, T.V.Larina o‘z ta’rifida shunday deydi: “Emotsiya muloqotning ajralmas tarkibiy qismi bo‘lib, u muloqot ishtirokchilarini birlashtirishga yoki ajratishga qodir. U muloqotning barcha komponentlari singari universallikka, madaniy o‘ziga xoslikka va xususiylikka ega” [Larina 2015, 152]. Shuningdek, emotsiya, muloqot va til o‘rtasidagi munosabatlar A.Koselak tomonidan quyidagicha izohlanadi: “Emotsiya asosan, aloqa qilish yoki o‘zoqlashish, hissiyotlarni murakkablashtirishdir. Emotsiya jarayonni tez va bir lahzada qo‘zg‘atuvchi hamda tasvirlashning har qanday nozik verbalizatsiyasidan qutqaruvchidir” [Koselak 2007, 64]. Ushbu mulohazada emotsiyaning muloqot vositasi ekanligi bilan bir qatorda, ruhiyat tasvirini ifodalashda tildan tashqari, eng samarali noverbal vosita ekanligiga alohida urg‘u berilgan.

Tilshunoslarning emotsiyaga bergan tavsiflarini o‘rganish jarayonida yana bir shunday holatga duch kelish mumkin, ya’ni emotsiyaning psixologik funksiyalarini madaniy xususiyatlar bilan uyg‘unlikda izohlash holatlari ko‘zga tashlanadi. Jumladan, A.O.Duszak “emotsiya”ni izohlash jarayonida uni madaniy fenomenlar bilan bog‘lashga harakat qiladi. Masalan, emotsiyalarni - ijtimoiy qabul qilingan madaniy artefaktlar, aniq voqealar, vaziyatlar, kontekstlar, munosabat yoki xatti-harakatlardir, deb hisoblagan holda *g‘azab* yoki *baxt* kabi so‘zlarni o‘ziga xos aniq madaniy modellarga ega, deb ko‘rsatadi [Duszak 2003, 15]. Shuningdek, E.V.Pak ayrim emotsiyalar universal va umummadaniy fenomen sanaladi... ularni ifodalash uchun esa dominant, kalit, etakchi va asosiy kabi emotsiyalar mavjuddir, deydi [Pak 2007, 183]. Ushbu keltirilgan ta’riflarning umumiy mazmun va mohiyatini umumlashtirgan holda V.I.Shaxovskiy har qanday tilga mansub individual shaxs o‘zining madaniy xilma-xilligidan qat’iy nazar bir xil fundamental emotsiyalarni his qila oladi va bu insonlarni bir-biri bilan birlashtiradi [Shaxovskiy 2009, 300], deb izohlaydi.

Yuqorida keltirilgan tahliliy fikr-mulhazalarni umumlashtirshgan holda mazkur masala yuzasidan quyidagicha xulosa keltirish mumkin:

Emotsiyalarning botiniy tasviri hisoblangan *fiziologik* va *psixologik komponentlari* hamda zohiriy tasviri hisoblangan *xulq-atvor komponentlari* “emotsiya”ni tavsiflashda muhim

ahamiyat kasb etadi, xususan, emotsiya dastlab, botiniy shaklda paydo bo‘lib, zohiriy shaklda namoyon bo‘lishi lisoniy ta’riflarning asosiy mezonlaridan biri sanaladi.

Lisoniy ta’riflarda “emotsiya”ning o‘ziga xos psixologik funksiyalaridan *reflektiv baholash funksiyasi - sub’ekt bahosi* sifatida, s*ignalizatsiya funksiyasi - bilish va kognitsiya* sifatida, *boshqarish funksiyasi - ichki emotsional kechinmalar* sifatida, h*arakatga keltiruvchi funksiyasi - o‘zgaruvchan hodisa* sifatida, *muloqot funksiyasi - emotsional aloqa* sifatida talqin qilinishi ruhiyat tasvirini ifodalashda “emotsiya”ning tildan tashqari, eng samarali noverbal vosita ekanligiga ishora qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Duszak A.O. emocjach bez emocji. Gniew w perspektywie lingwistycznej // Anatomia gniewu. Emocje negatywne w jçzykach i kulturach swiata. - Warszawa: Wyd-wo Un-tu Warszawskiego, 2003. -S. 13-23.
2. Koselak A. Sémantique des sentiments «*Quand je pense a toi, je ressens quelque chose de mauvais*» en français et en polonais. Thèse de Doctorat. – Metz, 2007. -587 p.
3. Агапова С. Г., Телюкина Е. К. К вопросу о способах репрезентации эмоций // Science Time. – 2015. – № 1. – С. 9-11.
4. Апресян Ю.Д. Образ человека по данным языка : попытка системного описания // Вопросы языкознания, №1, 1995. – С. 50-75.
5. Ахмедова Ф.А. Глагольные фразеологизмы, обозначающие чувства, в русском, английском и таджикском языках. Автореф.канд.дисс. –Москва: Воршавское ш., 2013. - 24 с.
6. Вахрушева М.А., Ионова С.В. Эмоциональная коммуникация на русском языке. Учебно-методическое пособие. -М.:Мир науки, 2021. -87 с.
7. Вежбицкая А. Сопоставление культур через посредство лексики и прагматики. Пер. с англ. А.Д. Шмелева. – М.: Языки славянской культуры, 2001. –272 с.
8. Гак В.Г. Синтаксис эмоций и оценок / Функциональная семантика: оценка, экспрессивность, модальность. –Москва: ИЯ РАН. – 168 с.
9. Калимуллина Л.А. Семантическое поле эмотивности в русском языке: синхронный и диахронический аспекты: спривлечением материала славянских языков. Дисс.докт.филол.наук. –Уфа, 2006. -556 с. https://search.rsl.ru/ru/record/01003394269
10. Ларина Т.В. Прагматика эмоцей в межкультурном контексте. / Текст науч.ст.по спец. “Языкознание и литературоведение, 2015. –С.144-163. https://cyberleninka.ru/article/n/pragmatika-emotsiy-v-mezhkulturnom-kontekste
11. Литвина А.С. Изучение эмоций человека в различных областях науки. // Мир науки, культуры, образования. -2010. -№ 3 (22) . – С. 21-23.
12. Молчанова Н.В. Влияние эмоций на коммуникативное взаимодействие. Автореф.канд.дисс. -Ярославль: Аверх, 2005. -24 с.
13. Пак Е.В. К вопросу об эмотивной лексике и эмотивности. // Система языка и дискурс. Межд.сб.науч.статей. –Самара: Самарский университет, 2007. –С. 180-188.
14. Пищальникова В.А. Текст научной статьи по специальности «Языкознание и литературоведение». Рецензия на монографию В.И.Шаховского «Лингвистическая теория эмоций» / https://cyberleninka.ru/article/n/2009-01-003-shahovskiy-v-i-lingvisticheskaya-teoriya-emotsiy-m-gnozis-2008-416-s?ysclid=l6ozzdl0ww576500710
15. Романов Д.А. Языковая репрезентация эмоций : уровни, функционирование и системы исследований (на материале русского языка). Автореф.докт.дисс. –Белгород, 2004 – 52 с.
16. Семёнова Т.В. Вербализация эмоцей человека в зеркале анатомии (на материале английского языка) // Вестник Челябинского государственного Университета. Филология. Искусствоведение. Вып. 40. 2010. №4 (185). –С. 156-159.
17. Шаховский В.И. Лингвистическая теория эмоций. –М.: Гнозис, 2008. - 416 с.
18. Шаховский В.И. Язык и эмоции. Учебное пособие. –Волгоград : Изд-во ВГПУ “Перемена”, 2009. -170 с.

O‘ZBEK VA XITOY TILLARIDAGI O‘RGANILAYOTGAN MUAMMOLAR VA INTERFERENSIYALARNING QIYOSIY TAHLILI
O‘ZBEK TILIDAGI O‘RGANILAYOTGAN MUAMMOLAR

Nazarova S., Saydalieva N.F. (O‘zDJTU)

Internet tarmog‘ining O‘zbekiston bilan bog‘liq qismi- O‘znet yildan yilga kengayib bormoqda. Bu Respublikamizning har 1000 fuqarosiga 91, 48 internet foydalanuvchisi to‘g‘ri keladi. Unda faol domenlar soni 2009-yil 14-dekabr holatiga ko‘ra, keyingi paytlarda yuzaga kelayotgan lingvistik tadqiqotlarda tarjima muammolariga katta e‘tibor berilmoqda. Tarjimonlar o‘z faoliyati davomida turli xil qiyinchiliklarga duch keladilar. Bunday muammolar yozma va og’zaki tarjimada ham uchraydi. Xorijiy tillardan o‘zbek tiliga tarjima qilinganda har doim ham tarjima to‘g’ri chiqavermaydi. Xitoy tilidan matnni o‘zbek tiliga tarjima qilganimizda so‘zlarni yonida kelgan iyeroglifga qarab tarjima qilishga harakat qilamiz. Chunki xitoy tilidagi so‘zlar ohangiga qarab ma‘nolari o‘zgarib ketadi. Xitoy tili murakkab til bo‘lganligi tufayli tarjima jarayonida ham biz ko‘p muammolarga duch kelamiz. Tarjima tadqiqotlarida eng muhim muammolar bu so‘zlarning hammasini aniq tarjima qilib bo‘lib, ulardan gaplarni tuzib tarjima qilamiz. Gaplarni tarjimasini qilib bo‘lganimizdan so‘ng esa ulardan matnning tarjimasini shakllantiramiz.

Bu ma‘lumotlarni biz tarjima jarayonining talabalarga naqadar murakkabligini tushuntirish uchun berildi. Talabalar matnni tarjima qilish oson deb o‘ylashlari ham mumkin. Ammo, bu murakkab jarayondir. Avvalo, so‘zlar tarjimasi, so‘z birliklarining birikishi, ulardan gap tuzib mantga keltirish uzoq vaqt talaba etadigan jarayondir. Ko‘pgina madaniy odatlar ham oddiy ona tilimiz orqali tasvirlanadi. Insonlar jamiyatda bir-biri bilan muloqot qilishi uchun ona-tilidan yoki xorijiy tillardan foydalanishlari mumkin. Tarjimon odatda asliyat tilidagi eng muqobilni tarjima qilinayotgan tilga moslashga harakat qiladi. Tarjima ilmiy –nazariy o‘rganish obyekti bo‘lishi zarur. Unda tahlil va uyg‘unlashtirish jarayoniga, matbda yoki og‘zaki tarjimada nimaga ahamiyat berishligiga, qanday axborot zarurligi va maqsadga erishish uchun nimalarga e‘tibor qaratilgan bo‘lishi lozim. Muqobillar ma‘nosi ko‘p hollarda konteksga qarab tarjima qilinadi. Tarjima jarayonida o‘qituvchi va talabalar so‘zlarning tarjimasini lug‘atdan foydalanib yoki elektron lug‘atlardan hattoki internet saytlaridan foydalangan holda tarjima qilishlari mumkin. [1]

Asosiy qism. Kontekst so’zlarni bilish va ularni to‘g‘ri tarjima qilish tarjimonning eng ishonarli quroli sanaladi. Tarjima jarayonida kontekstning ahamiyati katta. Ba’zi hollarda so‘zning ma’nosini anglashimiz uchun butun bir gapni tushunishimiz lozim. So‘zlarning ekvivalenti ham bo’lishi mumkin. Asliyatdagi so‘z ma’nosi tarjima tilida to‘liq ekvivalent, qisman ekvivalent yoki umuman bu so‘zning ekvivalenti bo‘lmasligi mumkin. Ba’zida xitoy tilida ham ko‘p ma‘noli so‘zlar ham uchraydi, bunday so‘zlar tarjima jarayonida yonida kelgan so‘zga qarab tarjima qilinadi. Bu kabi muammolar talabalarda ham tarjima kompetensiyasini shakllantirishda ayrim qiyinchiliklar kelib chiqishiga ham sabab bo‘lishi mumkin. Qisman ekvivalent bo‘lgan so‘zlar orasidan eng to‘g’risni tanlash tarjimaning diqqat markazidagi hal etish zarur bo‘lgan dolzarb muammolaridan biri sanaladi. Hozirgi kunda xitoy tilidagi electron lug‘altlardan keng foydalaniladi. Ularda faqatgina so‘zlar tarjimasi rus– tilida berilgan bo‘ladi, matn tarjimasi rus-tilidan o‘zbek tiliga tarjima qilinadi.

Interferensiya (Lingvistik interferensiya) (lotincha interferens, inter orasida + ferens– o‘tkazuvchi, o‘tkazadigan ya‘ni tilda u bir tilning boshqa bir tilga ta‘sir o‘tkazuvchi ta‘siri deb tushuniladi bu og‘zaki yoki yozma tilda bo‘lishi mumkin.

Maks Vaynrayxning fikriga ko‘ra, tilda lingvistik interferensiyaning kelib chiqishida u boshqa bir tilga aloqador bo‘ladi, unda biz ikki til orasidagi og’zaki so‘zlashuv uslubini tushunchasini tushunamiz. Bu o‘qituvchilarning o‘qitish jarayonidagi bir til o‘rgatishning maxsus usulidir. Bu olimning fikricha, “ Ikki yoki undan ortiq tillar o‘zaro aloqada bo‘lib, bu ikki millat orasida aloqa o‘rnatishda individlarning o‘zaro aloqaga kirishishini ifodalab keladi.

[1] Х.Исламджановна. Переводение.Учебное пособие.- Ташкент.ТДШУ-2011г.-С.-2.

Olim E. Xaugen fikricha, interferensiya lingvistikada ikki til orasidagi element birligi deb fikr bildirgan. V.Y.Rozentsveyg fikricha, interferensiya- bu tillar aloqadorligidagi biling qoidalarning o‘zgarishi va og’zaki nutqda u ayrim qoidalarga amal qilmasligi mumkin deb hisoblaydi. U bir til ikkinchi tilning qoidalariga amal qilmaydi va uning grammatik qoidalarini tan olmaydi deb fikr bildirgan. Bir tilning boshqa bir tilga ta‘siri borligidan dalolat beradi.

A.L. Pumpyanskiy fikricha, interferensiya so‘zi quyidagilarda namoyon bo‘ladi:

1.Grammatik qoidalarga bo‘ysungan holda so‘zning asl ma‘noda qolishi;

2.So‘zlarning boshqa ma‘noda ham qo‘llanilishi;

3.Analoglarning no‘to‘g’ri ishlatilishi;

4.So‘zlarning konkret ma‘noda qo‘llanilishi;

5. So‘zlarga to‘g’ri leksik va garmmatik ma‘no berish;

6. So‘zlarda xitoy tilidan o‘zbek tiliga tarjima qilganda tarjimasini solishtirishdan iborat.

Olib borilgan tadqiqotlar natijasida tarjima og‘zaki kompetensiyasini B1 darajadagi talabalarda shakllantirish jarayonida va ularda professional aloqa vositasini boshqa millatlar bilan yo‘lga qo‘yish uchun quyidagilar muhim deb topildi:

1. Tovushli (fonetik, fonologik, tovushli va reproduktiv interferensiya.)
2. Orfografik interferensiya.
3. Grammatik (morfologik, sintaktik va puknтuatsion interferensiya.)
4. Leksik interferensiya.
5. Semantik interferensiya.

Xulosa. Interferensiya tushunchasi qadimgi buyuk allomalarimiz davrida ham qo‘llanilgan. Shuning uchun bu tushuncha hozirgi kunda faqat til soxasida emas, ba‘zi boshqa soxalarda ham foydalaniladi. Aytib o‘tish joizki, hozirgi kunda undan foydalanish qadimgi davrga nisbatan kengaygan. Shuning uchun ham, bu so‘zning tahliliga avvalgi davrni ham bog‘laymiz.[1]

Hammaga ma‘lumki, bizning mamlakatimizda tillarni o‘qitishda sharq olimlaridan Al-Beruniy, Al-Xorazmiy, Ibn Sino, Al- Farg’oniy, Maxmud Qo‘shg‘ariy kabi allomalarimiz turli xil tillarda so‘zlasha olardilar va tarjima ishlarini olib borganlar.

Maxmud Qo‘shg‘ariy va Alisher Navoiy kabi allomalarimiz turli tillarning qiyosiy tomonlarini tahlil qilganlar va bir necha fundamental lingvistik asarlarni yozib qoldirishgan. B1 darajadagi talabalarga tarjima kompetensiyasini shakllantirish jarayonida ularga tillarning farqi va ularning yozma va og‘zaki tarjima jarayonida qanday muammolarga duch kelishi va ularni qanday tahlil qilishlari haqida har bir o‘qituvchi ularga shular haqida ma‘lumot berishlari kerak. Bu hodisa tilda interferensiya jarayoni deb aytiladi. Xitoy tili o‘qituvchilari shu tilning amaliy va ilmiy qonunlarini mukammal bilishi kerak va shu bilan birga dars berishda metodika fanini ham a‘lo darajada tushunishi kerak. Metodistlar o‘rganilayotgan o‘quv qo‘llanmani ikki turga murakkab va oson turlarga bo‘lishadi. Interferensiya so‘zi nafaqat tilda balki tarjima jarayonida ham qo‘llaniladi. Agar tarjimon bu so‘zni tarjima jarayonida qo‘llasa, unda tarjimon so‘zning asl mohiyatini bilishi kerak va konteksga qarab boshqa vaziyatlarda bu so‘zlarning ma‘nolari o‘zgarishi mumkinligini ham bilishi kerak. Interferensiya ikki turga bo‘linadi:

1. Ichki interferensiya.
2. Tashqi interferensiya.

Interferensiya ikki holatda vujudga kelishi mumkin:

1. O‘z ona tilining boshqa tilga ta‘sir o‘tkazishi natijasida.
2. Xorijiy tilning ona tiliga o‘tkazgan ta‘siri natijasida.

Agar o‘zbek millatiga mansub shaxs xorijiy tillarni o‘zbek tili qoidalariga asoslangan holda o‘rgansa, u juda ko‘p xatoliklarga yo‘l qo‘yishi mumkin. Chunki o‘zbek tilidagi qoidalar boshqa xorijiy tillardagi qoidalardan farq qiladi. Boshqa xorijiy davlatlarda o‘zbeklar ham u yerda yashab turib avvaliga ham xatoliklarga yo‘l qo‘yishlari mumkin.

Ikki tilni solishtirish oqibatida interferensiya kelib chiqadi. Ilmiy ishlarda interferensiyaning quyidagi turlari mavjud:

1. Fonetik interferensiya.

[1] B.Beldyan. Translation and translation skills.London:London teacher council.- 2020 year.P.-48.

2. Leksik interferensiya.
3. Grammatik interferensiya.
4. Stilistik interfernsiya.
5. Orfografik interferensiya.

Fonetik interferensiya turli xil fonetik tillardan tashkil topadi, u unli va undosh harflarniharflarning tashkil topishi, qayerda urg‘u va intonatsiya qo‘yilishi haqida; leksik interferensiyada polisemantik so‘zlarning asl ma‘nosi va unda sinonimlarningishlatilish tartibi o‘rganiladi. Grammatik interfernsiyada tlining morfologik va sintaktik xususiyatlari o‘rganiladi, tilning grammatik xuxusiyatlari o‘rganiladi. [1]

Bizning ona tilimiz bizni o‘ylashga va fikrlashga undaydi. So‘z bilan biz boshqa odamlarga o‘z fikrimizni yetkazishimizga xizmat qiladi.

Og’zaki nutqda ichki va tashqi tildagi interferensiyalarning shakllanilishi

Bu holatda lingvistik interfernsiya uch holatda yuz beradi: tashqi tilda, ichki tilda va aralshgan holda ya‘ni ikki tilda yuz berishi mumkin. B.M.Choybonova fikriga ko‘ra, rossiyalik olim G.A. Kitaygorodskoy xitoy tili va rus tili orasiadgi tarjima jarayonida yuzaga keladigan muammolarni o‘rganib chiqishgan. Xitoy tildan o‘zbek tiliga matnlarni tarjima qilganimizda tarjima unchalik to‘g’ri chiqmasligi mumkin. Lekin rus tiliga tarjima qilsak, tarjima yaxshiroq chiqadi. Tashqi tildagi interferensiya nutq faoliyati jarayonida so‘zlarni tarjima qilish uchun so‘z boyligimiz juda boy bo‘lishi kerak va muloqot vaqtida tilning kamchiliklariga uchramaslikka harakat qilish lozim. So‘zlar xitoy tilida turli ohanglarda kelganligi tufayli so‘zlarning tarjimasi ham yonidagi so‘zlarning birikishiga va konteksga qarab tarjima qilinadi.Lingvistik jihatdan interferensiyalarning kelib chiqishiga e‘tibor bersak, bir – biri bilan aloqada bo‘lgan tillar bir-biriga bo‘ysunadi. L.V. Sherbaning fikricha, ona tili xorijiy tilga bo‘ysunadi, ona tili xorijiy tilning qoidalarini qabul qiladi va u bilan shakllanadi deb fikr bildirgan.

Til kompetensiyasiga va tarjima kompetensiyasiga turli xil ta‘riflar berilgan. Bachman ismli olim tarjima kompetensiyasiga quyidagi jadval asosida ta‘rif beradi.

Ichki interferensiyaga ko‘ra, xorijiy tillarni o‘rganayotganimizda tilning differensial jihatlarini farqlay olishimiz kerak, nutq va yozma tarjima jarayonida avval ona tilimizda fikrlab, so‘ng oshqa xorijiy tillarda qanday tarjima bilan tushuntib berishimizni o‘ylab ko‘rishimiz kerak. Ikkita tilni solishtirib o‘rganganimzda interfernsiya hosisasi yuzaga keladi. Interfernsiya hodisasi fonetika, leksika va grammatikada kelishi mumkin. Grammatik interferensiya V.Y. Rozenstveyg va L.M. Uman fikriga ko‘ra, ikkita tilni birga o‘rganganimizda, so‘zlovchi nutqi davomida gramatik qoidalarga e‘tibor bermasligi mumkin, Grammatik interferensiya o‘z navbatida uch xil holatda kelishi mumkin: 1) ona - tilida kelmaydigan qoidalar xitoy tilida kelishi mumkin; 2) ikki til orasidagi so‘zlashuv usulidagi farqlar; 3) ona tili va xorijiy tillar oarsidagi gap bo‘laklarining ishlatilish farqida. [2]

U.Vaynrayx ta‘rifiga ko‘ra, leksik interferensiyada so‘zlarning semantik tahlili va so‘z birliklarining asl ma‘nolari o‘rganiladi. Semantik tahlil olimning fikricha hech qachon bir-biriga mos tushmaydi, so‘zlarning ma’nosi ikki tilda turlicha kelishi mumkin. A.L. Karlin va S.A. Abdigaliyevlarning ta’kidlashicha, ikki til orasida peredefferentsiatsiya va reinterpritatsiya farqlari mavjud. Peredefferentsiatsiya ona –tilida berilgan so‘zning xitoy tilida boshqa ma‘nolarda kelishi mumkinligiga aytiladi, reinterpritatsiyada esa ikki tildagi so‘zlarning ma‘nolari bir-biriga yaqin bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Х.Исламджановна. Переводение.Учебное пособие.- Ташкент.ТДШУ-2011г.-С.-2.

[1] T.Toirova. Matnni yozma tarjima qilish texnikasi va ko‘nikmalari -Toshkent:Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti.-2021- yil.-B.21.

[2] Golubovschi Oxana. Технология формирования переводческих компетенций у студентов-переводчиков. Кишинёвский Государственный Педагогический Университет им. Ион Крянгэ. Диссертация была зашищена 23 июня 2020 Утверждена Национальным Советом 30 октября 2020-С.67.

2. B.Beldyan. Translation and translation skills.London:London teacher council.- 2020 year.P.-48.

3.T.Toirova. Matnni yozma tarjima qilish texnikasi va ko‘nikmalari -Toshkent:Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti.-2021- yil.-B.21.

4. Golubovschi Oxana. Технология формирования переводческих компетенций у студентов-переводчиков. Кишинёвский Государственный Педагогический Университет им. Ион Крянгэ. Диссертация была зашищена 23 июня 2020 Утверждена Национальным Советом 30 октября 2020-С.67.

5. R.Panizzon. ACQUIRING TRANSLATION COMPETENCE THROUGH THE USE OF SUBTITLING. ENHANCING LANGUAGE LEARNING THROUGH TRANSLATION AND TRANSLATING.- London: London Teacher Training College.-2022 year.-P.-89.

ONA TILI DARSLARIDA “ESKIRGAN VA YANGI SO‘ZLAR” MAVZUSINI O‘QITISHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH

Eshniyazova M.B. (SamDVMI)

“Milliy tiklanishdan — milliy yuksalish sari” degan bosh tamoyil asosida taraqqiyotning yangi, yanada yuksak bosqichiga ko‘tarilib borayotgan O‘zbekistonimizda amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlar jarayonida davlat tilining hayotimizdagi o‘rni va nufuzi tobora oshib bormoqda.

Yurtimizda o‘zbek tilining mavqeyini mustahkamlash borasida ishlar tizimli davom ettirilib, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 21-oktabrdagi “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5850-son hamda 2020-yil 20-oktabrdagi "Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida**“**gi PF-6084-son Farmonlari qabul qilinishi bejiz emas. Mazkur me’yoriy hujjatlarda ta’lim muassasalarida davlat tilini o‘rgatish va uni bilish darajasini baholash tizimini yanada takomillashtirish borasida ham alohida vazifalar belgilab qo‘yilgan bo‘lib, agar mana shu quyi bosqichda o‘qitish yuqori saviyada tashkil etilsa, „mamlakatimiz ijtimoiy hayotining barcha sohalarida, jumladan, davlat boshqaruvi, zamonaviy va innovatsion texnologiyalar, sanoat, bank-moliya tizimi, huquqshunoslik, diplomatiya, harbiy ish, tibbiyot va boshqa sohalarda davlat tilining imkoniyatlaridan to‘liq va to‘g‘ri foydalanishga erishish“ borasidagi to‘siqlar o‘z-o‘zidan bartaraf bo‘ladi.

2020-2030-yillarda o‘zbek tilini rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish konsepsiyasida nazarda tutilgan vazifalar barcha soha vakillarining, ayniqsa, filolog o‘qituvchilarning mas’uliyatini oshirishi tabiiy. Jumladan, konsepsiyada ustivor vazifa sifatida belgilangan mamlakatimiz ijtimoiy-siyosiy hayotining barcha sohalarida davlat tili imkoniyatlaridan to‘liq va to‘g‘ri foydalanishga erishish; ta’lim tashkilotlarida davlat tilini o‘qitish tizimini yanada takomillashtirish, uning ilm-fan tili sifatidagi nufuzini oshirish; davlat tilining sofligini saqlash, uni boyitib borish va aholining nutq madaniyatini oshirish borasida samarali natijalarga erishishda ta’lim muassasalarida ona tili darslarining o‘tilishi va o‘zbek tilining o‘qitilishiga, mashg‘ulotlar doirasida yangi zamonaviy pedagogik texnologiyalardan unumli foydalanilishiga, ko‘rgazmalilikka e’tibor qaratilishi lozim. Quyida bir soatlik (akademik litseylarda) darsni tashkil etish namunasini e’tiboringizga havola etmoqchimiz.

Ona tili darsida “Eskirgan va yangi so‘zlar” mavzusini o‘qitishda pedagogik tajribamizda sinovdan o‘tkazilgan quyida qayd etiladigan interfaol usullardan foydalanish dars samaradorligini oshirib, vaqtdan unumli foydalangan holda o‘quvchilarning bilim va ko‘nikmalarini o‘stirish, shaxsiy fazilat va sifatlarini, ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish imkonini beradi.

Darsga shior tanlash – ijodiylik namunasi. Darsga shior tanlash ham o`ziga xos tarbiyaviy-ta'limiy xususiyatga ega. U ham mavzu, ham darsdan kelib chiqadigan g`oya va maqsadga mos bo`lishi lozim. O`quvchilarga bu shiorni izohlash topshiriladi.

O‘tilgan mavzularni takrorlash uchun quyidagi ta'lim usullaridan foydalanish mumkin:

"Teskor so`rov" usuli. "Teskor so`rov" usulida hammaga ma'lum bo‘lgan ma'lumotlar asosida auditoriya bilan muloqot o‘rnatish, notiqlik ko‘nikmalari tayanib olib boriladigan usuldir: 1.Biz ona tili darslarimizda qaysi bo‘limni o‘rganishda davom etyapmiz? 2.Leksikologiya bo‘limida qaysi mavzular bo‘yicha bilim va ko‘nikmalarga ega bo‘ldingiz? 3.Leksikologiyaning o‘rganish obyekti nima ekan (nima o‘rganilar ekan)? 4.So‘z ma'nolari necha xil bo‘ladi? 5.Ko‘chim turlari qaysilar? 6.Shakl va ma'no munosabatiga ko‘ra so‘zlar necha guruhga bo‘linadi? 7.O‘zbek tilining boyish manbalarini sanang. 8.Atamalarning turlari qaysilar edi? Mazkur tarzda berilgan savollar o‘quvchilarning leksikologiya bo‘limidan olgan bilimlarini izchil takrorlab, xulosala, keying mavzuga bog‘lab o‘rganish sifatini va samaradorligini oshirish imkonini beradi.

"Xotira mashqi" usuli. "Xotira mashqi" usulida o‘quvchilarning nafaqat ona tilidan o‘tilgan mavzuni o‘zlashtirganining, balki boshqa umumta'lim fanlaridan olgan bilimlarini sinovdan o‘tkazish imkoni tug‘iladi. Bunda bir necha fanlarga oid atamalar o‘qituvchi tomonidan o‘qib eshittiriladi, o‘quvchilar esa eshitgan terminlarining nechta fanga tegishli ekanligini aytadilar.

"Xatoni top" usuli. "Xatoni top" usulida o‘quvchilar berilgan ma'lumotlar orqali notog‘ri izohlangan atamalarni aniqlaydilar va to‘g‘risi bilan almashtiradilar. Bu usul ularning nafaqat ona tilidan o‘tilgan mavzuni o‘zlashtirganligini sinovdan o‘takazadi, balki ularning savodxonlik darajasi oshishi uchun ham yaxshi amaliy mashq bo‘ladi.

"Taqdimot" usuli. Yangi mavzu bayonida kichik guruhlarning "Taqdimot"idan foydalanish mumkin. Bu usul maktabda o‘rganilgan bilimlarni mustahkamlash, o‘z ustida ishlash, jamoa bilan munosabatga kirisha olish, kelishuvchanlik, hamjihatlik, mas'uliyatni his qilish kabi shaxsiy sifatlarni shakllantirishda juda qo‘l keladi.

Yangi mavzuni tushuntirishda kichik guruhlar navbat bilan taqdimot qiladilar. Birinchi guruh o‘quvchilari "Eskirgan so‘zlar" haqida ma'lumot beradi. Ikkinchi guruh o‘quvchilari esa "Yangi so‘zlar" haqida ma'lumot beradi. Guruh a'zolaridan bir kishi mavzuni ko‘rzagmali, slaydli shaklda bayon qilib beradi, qolganlar qo‘shimcha ma'lumot bilan jamoadoshining ma'lumotlarini to‘ldirishi mumkin. Taqdimot so‘ngida o‘qituvchi yangi ma'lumotlar bilan o‘quvchilar bilimini boyitadi.

"Kitob bilan ishlash" usuli. Bu usulni mustahkamlash uchun qo‘llash maqsadga muvofiq. O‘quvchilar e'tiboriga ona tili darsligidagi mavzuga mos mashqni o‘qish va undagi eskirgan so‘zlarning bugungi kundagi muqobili yoki tarixiy izohini aniqlash tavsiya qilinadi va ularga uch daqiqa vaqt beriladi. O‘quvchilar kichik guruhda ishlashni davom ettiradilar va kelishilgan holatda javoblarini taqdimotga tayyorlaydilar. Belgilangan vaqt tugagach, guruhlarning javobi tinglanadi. O‘quvchilarning eskirgan so‘zlar va ularning ma'nolari bo‘yicha bilim va tajribalari kamligi bois so‘zlar izohida xatolikka yo‘l qo‘yishlari tabiiy. Shuning uchun o‘qituvchi ularning javobini tekshirib, xatolarini to‘g‘rilab, mashqdagi so‘zlarning izohi bo‘yicha qo‘shimcha ma'lumot berib o‘tadi.

FSMU usuli. FSMU usulida o‘qituvchi guruhlarga organayzer chizmalarni tarqatadi va berilgan “Eskirgan so‘zlarni o‘rganishning ahamiyati” mavzusida mavjud jadvalni to‘ldirish topshiriladi. Odatda, o‘quvchilar ichida ko‘pincha eskirgan so‘zlarni bilmaslik, ularning bugungi kunda ishlatilmasligi sabab “bunday so‘zlarni o‘rganish shartmi, biz ishlatmaymiz-ku” qabilidagi savollar bo‘ladi. Shunday savollarning javobini o‘zlari topishi uchun, ularni yangi g‘oyalar bilan ilhomlantirish uchun, o‘quvchilarni erkin fikrlashga o‘rgatish uchun bu usul juda qo‘l keladi.

O‘quvchilarning kichik guruhlardagi taqdimotini tinglagach, ularni xulosalab, yana yangi g‘oyalar bilan ilhomlantirish mumkin: eskirgan so‘zlarni bilish:

-tarixiy manbalarni o‘qib tushunish imkonini beradi;

-mumtoz badiiy asarlar matnini tushunib, g‘oyasini anglash oson bo‘ladi;

-mumtoz qo‘shiqlarni tinglaganda, ularni to‘liq tushuna olamiz;

-tarixiy mavzudagi filmlarni ko‘rib, voqelikni to‘la idrok etamiz;

-tarixiy mavzudagi asarlar asosida badiiy va hujjatli filmlar yaratish, shonli o‘tmishni keng jamoatchilikka tanishtirish imkoni paydo bo‘ladi;

-tarixiy mavzudagi asarlarni turli tillarga tarjima qilib, boy madaniy-ma’naviy merosimiz bilan dunyo ahlini tanishtirish imkoni bo‘ladi va hakozo.

“Rolli o‘yin” usuli. “Rolli o‘yin” usulining “Teatrlashtirilgan sahna” ko‘rinishidan foydalanib, mumtoz adabiyotimizning eng zabardast vakillari qiyofasini kichik guruh o‘quvchilari tomonidan jonlantirish mumkin. Mavzu taqvim rejasiga asosan, fevral oyining birinchi haftasiga to‘g‘ri kelgani bois 9-fevralda tavalludini nishonlaydigan Alisher Navoiy va 14-fevralda tavallud topgan Zahiriddin Muhammad Bobur obrazlarini yaratish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Bu buyuk siymolarning asarlarda eskirgan so‘zlarning qo‘llanishiga doir misollar yetrlicha topiladi, shuningdek, ularning adabiy merosi bitmas-tuganmas ma’naviyat xazinasi sanaladi. Sahnaga ikki o‘quvchi chiqib keladi: biri A.Navoiy qiyofasida shoirning shohbaytlaridan namuna aytadi, ikkinchi Z.M.Bobur qiyofasida shoir she’rlaridan namuna aytadi. Guruhlar mazkur baytlarning matnidagi eskirgan so‘zlarning ma’nolarni aniqlab, she’rning nasriy bayonini aytadi va g‘oyaviy-badiiy tahlilini izohlaydi va bugungi davrdagi ahamiyati haqida fikrlarini ifodalaydilar.



"2x1" usuli. Bu usulda o‘quvchilarga mustaqillikdan keyin tilimizga kirib kelgan yangi so‘zlar izohi beriladi va qaysi so‘z yashiringanini aniqlash topshiriladi. O‘quvchilar so‘zning izohi orqali yashirin so‘zni topadilar va guruhlardan o‘quvchilar doskaga chiqib, topilgan so‘zni imlo qoidalariga mos holatda sinf taxtasiga yozadilar. Topshiriqlarni to‘g‘ri, to‘liq va birinchi bo‘lib bajargan guruh g‘olib bo‘ladi.

"O‘yla, izla, top" usuli. "O‘yla, izla, top" usulida o‘quvchilarga "Yangi O‘zbekiston – yangi dunyoqarash" rukni ostida bugungi kunda iste'molga yangi kirib kelgan so‘zlar, tushunchalarni topib yozish topshiriq beriladi. Belgilangan vaqtda to‘g‘ri va ko‘p so‘z topgan jamoa g‘olib bo‘ladi. Bu usul o‘quvchilarning nafaqat bilimlari mustahkamlanadi, balki jamiyat hayotida hal qiluvchi kuchga ega bo‘lgan kelajak avlodning bugungi voqelikka, hayotimizda bo‘layotgan o‘zgarishlarga qaydarajada faol munosabatda bo‘layotganini ham aniqlash imkonini beradi.

"Mozaika" usuli. Bugungi jamiyatni zamonaviy axborot texnologiyalarisiz tasavvur qilish qiyin va o‘quvchilar ham bu moddiy manbalardan unumli foydalanishadi. Axborot kommunikatsiya jarayonida ijtimoiy tarmoqlarda juda ko‘plab yangi so‘zlardan foydalanishadi. O‘quvchilarning qiziqishlaridan kelib chiqib, "mozaika" usulida aynan shunday yangi atamalarning izohlarini to‘g‘ri topish bo‘yicha topshiriq berish mumkin.

"Eskirgan va yangi so‘zlar" mavzusini o‘qitishda qo‘llangan mazkur ta'lim usullari tajribadan o‘tkazildi. Shu kabi ta'lim usullari darsni to‘g‘ri va maqsadga muvofiq tashkil etilishi

hamda yuqori samaraga erishilishi, shuningdek o‘quvchilarda fanga muhabbat hamda ona tiliga hurmat tuyg‘ularini o‘stirish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. N.M.Mahmudov, A.Sobirov va b. Onatili (10-sinf uchun darslik) “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2017

2. B.Mengliyev va b. Ona tili (10-sinf uchun darslik) Toshkent, “O‘qituvchi” – 2020.

3. Ona tili. 10-sinf uchun darslik / B. Mengliyev. – Toshkent: Respublika ta’lim markazi, 2022. –224 b.

4.N. Mahmudov, A.Sobirov va b. Ona tili (5-sinf uchun darslik) Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2019-yil 21-oktabr PF-5850-son Farmoni. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 22.10.2019-y., 06/19/5850/3939-son. - http:// lex.uz

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2020-yil 20-oktabr PF-6084-son Farmoni. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 21.10.2020-y., 06/20/6084/1398-son. - http:// lex. uz

7. “2020–2030-yillarda o‘zbek tilini rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 21.10.2020-y., 06/20/6084/1398-son. - http:// lex. uz

8. O‘zbek tilining imlo lug‘ati. T., 2013.

9.O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Toshkent, “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” davlat milliy nashriyoti - 2006-2008.

10. http:// ziyonet. uz

SAMARQAND SHAHRI O‘ZBEK SHEVALARINING ETNOLISONIY BELGILARI

Tillabayeva Z.R. (SamDChTI)

Har qanday xalq hayotida paydo bo‘ladigan voqea-hodisalar dastlab tilning leksikasida aks etadi. Shuning uchun ham leksika til strukturasi elementlari ichida eng harakatchani[1] va xalq maishiy saviyasining oynasi hisoblanadi[2]. Darhaqiqat, o‘zbek xalqi g‘oyat murakkab va tarixiy taraqqiyot yo‘lini bosib o‘tdi. Turli-tuman millatlar bilan yaqin munosabatlar o‘rnatib, leksik qatlamining boyishiga sabab bo‘ldi.

O‘zbek tili leksikasi ko‘hna va boy tarixga ega. U uzoq yillar davomida rivojlanib, takomillashib borgan. Til birligi bo‘lmish so‘zlarni tushunib, ularning ma’no nozikliklarini ilg‘ab, asarlarida mohirona qo‘llash shoir-yozuvchilarning so‘z boyligini oshirib beruvchi omil hisoblanadi. Buning natijasida shevalardagi ayrim so‘zlar jonlanib, adabiy til doirasiga kiradi.

Shevalar odamzot paydo bo‘lgandan beri vujudga kelganki, qadimiy tarixga egaligi bilan adabiy tildan farqlanib turadiki, ularni bemalol farqlab olish mumkin. Masalan, *bināji* (chakki emas, yaxshi), *häjdä* (jo‘na), *qïčamāq* (shoshiltirmoq, tezlashtirmoq) kabilar qipchoq lahjasiga; *pāčča* (pochcha), *biji:* (ona), *päqqās* (butunlay), *vājimä* (vahima) singarilar qarluq lahjasiga; *arna* (anhor), *jap* (katta ariq), *dāvdï* (beparvo) kabilar esa o‘g‘uz lahjasiga doir so‘zlar tegishli ekanligi bilan ajralib turadi.

Hozirgi Samarqand viloyati O‘zbekistonning o‘rta qismida joylashgan bo‘lib, shimoli-g‘arbdan Navoiy, janubdan Qashqadaryo, shimoli sharqdan Jizzax viloyatlari hamda janubiy-sharqdan Tojikiston Respublikasi bilan chegaradosh. Xususan, biz tadqiq qilayotgan Samarqand shahri viloyat statistika boshqarmasi bergan ma’lumotlarga ko‘ra, 519600 ming kishi (2016)ni

[1] Виноградов В. В. Развития советского языкознания. Изд. АПН. М., 1950, 23 б.

[2] Абаев В. И. О развитии литературных языков иранских народов Советского Союза. М., 1969, 72 б.

tashkil etadi. Aholining asosiy qismini o‘zbeklar, tojiklar va eronilar tashkil etib, tub aholi orasida rus, arman, tatar, koreys, ozarbayjon, ukrain, yahudiy millatiga mansub kishilar ham bor. Samarqand shahrida 207 ta mahalla bo‘lib, Samarqand shahar kengashiga qarashli 4 shaharcha (Ingichka, Kimyogarlar, Farhod, Hishrov) mavjud. Maydoni 120 km² [1].

Samarqand shahri o‘zbek shevalari qarluq-chigil-uyg‘ur lahjasiga mansub bo‘lib, mazkur lahja shahar tip shevalarini qamrab oladi. Uning o‘ziga xos xususiyati shundan iboratki, ularda singarmonizm qonuniyati amal qilmaydi. Ushbu masalalarga dialektolog olima N.Murodova ham “O‘zbek dialektologiyasi” darsligida to‘xtalib o‘tganligining guvohi bo‘ldik[2].

O.Begimov ham o‘zining tadqiqotlarida o‘zbek shevalarida toponimlarining yuzaga kellishida eroniy, ya’ni fors-tojik tilining katta o’rin egallashini ta’kidlab o’tadi[3]. Shundan kelib chiqib xulosa qilishimiz mumkinki, Samarqand shahridagi ko‘pgina mahallalar nomlarining ko‘p qismi aynan fors-tojik tilining ta’sirida yuzaga kelgan bo‘lib, mazkur mikrotoponimlar shaharning eski qismida uchraydi: *Siyob, Juhuton, Sebzor, Navbog‘chiyon, Seguzar, Darg‘om, Bog‘i Baland, Chorshambe, Bog‘i Maydon, Dari Zanjir, Zomini, Safedi, Urguti* kabilar.

Zero, Samarqand ko‘hna shaharlardan biri bo‘lganligi uchun undagi mahallalalarning tashkil topishi va nomlanishi uzoq o‘tmishga borib taqaladi. Xususan, M.Abramovning “Samarqand guzarlari” nomli kitobida 96 ta Samarqand shahridagi har bir mahallaning qachon tashkil topganligiga, nomlanish tarixiga, qaysi millatdagi aholi istiqomat qilishiga, ularning qanday soha bilan shug‘ullanishlariga, qanday mashhur kishilarnng yetishib chiqqanliklariga, joylashish xaritasigacha batafsil to‘xtalib o‘tilganki, bu diqqatimizni tortdi. Xususan, M.Abramovning ma’lumot berishicha, mahallarda asosan o‘zbek va tojik millatiga mansub aholi birgalikda istiqomat qilishadi. Aholining turmush-tarzi, kasb-kori, qayerdan ko‘chib kelganliklari guzarlarning nomlanishiga sabab bo‘lgan. Jumladan, “Kulolon”da kulollar, “Sharbatdor”da qandolatpazlar, “Xarroton”da tokarlar, ya’ni metall yoki yog‘och yo‘nish dastgohida ishlovchi ustalar, “Zingaron”da egar tayyorlovchilar, “So‘zangaron”da tikuvchilar (so‘zan fors-tojikcha so‘z bo‘lib igna degani), “Zargaron”da zargarlar, “Charmgaron”da charm tayyorlovchilar istiqomat qilishgan. Ayrim mahallalarning nomlanishiga esa aholining qayerdan ko‘chib kelishgani sabab bo‘lgan: Toshkenti, Xo‘jandi, Urguti, Buxori, Qo‘qondi, Shaharisabzi, Dahbedi, G‘ijduvoni, Xavosi, Zomini, Yamini kabilar. Shuningdek, gidronimlar asosida yuzaga kelgan toponimlar borligi haqida ma’lumot berilgan: Obimashhad, Qo‘sh- Hauz, Hauzi Sangin, Hauzi Baland, Chashma va hokazo. Joylashgan manziliga ko‘ra tashkil topgan va nomlangan mahallalarga esa Bog‘i maydon, Bog‘i baland, Bog‘i shamol, Qo‘shchinor, Kavarzor, Lolazor, Almazor kabi guzarlar mansub bo‘lsa, geografik joylashuviga qarab atalgan mahallalarga Labig‘or, Tagi regak, Chaqar, Gilburch kabilar kirgan. Tarixiy yodgorliklar asosida Oq saroy, Go‘ri Amir, Madrasai Safed, Ruxobod, Xonaqo, Ko‘k machit kabi mahallalar yuzaga kelgan. Etnonimlar asosida shakllangan joy nomlariga Arabxona, Jo‘gixona, Turkman qishloq, Eroni qishloq, Yaxudiyon, Qashqari dungane kabilar mansub. Mashhur samarqandlik ziyolilarning nomlari ham ayrim guzarlarga qo‘yilganiga guvoh bo‘lamizki, bularga Faqih Abullaysi, Maxtumi xorazmi, Motrudi kabilar kiradi[4].

Qolaversa, ko‘rib turganimizdek, Samarqand shahridagi joy nomlari nomlanishida ham bilingvizm jarayoni ta’siri borligini sezish mumkin. Devoli (tojikcha) + ko‘ndalang (o‘zbekcha)= Devoli ko‘ndalang (mahalla nomi), Xashra Layli (arabcha)+ bek (o‘zbekcha)= Xashra Laylibek (mahalla nomi), Yangi (o‘zbekcha)+ Xayriobod= Yangi Xayriobod (mahalla nomi), Yangi (o‘zbekcha)+obod (tojikcha)= Yangiobod (mahalla nomi). Yoki sodda o‘zbekcha toponimlar ham talaygina. Qoraboy oqsoqol (mahalla nomi), Yomin(i), Toshkand(i), Urgut(i), Andijon(i).

Ye.D.Polivanovning 1933-yilda nashr ettirilgan “O‘zbek dialektologiyasi va o‘zbek adabiy tili” kitobida yozilishicha, Samarqand shahri hududida tojik tili elementi yaqqol o‘zbek tilida

[1] https://uz.wikipedia.org/wiki/Samarqand.
[2] N. Murodova. O‘zbek dialektologiyasi. Darslik.- Toshkent, 2019, 113-bet.
[3] Бегимов О. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашган қалами. Филол.фан.номз.дисс.-Тошкент, 1999.-16 б.
[4] Абрамов М. Гузары Самарканда. Ташкент: Узбекистан, 1989.- 4 с.

namoyon bo‘ladi. Chunki qadimdan Samarqand shahri markazida yashovchi mahalliy tub aholi asosan tojik tilida so‘zlashuvchilar bo‘lib, qo‘shni o‘zbek qishloqlaridan kelganlar bilan mol ayirboshlash ehtiyojidan o‘zaro muloqot qilishgan. Tabiiyki, buning natijasida ikki tilning o‘zaro aralash holda ishlatilishi yuzaga kelgan[1] .

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash mumkinki, sheva lug‘at boyligining oshishida o‘zlashma so‘zlar, xususan, fors-tojik, rus tilidan o‘zlashgan lug‘aviy birliklarni chuqur tadqiq etish qiyosiy tilshunoslikning dolzarb masalaridan biri hisoblanadi. O‘zbek shevalari, xususan, Samarqand shahri o‘zbek shevalari lug‘at tarkibining taraqqiyotida o‘zlashma manba sifatidagi ta’sirini chuqur va keng yoritish, adabiy tilga qiyoslab o‘rganish zarur. Shunga ko‘ra, umuman, o‘zbek shevalariga o‘zga tillardan qancha so‘z o‘tganligini, ularning asosan qaysi sohalarga oidligini aniq bilmaymiz. Mazkur masalalarni atroflicha tadqiq etish fanimiz oldida turgan dolzarb masalardan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Абрамов М. Гузары Самарканда. Ташкент: Узбекистан, 1989.- 4 с.
2. Абаев В. И. О развитии литературных языков иранских народов Советского Союза. М., 1969, 72 с.
3. Бегимов О. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашган қалами. Филол.фан.номз.дисс.-Тошкент, 1999.-16 б.
4. Murodova N. O‘zbek dialektologiyasi. Darslik.- Toshkent, 2019, 113-bet.
5. Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. Ташкент, Узгосиздат, 1933.- 11 с.
6. Виноградов В. В. Развития советского языкознания. Изд. АПН. М., 1950, 23 с.
7. https://uz.wikipedia.org/wiki/Samarqand.

TALABA-YOSHLAR ONGIGA AKADEMIK ERKINLIK GOYASINI SINGDIRISH – FRANSIYA UNIVERSITETLARI QANDAY RIVOJLANMOQDA

Xudayberganov Sh.Sh. (UrDU)

Zamonaviy dunyoda, doimiy o‘zgarishlarga qaramay, universitetlar intellektual hayotning markazlari bo‘lib qolmoqda va universitet jamoasi o‘ynashda davom etmoqda. Yevropa davlatlarining ilmiy, ta’lim, ta’lim, madaniy, siyosiy, ijtimoiy jarayonlarida muhim rol o‘ynaydi.

Biroq so‘nggi o‘n yilliklarda akademik kasb hamma joyda sezilarli o‘zgarishlarni boshdan kechirmoqda. Ko‘proq yoki kamroq darajada, bu talabalarning universitetlarga katta oqimi tufayli, o‘sib borayotgan ijtimoiy xavfsizlik, ***“nashr et yoki yo‘q bo'l[2]”*** tamoyilining bosimi (Talaba bo‘ldimi demak tugallaguncha qandaydir ixtiro qilishi va bu haqida ma’lumotlarni nashrdan chiqarishi lozim).

Shu bilan birga, hozir turli mamlakatlarda turli bosqichlarda sodir bo‘layotgan narsalar va turli sur’atlarda yangi innovatsion tadbirkorlik turiga o‘tish (Universitet 3.0) kasbni rivojlantirish uchun yangi imkoniyatlar ochadi.

XIV-XVI asrlarda. universitetlar davlat va cherkovdan mustaqilligini yo‘qotib borardi va universitet ta’limi tobora elitaga aylandi.

XVIII-XIX asrlarda. bir vaqtning o‘zida ikkita yugurish, muhim tarixiy jarayon – sanoat inqilob va Buyuk Britaniyaning yetakchi mustamlakachi davlatga aylanishi.

Chunki asosiy sanoat tarmoqlari shimolda jamlangan edi mamlakatlar, yangi universitetlar paydo bo‘ldi. Ko‘pincha ular tibbiyot va muhandislikdan o‘sgan kollejlar. Britaniya universitetlari

[1] Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. Ташкент, Узгосиздат, 1933.- 11 б.

[2] 2019; 23(1-2): 60–71Университетское управление: практика и анализ / University Management: Practice and Analysis

orasida bu davr paydo bo‘lgan universitetlarni o‘z ichiga oladi:(Birmingem, Bristol, Liverpul, Manchester, Lids, Sheffild, Uels.)

Bu o‘quv yurtlarida fuqarolik mutaxassislari-ma’muriy xodimlar, davlat xizmatchilari, huquqshunoslar, olimlar, kimyogarlar va muhandislar tayyorlandi.

Ushbu universitetlarning o‘ziga xos xususiyatlari bor edi markazlashgan boshqaruv tizimida tabiiy, aniq fanlar va texnika fanlarini o‘qitish, yuqori ixtisoslik darajasi va amaliyotga yo‘naltirish.

XX-XXI asrlarda amaliyotchilar va yangi texnologiyalarga bo‘lgan ehtiyoj tez o‘sdi. Ushbu talablarni qondirish uchun yana o‘nlab politexnika universitetlari tashkil etildi, universitet dasturlariga o‘xshash dasturlarni taklif qiladigan institutlar, garchi ularda yo‘q edi.

Oliy ma’lumot to‘g‘risidagi diplomlarni berish huquqi ruxsat beruvchi qonun 1992-yilda ularda qabul qilindi, to‘liq universitetlarga aylandi, buning natijasida Britaniya universitetlarining umumiy soni deyarli ikki baravar ko‘paydi.

Bunga misollar universitetlar shahar universiteti sifatida xizmat qilishi mumkin Birmingem (Birmingem universiteti bilan adashtirmaslik kerak), Brighton universiteti, London Metropolitan universiteti, Midlseks universiteti, Markaziy Lankashir universiteti, Glostershire universiteti va boshqalar. Yangi universitetlar sanoat bilan chambarchas bog‘liq edi va tadbirkorlar manfaatlarini hisobga olgan holda savdo va o‘quv dasturlarini qurdi.

Fransiyadagi oliy ta'lim tizimi ingliz yoki rus tilidan sezilarli darajada farq qiladi.

Tarixan bu yerda quyidagi turdagi universitetlar rivojlangan[1]:

- Universitetlar;
- oliy maktablar (GrandesEcoles);
- ixtisoslashtirilgan ta’lim muassasalari;

Shaxsiy kasblar (masalan, arxitektura, aktyorlik, sahna san‘ati) tayyorlanishi mumkin, *faqat ixtisoslashtirilgan maktablarda*.

Buyuk Britaniya va Fransiyadagi turli oliy o‘quv yurtlari vakillari ushbu mamlakatlar ta’lim tizimining milliy xususiyatlari bilan bog‘liq.

So‘nggi o‘n yilliklarda Buyuk Britaniya va Frantsiyada doimiy universitet lavozimlari uchun raqobat kuchaymoqda, universitet o‘qituvchisi kasbiga kirish va keyingi akademik faoliyatini davom ettirish jarayonida qaror qabul qilishdagi to‘siqlardan biri, universitetda Raqobat tartib-qoidalarini murakkablashtirish tendentsiyasi, kirishning ko‘payishi bilan birga talabnoma beruvchilarga qo‘yiladigan talablar, birinchi navbatda, talabnoma beruvchining nashriyot faoliyati bilan bog‘liq holda, Respondentlar tomonidan akademik erkinlikni cheklash muammosi va shaxsiy raqobatbardoshlikni oshirish zarurati bilan bevosita bog‘liq.

Britaniya va fransuz respondentlari zamonaviy universitet o‘qituvchisi bo‘lishi kerak bo‘lganlarga kerakli ko‘nikmalar va fazilatlar orasida quyidagilar ko‘pincha qayd etilgan, juda yuqori baho berishadi:

-tanqidiy fikrlash;

-qiziquvchanlik;

-moslashuvchanlik, tez-tez o‘zgarishlarga tayyorlik (bu ilmiy tadqiqotlarga ham, ta’limga ham tegishli jarayon);

-tinglovchilar uchun tushunarli bo‘lishi uchun bilimingizni moslashtirish qobiliyati;

-boshqaruv fazilatlariga ega bo‘lish, tashkilotchilik qobiliyati loyiha;

-keng xalqaro aloqalarning mavjudligi;

-akademik notiqlik mahorati, mavzular, shu jumladan ommaviy axborot vositalarida;

-reklama qilish qobiliyati o‘zlari (ijtimoiy tarmoqlarda vakillik).

Ko‘pgina respondentlar o‘qituvchiga qo‘yiladigan talablar ortib borayotganini qayd etadilar.

Fransuz o‘qituvchilaridan biri kinoya bilan aytadi:

…. “Biroq, o‘z sohangizning yaxshi mutaxassisi bo‘lish endi yetarli emas. Senga kerak hamma narsaga qodir bo‘lish. Sizga teatr mahorati kerak, o‘z talabalarini ma’ruzalarda ko‘ngil

[1] 2019; 23(1-2): 60–71Университетское управление: практика и анализ / University Management: Practice and Analysis

ochish uchun 200 talaba o‘rin olgan. Siz ijtimoiy tarmoqlarda bo‘lishingiz, reklama qila olishingiz kerak.”…..

Yuqoridagilarning eng yaxshi xulosasi britaniyalik respondentlardan birining so‘zlari edi:

…..“Universitet o‘qituvchisi bo‘lish uchun siz super yulduz bo‘lishingiz kerak!”…

Lekin o‘z kasbining afzalliklari haqida gapirganda, ingliz va fransuz o‘qituvchilari ko‘pincha ular qiziqarli ishdan qoniqish hissini ko‘rsatdilar;

-ilmiy erkinlik va pedagogik ijodkorlik;

-ish moslashuvchanligi grafika san'ati;

-muloqot uchun keng imkoniyatlar qiziqarli odamlar bilan intellektual o‘zini-o‘zi takomillashtirish imkoniyatlari.

Shunday qilib, britaniyalik respondentlar bilan suhbatlarda eng ko‘p tilga olingan fikr o‘z-o‘zini qadrlash bo‘ldi*(akademik erkinlik).*

Birmingem universiteti o‘qituvchisi tomonidan qilgan ishlari haqida quyidagicha fikrlarga guvoh bo‘lamiz: *“Men so‘nggi 25 yil davomida qilgan ishim turli loyihalar ustida ishlamoqdaman, o‘tirib, kitob o‘qisyman, kitob yozaman, maqolalar o‘qish va yozish juda qiziq”……*

Nihoyat, ba’zida respondentlar muloqot uchun keng imkoniyatlar sifatida universitetda ishlashning afzalliklariga e’tibor berishdi.

Bundan ko‘rinadiki Fransiya universitetlarida akademik erkinlik juda yaxshi yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, professor-o‘qituchilar va talabalar har sohada bundan erkin foydalanishmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.www. “Ziyonet”.uz

2.www.google.uz tarmog‘idagi ma’lumotlar.

3. www.google.ru tarmog‘idagi ma’lumotlar.

VATANPARVARLIKNI MA’NAVIY-AXLOQIY MADANIYAT BILAN DIALEKTIK VA DETERMINISTIK ALOQADORLIGI

Xudayberdiyeva X.K. (SamDChTI)

Globallashgan davrda vatanparvarlik va uni ta’minlovchi asosiy determinantlar ma’naviyat va axloq muammosi ijtimoiy falsafaning eng murakkab muammolaridan biri hisoblanadi. Ma’naviyat, axloq va vatanparvarlik triadasi substansional mohiyatiga ko‘ra dialektik bog‘langan bo‘lib, ushbu triada bir biridan strategik maqsad oladi, o‘z navbatida ular bir birini taqozo etuvchi determinantlardir.

Jamiyatda yuksak ma’naviy-axloqiy madaniyatni shakllanishi yuksak vatanparvarlikni vujudga keltiruvchi determinant ekan, bunda birinchi navbatda “Vatanparvarlik”, “Ma’naviyat”, “Axloq”, “Madaniyat” fenominlarining substansiyanal komponentlarini va ularning deterministik va dialektik aloqadorligini yoritish lozim.

Determinizmda asosiy g‘oya shundan iboratki, u olamdagi har bir holat va uning keyingi holatlari sabablari nimadan iborat ekanigini aniqlashtiruvchi falsafiy kategoriyadir. Bilish jarayonida sub’ekt e’tibori tashqi aloqalar va shuningdek o‘zaro ta’sirlar natijasida ob’ektni sifat jihatdan aniqlab beradigan ichki sabablarning tegishli o‘zaro ta’siriga qaratiladi. Deterministik aloqadorlik ob’ektiv voqelik hodisalarining o‘zaro bog‘liqliq aloqalarini ochadi, turli shakllarini ham belgilaydi. Bular, genetik va statistik, fazoviy, korrelyasion, funksional va maqsadli munosabatlardir. Ularning barchasi zaruriyat va imkoniyat, haqiqat, muntazamlik, sabab va oqibat kabi deterministik kategoriyalar orqali ifodalanadi.

Vatanparvarlik – ma’naviy-axloqiy va siyosiy tushuncha, ijtimoiy tuyg‘u sifatida anglanadi. Uning mazmun-mohiyatida o‘z yurtini sevish, uni ardoqlash, zarur bo‘lganda o‘z qiziqishlari va manfaatlaridan kechib, mamlakat taqdiri uchun o‘zini qurbon qilish tuyg‘usi yotadi.

Vatanparvarlik fidoyilik, Vatanga xizmat qilish esa eng oliy burch bo‘lib, uning eng yuqori ko‘rinishi o‘z jonidan kechib bo‘lsada qo‘lda qurol bilan dushmanlardan himoya qilishdir. Ushbu oliy burchni anglab etish hammaga nasib qilmaydi, u faqatgina o‘z vatani, millati, ajdodlari bilan g‘ururlanuvchi, ularga nisbatan chuqur hurmat tuyg‘usi shakllangan yuksak ma’naviyatli, axloqli

kishilarga nasib etadi. Vatanga bo‘lgan yuksak hissiy munosabat, eng avvalo, insonning eng oliy tuyg‘ularidan biri sifatida namoyon bo‘ladigan shaxsning ma’naviy-axloqiy madaniyatining natijasi, uning ijtimoiylashuvining eng yuqori darajasini ifodalaydi. O‘z navbatida vatanga mehr-muhabbatli bo‘lish-g‘oyat chidam, g‘oyat yuksak ong talab etuvchi o‘ziga xos ilm bo‘lib, buni inson butun umri davomida o‘zlashtirib borishi natijasida unda yuksak ma’naviy-axloqiy madaniyatni shakllantirib boradi. “Vatanparvarlik” Vatanni sevmoqlikni anglatsa, bu ilmni egallagan kishi Vatanga jonini atagan ma’naviyati takomilga etgan komil inson martabasiga erishgan bo‘ladi. Ya’ni vatanparvarlik tuyg‘usi shakllangan toifalar vataniga nisbatan ijtimoiy-g‘oyaviy tahdidlar vujudga kelganda mushtarak g‘oya atrofida birlashish lozim ekanligini anglab etadigan ma’naviyatli va axloqli kishilardir.

Vatanparvarlik «burch», «mas’uliyat», «muhabbat», «sadoqat», «mardlik», «jasorat», «shafqat» kabi ma’naviy-axloqiy tushunchalarga nisbatan xususiylikka hamda mehr-oqibat, sodiqlik, ishonch kabi ayrim hodisalarning majmui, umumiy xossasi hamdir. Vatanparvarlikning asosini harakat va maqsad sari intilish tashkil etgani uchun ham u dogmatiklikdan yiroq. Vatanparvarlik «Vatan» tushunchasini fidoyilarcha idrok etish, muayyan hudud va xalqqa muhabbat hissi kabi omillar asosida shakllanadi, rivojlanadi.

Haqiqiy vatanparvarlik doimo inson ma’naviyati, fuqaroligi va ijtimoiy faolligining birligi bo‘lib, u samarali rag‘batlantiruvchi motivatsion kuch, shaxsning Vatan ravnaqi yo‘lidagi fidokorona faoliyatida namoyon bo‘ladi.

Vatanparvarlikni ma’naviy-axloqiy jihatdan tahlil qilganimizda uni ikki qismga ajratish maqsadga muvofiqdir.

a) shaxsiy darajadagi vatanparvarlik;

b) makro darajadagi(jamoat ongi darajasidagi) vatanparvarlik;

Shaxsiy darajada vatanparvarlik insonning eng muhim, barqaror, integral xususiyati sifatida ma’naviy-axloqiy jihatlarini umumlashtiradi, unda asosiy uchta xususiyatni alohida ta’kidlash kerak.

Birinchidan, vatanparvarlik shaxsning yuksak ma’naviy ongini ifodasi sifatida Vatanga muhabbat, Vatanga sadoqatdir. Bu ijtimoiy tuyg‘u - jamoaviylik, qarindoshlar va do‘stlar bilan birdamlik, ularning taqdiriga daxldorlik hissidan usib chiqadi. Vatanga muhabbat birlamchi yaxlit tuyg‘u sifatida kechinmalar, qarashlar va g‘oyalar majmuasining manbaidir.

Ikkinchidan, vatanparvarlik shunday ma’naviy-axloqiy madaniyatning oliy shakliki, unda vatan tarixi, millat manfaati, vatan qudratini mustahkamlashga intilish, vatanni himoya qilishga shaylik, o‘z xalqining urf-odatlari va an’analari chuqur hurmatni aks ettiruvchi va boshqa shaxsiy xususiyatlarda o‘z ifodasini topadi.

Uchinchidan, shaxsiy darajadagi vatanparvarlik bilvosita, boshqa (vatanparvarlikdan tashqari) tarbiya turlarida shakllangan fazilatlar bilan uyg‘unlashish orqali, yaxlit dunyoqarash, yuksak ma’naviyat, axloqiy ideallar va shaxsning xatti-harakatlari me’yorlarida ifodalangan shaxsning umumiy tarbiyasini tavsiflaydi. U insonning vatanga qadriyatli munosabatini ifodalovchi, uni vatanparvarlik ruhidagi faoliyatga undaydigan ijtimoiy-axloqiy imperativ vazifasini bajaradi.

Vatanparvarlikni makro darajasi - bu o‘z xalqiga, uning turmush tarziga, tarixiga, madaniyatiga, davlatiga, asosiy qadriyatlar tizimiga nisbatan jamoaviy kayfiyat, his-tuyg‘ular, baholarda namoyon bo‘ladigan ijtimoiy ongning muhim qismidir. Ijtimoiy ongning elementi sifatida vatanparvarlik nafaqat jamiyat hayotining eng muhim jabhasini, balki uning barqaror rivojlanishining zaruriy shartini ham tavsiflaydi. Vatanparvarlik jamiyat taraqqiyoti uchun muhim ichki safarbar resurs vazifasini bajaradi. Vatanparvarlikni jamoatchilik ongining eng muhim tarkibiy qismi sifatida qadrlamaslik jamiyat va davlat taraqqiyotining ijtimoiy-iqtisodiy, ma’naviy-madaniy asoslarini zaiflashishiga olib keladi. Vatanparvarlik tuyg‘usi- bu sub’ektning o‘z Vatanining ahamiyati va milliy manfaatlarini himoya qilish uchun zarur choralarni ko‘rishga tayyorligini aks ettiradi. Bu vatanparvarlik xulq-atvorining hal qiluvchi omili, shuningdek, sub’ektning vatanparvarlik faoliyati ob’ekti bilan o‘zaro munosabatlarining ma’naviy va axloqiy tartibga soluvchisidir. Vatanparvarlik munosabatlar esa ijtimoiy amaliyot jarayonida sub’ekt va

uning harakatlari ob’ekti o‘rtasidagi haqiqiy bog‘liqlik, vatanparvarlik ob’ektiga ta’sirning barcha turlarini o‘zgartirish uchun o‘ziga xos "kanal" sifatida paydo bo‘ladi. Vatanparvarlik munosabatlari vatanparvarlik ongini moddiylashtirish va vatanparvarlik faoliyatini amalga oshirishning zaruriy shartidir. Vatanparvarlik faoliyati- bu vatanparvarlik ongini mujassamlash va sub’ektning vatanparvarlik ob’ektiga ta’sirining barcha turlarini amalga oshirish usuli, vatanparvarlik maqsadlarini amalga oshirishga qaratilgan harakatlar majmui. Bu faoliyat vatanparvarlikning moddiy asosini, uning chinakam seziladigan va ko‘rinadigan tomonini tashkil etadi. U vatanparvarlik harakatlarining oqilona, hissiy va irodaviy tarkibiy qismlarining birligiga asoslanadi. Bu harakatlar, agar ular Vatanga xizmat qilishga qaratilgan bo‘lsa, shaxsning o‘z mamlakati taqdiri uchun ijtimoiy va ma’naviy javobgarligini ifodalasa, vatanparvarlik, deb hisoblanishi mumkin. Vatanparvarlik sof milliy fazilatgina emas, balki mamlakatimizda yashovchi barcha fuqarolarning tenglik va teng xuquqligi asosida birlashtiruvchi ma’naviy-axloqiy imperativdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. –Toshkent: O‘zbekiston, 2021. 275-bet.

2. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. –Toshkent: O‘zbekiston, 2018 . 229-bet.

3. Mirziyoyev Sh.M. Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari. –Toshkent: 2020. 400-bet.

4. Mirziyoyev Sh.M. Konstitutsiya – erkin va farovon hayotimiz, mamlakatimizni yanada taraqqiy ettirishning mustahkam poydevoridir // Xalq so‘zi. 247 (6741)-soni. – 2017. 7 dekabr.

5.«Avesto» va uning insoniyat taraqqiyotidagi o‘rni. –Toshkent: Fan, 2001; Rahmonov N. Qadimiy hikmatlar, qissalar. - Toshkent: Adabiyot va san’at. 1987. – B.16-40.

6.Kamilov K. Globallashuv sharoitida diniy soha rivojlanishining o‘ziga xos xususiyatlari: Fal. fan. nom. ... diss. avtoref. – T.: TIU, 2011. – B. 15.

YEVROPA VA TURKIY TILLAR MISOLIDA MIRATIVLIK KATEGORIYASI

Aliyeva Z.A. (SamDChTI)

Ma’lumki, mirativlik so’zlovching boshqa shaxs tomonidan eshitgan yangi ma’lumotiga hayrati yoxud lol qolishi hisoblanadi. Mirativlik tushunchasi evidensiallik bilan bog’liq hodisa bo’lib, u semantika va grammatikada yetarlicha aksioma sifatida qaraladi [2: 33].

Mirativlik so’zlovchining “jamlanmagan fikri yoki avval eshitmagan ma’lumotini ilk marta eshitganda sodir bo’ladigan hayrati hisoblanadi [1:196].

Mirativlik grammtik mayl bo’lib, yangi ma’lumotga, xabarga yoki kutilmagan yangilikka nisbatan tinglovchining hayrati yoki ajablanishini ifodalaydi [6: 132].

Mirativlik kategoriyasi mediativlik atamasi bilan ham bog’liq hodisa bo’lib, unda har doim ikkinchi va uchinchi odamning fikri o’rganiladi. Mirativlik kategoriyasining evidensiallikdan farqli tomoni shundaki, u butunlay boshqa kategoriya sifatida qaralib, turli xil guruhlarga bo’linish orqali tahlil qilingan holatlarda uchraydi [5: 76].

So’zlovchi boshqaga yetkazayotgan evidensial ma’lumotga nisbatan subyektning emotsional munosabati aynan mirativlikda aks etadi. Mirativlik kategoriyasi aksariyat holatlarda undov gap ko’rinishida uchrashi mumkin. Chunonchi, ingliz tilida *Oh my God!* rus tilida *Боже мой!* O’zbek tilida esa, *Ё*

худойим! ingliz tilida *What is it?* o’zbek tilida *У нима экан?* ingliz tilida *Really?!* rus tilida *Неужели?!* o’zbek tilida *Ростдаими?!* kabi ko’rinishlarda mirativlikni uchratishimiz mumkin. Kichik sistemalarda mirativlik eshitish, ko’rish yoki paypaslash kabi harakatlardan yiroq bo’ladi, ba’zan tinglovchi nima bo’layotgani haqida bilmaganligi yoki kutmaganligi sababli, o’zida hech qanday mas’uliyatni sezmaydi. Misol uchun o’zbek tilida *Bu yerda mendan ham muhimroq kishi*

bor ekan-ku (men bexabar qolibman) degan kinoyali ma’noni aynan mirativlik ifodalab keladi [4:129].

Mirativlik grammatik mayl bo’lib, kutilmagan yohud umuman yangi bo’lgan xabarga nisbatan kishilarning *hayrati, angrayishi, ajablanishi* kabi holatlarni ifodalashda namoyon bo’ladi.

Bundan tashqari, mirativlik biror kimsaning ayrim vaziyatga ko’ra, o’zi kutmagan narsadan xabardor bo’ladigan ma’nolarni qamrab oladi. Mazkur izohga boshqa bir shaxs birinchi shaxsga yuzalanib, *Bo’ying o’sib qolibdimi?!* deganda yoki turk tilidagi *büyü-müş-sün* ingliz tilidagi *I see you’ve already grown up* kabilarrni keltirishimiz mumkin [1:52].

Mirativ ma’no birinchi odamning bevosita qatnashishi orqali aniqlangani bois, ikkinchi odam uchun kutilmagan ma’lumot yuzaga keladi. Masalan, ingliz tilida *We have been sleeping!* jumlasi o’zbek tilida *Биз қотиб ухлаётган эдик!* ma’nosini anglatadi [3: 38].

Mirativlik eshitish yoki ko’rish orqali yangi bilimga ega bo’lganda ham aniqlanishi mumkin. Masalan, o’zbek tilida C*ен ҳақиқий овчи экансан-ку!* konteksti ingliz tilida *I see, you are a real hunter* rus tilida (*я смотрю*) *ты, оказывается, настоящий охотник!* kabilarni misol qilib keltirish mumkin.

Shuningdek, mirativlik kategoriyasi so’roq gaplar tarikibida ham uchrashi mumkin: *Is Marx really going on tonight?(R.Crais.Chasing darkness; 46) Биз тарафларда қароқчилар жўқ эди-ку! (С.Аҳмад.Жимжитлик.49)* jumlalari ham mirativlikka misol bo’ladi. Mirativlik kategoriyasi ko’chirma gapni o’zlashtirma gapga aylantirganda yoki kishining ma’lum voqea asosida o’z fikrini bayon qilishi jarayonida ham yuzaga kelishi mumkin. Jumladan, ingliz tilida Y*ou are weak, as it turns out!* o’zbek tilida *Яхшибоевдай қарчиғай ҳам қариган чоғида мусича бўпти-ку! (М.Дўст. Лолазор; 27) [4:129]* kabilar bunga misol bo’ladi.

Xullas, mirativlik tahlilning ahamiyatli jihati sifatida ma’lumotning asosini belgilash nihoyatda muhim hisoblanadi. Binobarin, bunda asos bir tomonlama subyektning shaxsiy kuzatish (ya’ni, bevosita guvohlik berishini amalga oshirgani) biror kimsaning ma’lum obyekt yoki voqelikni ko’rish, eshitish kabi sezgi organlari yordamida his qilishiga nisbatan ishlatilsa, boshqa tomondan esa ma’lumot asosi umuman boshqa manbaga tegishli bo’lib, u bilvosita tarzda ham namoyon bo’ladi. Bundan tashqari, mirativlik mazmuni leksik ifoda vositalaridan tashqari, ma’lum morfologik birliklar yordamida ham amalga oshiriladi. Ushbu morfologik vositalar ayrim tillarda sezilarli darajada mavjud bo’lsa, boshqalarida qisman kuzatiladi. Shuning uchun ham mirativlik kategoriyasini qiyosiy-tipologik jihatdan tahlil qilish dolzarb sanaladi. Mazkur jihatlarga ishimizning keyingi fasllarida batafsil to’xtalib o’tamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Aikhenvald A.Evidentiality (Linguistics) – Oxford University Press: 2004. – P 226.
2. De Lancey S. The Mirative and evidentiality. – Mouton de Gruyter: 1997. – P 33.
3. Johanson L., Utas B. Evidentials: Turkic, Iranian and neighbouring languages. – Berlin Germany: 2000. – P 38.
4. Khamrayeva M. Dunyo tilshunosligida evidensiallik va mirativlik kategoriyalarining talqin qilinishi// QarDU xabarlari 1-son, 2022. B.127-130.
5. Lazard G. Mirativity, Evidentiality, Mediativity and other. Linguistic typology. – Mouton de Gruyter: 1999. – P 76.
6. Wallace L. The mirative and evidentiality. – Ablex Norwood publishing 1986. – P 139.

ZAMONAVIY XITOY TILI TIBBIYOT TERMINOLOGIYASIDA 病，症，炎 IYEROGLIFLARINING IFODALANISHI

Sultanova L.A., Abdullayeva S.M.
(ToshDShU)

Ilm-fan va texnika jadallik bilan rivojlanayotgan hozirgi davrda yangidan-yangi tushunchalarning paydo bo‘layotganligi tufayli o‘zbek tilining xilma-xil terminologik tizimlari

qaror topa boshladi. Shu munosabat bilan termin va uning ta'rifi muammosi hozirgi tilshunoslik, jumladan, leksikologiya, terminologiyaning hal etilishi lozim bo‘lgan asosiy masalalaridan biri bo‘lib qolmoqda. Termin hamda terminologiyaning u yoki bu masalalari yechimini topish fan va texnikaning tegishli sohalari uchungina emas, balki tilshunoslik uchun ham muhim ahamiyatga ega ekanligini alohida ta'kidlab o‘tamiz.

Garchi, umumtilshunoslikda termin muammosi nazariy jihatdan ancha o‘rganilgan bo‘lsada, uning ta'rifi, terminlar va termin bo‘lmagan leksema va so‘zlarning o‘zaro farqlanuvchi belgilari, terminning tarkibi singari masalalar hali yetarlicha o‘rganilgan va hal qilingan, deb bo‘lmaydi. Bunday holat xitoy tilshunosligi va terminologiyasiga ham taalluqlidir[1].

Leksikologik hamda terminologik tadqiqotlarning ba'zilarida terminlar maxsus qo‘llanish doirasida ishlatiladigan leksik birliklardir, deb qarash odat tusiga kirgan. Ko‘pchilik tilshunoslar shuni qayd etadilarki, termin, eng avvalo, tilning leksik sistemasida teng xuquqli a'zo hisoblanadi; u bir ma'noli bo‘lishi hamda fan, texnika va madaniyatning u yoki bu sohasidagi muayyan tushunchani aniq ifoda etishi zarur. Aslida, termin oddiy so‘z bo‘lib, " tilga aloqador biron-bir hodisa unga begona emas" [2]. Birok shu bilan birga, "Terminlar alohida vazifa bajaruvchi so‘zlardir" [3]. Ular maxsus belgilarga ega bo‘ladi. Bu, birinchi navbatda, terminning oddiy so‘zga nisbatan o‘ta tor ma'noga egaligi, ma'no chegaralarining ancha aniq va ravshanligi bilan izohlanadi[4]. Sinonimiya, aynisa, ko‘p ma'nolilikning bo‘lmasligi hamda bir ma'nolilikka intilish terminning o‘ziga xos xususiyatlari sanaladi[5].

Terminologiya muayyan fanning tushunchalar tizimi bilan o‘zaro munosabatda bo‘lgan terminlar tizimi sifatida ta'riflanadi. Terminologik tizimlar fan taraqqiyoti bilan birgalikda rivojlanib boradi. Umumiste'moldagi so‘zlardan farqli ravishda terminlarning qo‘llanishi ma'lum nazorat ostida bo‘ladi.

"Terminlar "paydo bo‘lib qolmaydi", aksincha, ularning zaruriyati anglangan holda, o‘ylab topiladi", "ijod qilinadi" [6]. Shuningdek, oddiy so‘zdan farqli ravishda, terminning ma'nosi kontekstga bog‘liq bo‘lmaydi, maxsus so‘z-termin o‘z terminologik ma'nosida va o‘z "terminologik maydoni"da [7] qo‘llanar ekan, uning ayni ma'nosi saqlanib qolaveradi. Biroq polisemantik terminlarning muayyan ma'nosi ajratib ko‘rsatilganda, ular kontekst orqali aniqlanadi.

Yaqin vaqtlargacha terminlar ham, nomenlar (atama) ham bir butun sistema sifatida qaralib, ular terminologiya va nomenklatura (nomenlar yig‘indisi)ga ajratilmas ediki, natijada bir qator tadqiqotchilar ularni bir-biridan ajratish zaruratini umuman rad qiladilar[8]. Shu sababdan ba'zi hollarda "kimyo terminologiyasi", "botanika terminologiyasi" kabi terminlar qo‘llansa, boshqa o‘rinlarda "kimyo nomenklaturasi", "botanika nomenklaturasi" singari terminlardan foydalanilgan. Lekin har ikki holatda ham terminlar bilan nomenlar aralash o‘rganilavergan. Ushbu tadqiqod ob'ekti bo‘lgan anatomik terminologik sistemada ham xuddi shu ahvolni ko‘rish mumkin. Masalan, "xalqaro anatomik nomenklatura" deyilgani holda, "Anatomiya terminlari" lug‘atlari tuziladi. Biroq har ikki holda ham umumiy material terminlar va nomenlardan iborat bo‘lib qolaveradi[9].

Qayd etish kerakki, terminning ta'rifi va uning asosiy belgisi haqida yagona fikr bo‘lmagani singari, termin va nomen o‘rtasidagi farq, chegara haqidagi masala ham yechilmay qolmoqda. Shunga qaramay, ayrim tadqiqotchilar bu masalani xususiy tarzda, ya'ni ma'lum bir fan sohasi

[1] Султанова Л.А. Хитой тилида тиббиёт терминларининг ясалиш хусусиятлари. Маколаси

[2] Котелова Н.З. К вопросу о специфике термина // Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. М., 1970. С.124.

[3] Винокур Г.О. Ko‘rsatilgan asar. 3-bet.

[4] Бурдин С.М. О терминологической лексике// Филологические науки. 1958, №4. С.58.

[5] Z. Mirahmedova. O‘zbek tilining anatomiya terminologiyasi va uni tartibga solish muammolari., Toshkent-2010. 7-bet

[6] Винокур Г.О. Кўрсатилган асар. 24-бет

[7] Реформатский А.А. Кўрсатилган асар. 51-бет.

[8] Веселов П.В. Номенклатурное наименование и научно-технический термин // Стандартизация. 1965, №12. С.31; Моисеев А.И. Кўрсатилган асар. 132-133-бетлар.

[9] Z. Mirahmedova. O‘zbek tilining anatomiya terminologiyasi va uni tartibga solish muammolari., Toshkent-2010. 8-bet

doirasida, maxsus adabiyotlarni tahlil qilgan holda o‘rganib chiqishga harakat qilishgan. Masalan, A.P. Madvaliev “O‘zbek kimyo terminologiyasi va uni normalashtirish masalalari” mavzuidagi nomzodlik dissertatsiyasida o‘zbek kimyo terminologiyasi misolida terminologiya va nomenklaturaning, termin va nomenning farqli jihatlarini to‘g‘ri ko‘rsatib berishga harakat qilgan. Shu bilan birga, terminologiya va nomenklaturaning bir-biriga yaqin aloqada bo‘lishini, bir toifaning ikkinchi toifaga doim o‘tib turishini aniq misollar bilan isbotlab, “o‘rtadagi bunday qarama-qarshilikka qaramay, terminlar va nomenlar yagona terminologik sistemaning tarkibiy qismlaridir”,[1]degan xulosaga keladi.

Termin va terminologiyalarning ta’rifi va tavsifi xususida akademik A.Hojievning maxsus lug‘atida “termin” va “terminologiya” terminlariga berilgan izohlarni:

Termin (*lot.* terminus chek, chegara, chegara belgisi). Fan, texnika va boshqa sohaga oid narsa haqidagi tushunchani aniq ifodalaydigan, ishlatilish doirasi shu sohalar bilan chegaralangan so‘z yoki so‘z birikmasi; atama. Terminlar bir ma’noli bo‘lishi, ekspressivlik va emotsionallikka ega bo‘lmasligi kabi belgilari bilan ham umumiste’moldagi so‘zlardan farqlanadi...

Terminologiya (termin + logos – so‘z, ta’limot). 1. Biror ilm, kasb va b. sohaga oid terminlar majmui. Masalan, grammatik terminologiya, san’at terminologiyasi va b[2].

An’anaviy xitoy tibbiyoti terminologiyasi g‘arbnikidan tubdan farq qiladi. Bu, eng avvalo, xitoy tilining o‘ziga xos qurilishi hamda xitoyliklarning inson tanasiga yondashuv va davolash uslubida g‘arbdan anchayin farq qilishi bilan izohlanadi[3].

Xitoy tilida kasallik, hastalikga oid terminlarni yasashda quyidagi uchta iyeroglif katta ahamiyatni kasb etadi. Bular:

病 [bìng] va 症 [zhèng] yarim suffiksining “kasallik” , “hastalik” kabi ma’nolari mavjud: 缺氧症[quēyǎngzhèng] “gipoksiya”; 肠胃病[chángwèibìng] “gastroenterit”; 肥胖症[féipàngzhèng] “adipoz”[4].

炎 [yán] yarim suffiksi “yallig‘lanish” deb tarjima qilinadi, kasallik yoki infektsiyani anglatuvchi atamalarni hosil qiladi: 大脑炎[dànǎoyán] “ensefalit” (bosh miyaning yallig‘lanishi); 扁桃体炎 [biǎntáotǐyán] “tonzillit” (tomoq bodomsimon bezlarining yallig‘lanishi); 喉头炎 [hóutóuyán] “laringit” (hiqildoq shilliq pardasining yallig‘lanishi). Bularni quyida batafsil ko‘rib chiqamiz:

病 (bìng) iyeroglifi asosan kasallik haqidagi so‘z va so‘z birikmalarida uchraydi va quyidagi ma’nolarda qo‘llaniladi:

I. ot so‘z turkumida :

1) dard, xastalik, kasal, betoblik; kasallik;

Masalan: 病很重 (Bìng hěn zhòng) - kasallik juda jiddiy.

生了一场大病 (Shēngle yī chǎng dàbìng) - og‘ir kasal bo‘lmoq, jiddiy kasallanmoq.

2) kasal (odam) bemor;

Masalan: 病伤(Bìng shāng) - kasal va yarador.

3) kamchilik, qusur, nuqson; minus;

Masalan: 幼稚病 (Yòuzhìbìng) - bolalar kasalligi, tajribasizlikdan kelib chiqqan kamchiliklar;

语病 (Yǔbìng) - nutqdagi kamchiliklar;

4) ruhiy og‘riq; pushaymonlik; tashvish, xavotir;

Masalan: 心里有病才脸红哪！ (Xīn li yǒu bìng cái liǎnhóng nǎ!) - faqatgina pushaymonlikdan yuzlar qizaradi!

---

[1] Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации: Дисс. канд. филол. наук. Ташкент,1986. С.3-8.

[2] Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2002. 104-бет.

[3] Попова Д.Е., Хоречко У.В. Терминология китайской медицины. К постановке вопроса / Д.Е. Попова, У.В. Хоречко // Молодой ученый. – 2015. – №10. – С. 1428-1432.

[4] L.A.Sultanova Composition as A Way ofForming the Terms of Medical Instruments and Surgical Devices in Modern Chinese

5) doimiy tashvishli masala (tashvish, xavotir);

Masalan: 是楚病也 (Shì chǔ bìng yě) bu - Chu shohligi uchun doimiy tashvish!

6) ehtiros, ishtiyoq (biror narsaga);

Masalan: 好辞工书, 皆癖病也 (Hǎo cígōng shū, jiē pǐ bìng yě) - yaxshi hikoyachilik va mohir xattotlik - ikkalasi ham uning ishtiyoqi edi.

7) yomonlik, zarar; muvaffaqiyatsizlik; mag‘lubiyat; ziyon;

Masalan: 利病 (Lì bìng) - foyda va zarar; daromad va ziyon;[1]

II. fe’l so‘z turkumida 2 xil shakllarda qo‘llanadi:

A. 1) kasallanmoq, tobi qochmoq, hastalanish, kasal bo‘lish; bemor;

Masalan: 今我尚病 (Jīn wǒ shàng bìng) - meni bugun ham tobim yo‘q.

病妇 (Bìng fù) - hasta ayol

2) charchamoq, toliqmoq; horg‘in;

Masalan: 今日病矣 (Jīnrì bìng yǐ) - bugun men charchaganman.

病客惟思睡 (Bìng kè wéi sī shuì) - toliqgan mehmonlar faqatgina uxlab olishni xohlashadi.

3) yuragi ezilishi, qayg‘urmoq, iztirob chekmoq;

Masalan: 心病难医 (Xīnbìng nán yī) - qalb og‘risa, shifo topishi qiyin

4) Kasallanmoq, so‘lish, qurish, nobud bo‘lish (o‘simliklar); qurigan;

Masalan: 业病多紫花凋少白 (Yè bìng duō zǐhuā diāo shào bái) - barglari qurib qolsa, ko‘pincha jigarrang bo‘ladi, gullar kamdan-kam hollarda quriganda oq bo‘lib qoladi.

病叶 (Bìng yè) - qurigan barg

B. 1) ozor bermoq, qiynamoq; zarar yetkazish, halok qilish;

Masalan: 祸国病民 (Huò guó bìng mín) - yurtga falokat keltirdi va xalqqa azob berdi.

2) qiynamoq, azob chekmoq (kimdirdan biror narsaga); tashvish (biror narsadan); qo‘rqish (biror narsadan);

Masalan: 病足 (Bìng zú) - oyog‘i tufayli qiynalmoq, hasta oyoqlarini deb azoblanmoq.

昔日淮河泛滥, 人皆病之 (Xīrì huáihé fànlàn, rén jiē bìng zhī) - o‘tgan zamonlarda Huanhe daryosida tez-tez toshqinlar bo‘lgan va odamlar bundan azob chekishgan.

病不得其众 (Bìng bùdé qí zhòng) - ularning massasini egallamasligingizdan qo‘rqish.

3) (biror narsaga) qaram bo‘lmoq; (biror narsaga) mukkasidan ketmoq ;

Masalan: 病洁 (Bìng jié) - tozalikka berilib ketmoq, tozalikka mukkasidan ketmoq, yirganuvchan bo‘lish .

4) uyalmoq, xijolat bo‘lmoq (biror narsadan .); o‘zi uchun hisoblash;

Masalan: 尧舜其犹病诸?! (Yáoshùn qí yóu bìng zhū?!) - hatto Yao va Shun ham buni o‘zlari uchun uyat deb hisoblamasmidi?![2]

症 (zhèng, zhēng) ushbu iyeroglif ikki hil ohangda qo‘llaniladi. Quyidagi ma’nolarga ega:

I. (zhèng) - xastalik, dard; kasallik, og‘riq; kasallik holati;

Masalan: 对症下药 (Duìzhèngxiàyào) - Xastalik boyicha davolanish; kasallik alomatlari.

II. (zhèng) xastalik; kasallik;

Masalan: 急症 (jízhèng) – havfli kasallik.

不治之症 (bùzhìzhī zhèng) – bedavo kasallik.

炎 (yán) ushbu iyeroglif ot va fe’l so‘z turkumlarida qo‘llanilib, fe’l o‘z ichida ikki hil ohangda qo‘llaniladi.

I. (yán) ot so‘z turkumida:

1) olov, alanga;

Masalan: 火炎(Huǒyán) – alanga.

2) *tibb.* yallig‘lanish; yallig‘lanishga oid;

[1]L.Sultanova PROBLEMS OF STUYDING MODERN CHINESE TERMINOLOGY – Конференции. 2021

[2] L.A.Sultanova К вопросу о медицинской терминологии в китайском языке Scientific – methodological electronic journal “Foreign Languages in Uzbekistan”, 2020

Masalan: 肺炎(Fèiyán) - o‘pka yallig‘lanishi, pnevmoniya.

II. (yán, yàn) fe’l so‘z turkumida:

1) alangalanish, yorqin alangalanish,porlash; yarqirash, yorqin, ko‘zni qamashtiruvchi;

Masalan: 炎烂 (Yán làn) - yorqin nur.

2) kuyish; issiq, jazirama, kuydiruvchi; qizib turgan;

Masalan: 炎蒸(Yán zhēng) – parlantirsh.

炎飙 (Yán biāo) - tornado (bo‘ron).

Xulosa: Inson hayoti va sog‘lig‘i muhim ahamiyat kasb etar ekan, tibbiyot sohasi butun dunyoda favqulottda zarur sohalardan hisoblanadi. Hozirgi kunga kelib, tibbiyotga oid terminlar soni o‘sib borgani sari, ushbu sohaga doir qo’llanma adabiyotlaga ehtiyojlar ortib bormoqda. Tibbiyotga oid terminlarni tarjima qiladigan mutaxassis uchun bu soha bilan bog‘liq so‘z yasalish xususiyatlarini bilish va e’tiborga olish joiz bo‘ladi. Tibbiyotga oid terminlarning nominatsiyalari va tarjimalarining tadqiqi adekvat tarjimaga erishishga yo‘naltirilgan bo‘lib, ko‘plab amaliy vazifalarning yechim topishiga turtki beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Султанова Л.А. Хитой тилида тиббиёт терминларининг ясалиш хусусиятлари. Маколаси
2. L.A.Sultanova Composition as A Way ofForming the Terms of Medical Instruments and Surgical Devices in Modern Chinese
3. L.Sultanova PROBLEMS OF STUYDING MODERN CHINESE TERMINOLOGY – Конференции. 2021
4. L.A.Sultanova К вопросу о медицинской терминологии в китайском языке Scientific – methodological electronic journal “Foreign Languages in Uzbekistan”, 2020
5. Z. Mirahmedova. O‘zbek tilining anatomiya terminologiyasi va uni tartibga solish muammolari., Toshkent-2010.
6. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2002.
7. Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации: Дисс. канд. филол. наук. Ташкент,1986.
8. Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. Монография / О.П. Фролова. – М.: Восточная книга, 2011. – 168с.
9. Попова Д.Е., Хоречко У.В. Терминология китайской медицины. К постановке вопроса / Д.Е. Попова, У.В. Хоречко // Молодой ученый. – 2015. – №10. – С. 1432.
10. Веселов П.В. Номенклатурное наименование и научно-технический термин // Стандартизация. 1965, №12.
11. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языковедению. М., 1939.
12. Реформатский А.А. Что такое термин и терминология? // Вопросы терминологии. М., 1961. С.47; Даниленко В.П. Лингвистические требования к стандартизуемой терминологии // Терминология и норма. М., 1992.
13. Котелова Н.З. К вопросу о специфике термина // Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. М., 1970. С.124.
14. Бурдин С.М. О терминологической лексике// Филологические науки. 1958, №4. С.58.

АМЕРИКА АДАБИЁТИНИНГ ИЛК РОМАНТИЗМ ПРОЗАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ВАШИНГТОН ИРВИНГ ИЖОДИНИГ ЎРНИ

Расулова С.У. (СамДЧТИ)

Америка миллий адабиёти тарихида, океан ортида, роман каби муҳим ўрин тутган қисқа ҳикоя-новелла жанрининг истиқболи Вашингтон Ирвинг номи билан боғлиқ. Бу жанр

X1X аср натуралистлари, реалистлари ва романтикларини ҳамда XX асрдан то бугунги кунгача барча ёзувчиларни ўзига жалб этиб келмоқда.

Европа Ирвингни АҚШдан олдин таниди. Унинг асарларини Вальтер Скотт, А.С.Пушкин, Г.Гейне, И.В.Гёте, Н.Гоголь каби адиблар севиб мутолаа қилган, у Диккенс, Теккерей, Белинский билан замондош бўлган ва улар ҳам уни қадрлашган эди.

Ўзига тўқ Нью-Йорклик тожир оиласида туғилган 11 боланинг энг кичиги бўлган Вашингтон Ирвинг (1783-1859)-Америка илк романтизмининг энг йирик ёзувчиларидан бири, АҚШ адабиётида роман жанрининг асосчиси, Европа ва Америка маданиятлари ўртасида воситачи, Америка Қўшма Штатларида халқаро мукофот олган биринчи ёзувчи бўлган. Шубҳасиз, Ирвинг Европа ва Америка ўртасида маданий ва дипломатик элчи мақомига кўтарилганлиги ҳақиқат.

Дўстлари ёрдамида ўз “Альбоми”ини (1819-1820) бир вақтнинг ўзида ҳам Англия, ҳам Америкада нашр этиш ва нусха олиш ҳуқуқлари ҳамда иккала давлатда қалам ҳақи олишга эришди.

“Жофрей Краян Альбоми” (Ирвинг тахаллуси) унинг қаламига мансуб иккита таниқли- "Рип Ван Винкл" ва "Осуда бўшлиқ афсонаси"- қиссасидан таркиб топган эди. “Альбом” Ирвингнинг нафис, енгил табиат ва биринчи қарашда бепарво усулини ифодалаб, “Бўшлиқ” эса пурмаъно оҳангли ва эҳтиросларга бой асар яратувчи ва замонасининг хусусиятларини акс эттирувчи адиб сифатида таништиради. Америка адабиёти учун янги ва ниҳоятда истиқболли бўлган роман жанрининг биринчи намунасининг муаллифидир. Ирвинг ”Альбом”да Худсон дарёси бўйлаб Нью-Йоркда шимол томонда қад кўтарган Катскил тоғларини афсонавий ва сеҳрли минтақага айлантиради.

Америкалик ўқувчилар унинг Катскил ҳаёлий “тарихи”ни яхши қаршилашди. Ваҳолангки, Ирвинг ўз қиссаларини (ўқувчилар бундан бехабар бўлган) Олмон манбаларидан ўзлаштирган эди. Ўз тарихининг илк материалистик шиддатли йиллари Америка қўмсаган нарса- янги ўлкага таҳаййул орқали қараш – ҳиссини Ирвинг касб этди.

Ирвинг ҳар доим анъанавий жанрларга ижодий ёндашиш билан ажралиб турарди: у уларнинг қонунларини бузишга ва рангларни аралаштиришга мойил эди. Шундай қилиб, бу сафар у эссега хос бўлган одатларнинг ўзига хос тавсифи билан аралаштириб юборди, персонажларнинг романтик индивидуаллашувини қўшди ва асарни Америка кўчманчиларининг асл фольклор элементлари билан тўйинтирди. Бундан ташқари, ёзувчи Америка муҳитига Европа афсоналари, маданияти ва эртаклари тарихидан аниқ мавзусини олди аммо, маҳаллий фольклор ва киноядан, шунингдек, Америка ҳақиқатларидан фойдаланган ҳолда унинг асосида Рип Ван Винкл қиссаси, кейин эса Ирвингнинг бошқа қиссалари ҳам яратилди .

Ўлкани инсонийлаштириш, унга ном ва қиёфа бахш этиш ва афсоналар яратиш бобида ҳеч ким ёзувчи Ирвингга тенг кела олмаган. Қаҳрамони 20 йил мобайнида ухлаб ётган, уйғониб эса коллониялар мустақил мақом олганини кўрган “Рип Ван Винкл” қиссаси том маънода фольклорга айланган. У саҳналаштирган, оғзаки анъанага ўтган, америкаликларнинг кейинги авлодлари томонидан асл Америка афсонаси тариқасида қабул қилинган. Асарлари орқали Америка ҳақиқатини қандай очиб беради, вазиятларни бош қаҳрамон орқали кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, Вашингтон Ирвинг бутун адабий асарларида фикрлаш тарзини ифодалайди.

Ирвинг энди вужудга келган янги давлатнинг тарих ҳиссиётини кашф этиб, уни қондиришга кўмаклашди. Тарих шуурини зуҳур топтириб, унга йулланма, қиёфа ва ҳаёт ато этган қатор асарлари янги давлат руҳини барпо этиш йулидаги саъй-ҳаракатлар тариқасида кўрилиши мумкин. Асарларнинг мавзуи сифатида Америка тарихининг энг фожиали жиҳатларини танлади: Янги дунёнинг кашф этилиши, биринчи президенти ва халқ қаҳрамони, ғарб томон силжиш (Америка адабиётининг асослари, 23 б).

Вашингтон Ирвингни ирқи, миллатидан қатъий назар барча америкаликлар севар еди. У Америкага кўчиб борган европаликлар ҳаёти ҳақидагина емас, Американинг туб аҳолиси ҳақида ҳам анча-мунча асарлар ёзган еди. Ўша пайтларда Африка ва Осиёдаги кўпгина

давлатлар инглизлар қўл остида бўлиб, Африкадан негрлар, Осиёдан мусулмонлар ҳам Америкага олиб кетилган еди. Адиб Америкада яшаётган негрлар, мусулмонлар ҳаётини тасвирлашни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Вашингтон Ирвингнинг кўпчилик ҳикоялари саёҳатлари даврида эшитган афсона ва ривоятлар асосида битилган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, унинг «Арвоҳ куёв» ҳикояси ўқувчи эътиборини беихтиёр ўзига тортиб, сеҳрлаб олади. Вашингтон Ирвингнинг афсоналар асосида битилган асарлари ҳам мавзу эътиборига кўра туркумларга ажратилиб алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. Бундай туркум ҳикоялар «Хазина изловчилар», «Брейск Брижхилл», «Ал-Ҳамро» деб номланиб, нашр етилгандир.

Вашингтон Ирвинг ўзи христиан динига мансуб бўлса ҳам мусулмон дунёсига бир қадар хайрихоҳлик билан қарайди. Ўша даврларда араб мамлакатларидан қул сифатида олиб келинган араблардан турли-туман ҳикоялар ешитиб, уларни бадиийлаштиради. «Ал-Ҳамро» китобига кирган «Уч соҳибжамол ҳикояти», «Араб мунажжимининг ривояти», «Шаҳзода Аҳмад ал-Камол ёки ошиқ қаландар», «Ал-Ҳамро гули ёки маҳрам ва лочин қиссаси», «Марв васияти» каби ҳикоялари шулар жумласидандир. Бу ҳикояларда арабларнинг донишмандлиги ҳақида сўз юритади. Вашингтон Ирвинг «Муҳаммад тарихи» китобида Муҳаммад пайғамбарнинг доно, ақлли, донишманд киши бўганлигини хайрихоҳ ва ихлос билан таърифлаб, пайғамбар тарихига оид муҳим манбаларни бериб ўтади. Бу асар жаҳондаги кўпгина тилларга таржима қилинган.

Вашингтон Ирвинг Америка адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган улкан адибдир. Улуғ Америка адиби Марк Твен уни устоз деб тан олган. Айни чоғда, Марк Твеннинг кўплаб юмористик ҳажвиялари Вашингтон Ирвинг ижодини эсга солади (Жаҳон адабиёти, 63-65 б) .

Ҳаётнинг сўнгги ўн йилликларида роман жанрига яқин бўлган таржимаи ҳолларга берилган. Масалан, “Оливер Голдсмит” (1849) шундай асардир. Бу ерда ҳикоя кўринмас тозалагич орқали, романтиканинг драматик ўзига хослигини ўзида мўъжассам қилади. Баъзан бундай китоблар фалсафий ранг-барангликни кашф этади, масалан "Магомед ва унинг ворислари" ёки патетик (гр. - еҳтиросли, ҳаяжонли) тус олган монументал тадқиқотга айланарди. Жорж Вашингтон ҳаётининг беш томлик тарихи ҳам шундай бўлиб, унинг устида Ирвинг 34 йил, яъни 1825 йилдан ҳаётининг сўнгги кунларигача ишлаган. Кўп йиллар давомида у президент Вашингтоннинг Давлат дапартаментидаги архив ҳужжатларини барча нашр этилган тарихий манбаларни, шахсий тўпламлардаги жуда кўп миқдорда бўлган эсдаликлар ва кенг қамровли ёзишмаларни ўрганиб чиққан. Ирвинг ўз мамлакатининг яқин инқилобий ўтмиши билан фахрланиб, ўз ҳаётини унга бағишлайди ва улкан ишларни амалга оширади ва бу унинг ватанпарварлигини ифодасига айланади.

У Вашингтонни нафақат озодлик уруши қахрамони, давлат арбоби ва АҚШ нинг биринчи президенти сифатида тасаввур килади, балки Америка адабиётини ҳомийси сифатида хам тасвирлайди. Бундан ташқари ёзувчи Вашингтондан бошланувчи Америка тарихини ўз адабиёти учун битмас-туганмас илҳом манбаи сифатида кўрсатади. Шуни айтиш керакки, Ирвингнинг ушбу башорати ҳақиқатга тўғри келмайди, ўша пайтгача бу соҳада илғор ижод қилган фақатгина Америка тарихий романини яратган ёш Фенимор Купер бўлиб қолди ва у ҳам бу даврга келиб оламдан ўтиб бўлган эди. "Буюк одам" нинг ҳайкали ва "Ўзининг энг қизиқарли китоби" деб номланган сўнгги асарининг бешинчи томини чоп этишга улгурган, Вашингтон Ирвинг бир неча ойдан сўнг вафот этади. Уни илк новеллаларининг бирида куйлаган “Уйқу дарасига”, сокин жойга дафн этишади.

Американик романтизми муаллифининг "ёшлик кескинлиги" деб ҳисобланган комик йилномалар билан бошланди. 18-асрда европа услубидаги асарнинг сюжети ҳақида тасаввур беради. “Нью-Йорк тарихи, дунё яратилишидан то Голландлар сулоласи охиригача, жумладан, жуда кўп ҳайратланарли ва қизиқарли манбалар орасида Уолтер Иккиланувчининг фикрлари, Уилям Ўжарнинг бузғунчи ғоялари ва Питер Мустаҳкам бошнинг ғоялари- Янги Амстердамнинг уч голландиялик губернатори; Дитрих Никербокер

томонидан ёзилган, ва нашр этилган ҳар қандай тарихдан ишончли ягона ҳикоя” (1809)[1] дир.

Эски Нью-Йоркнинг хақиқий тарихида голландиялик губернаторлар бешга бўлишган, лекин Ирвинг уларни учтагача туширди. Хар бир шундай ажойиб комиксларнинг жамланишида, Ирвинг шундай хажвий умумлаштириш қиладики, замондошлари китобни ўқиётганда завқланиб кулишади. Китоб замона хақида яхши ва ёмон хазилларга, ишораларга тўла эди.

У бир кўзли Уилям Стабборн қиёфасида ўқувчилар Президент Жифферсонни осонгина танидилар ва эски Нью-Йорк (Янги Амстердам) ҳаёти ҳақида эса Ирвинг шунчаки, 19-аср бошидаги замонавий голланд аҳоли пунктлари ҳаётини томоша килиб тасвирлайди[2].

Нью-Йорк худди шу тарзда ўз аҳолиси билан Ирвинг асарига ҳам кириб келади.

Асарнинг “Муаллиф мушоҳадаси” деб номланувчи кириш қисмида Мелберри-стрит кўчасидаги Колумбия меҳмонхонасида, 1808 йил кузида муаллиф истиқомат қилаётган масканда, пайдо бўлиб қолган номаълум шахс тўғрисида айтилади. Муаллиф ўз қахрамонини шундай таърифлайди: Бу кичик жусали, кўриниши хуш ёқадиган. Сарғайиб қолган қора сюртук давелвет нусха қирмизи тусдаги панталонлардава кичкина учбурчак шляпа кийиб олган кекса жентелмен эди. Унинг сийрак сочлари орқасига ўримга тугилган, соқоли камида қирқ саккиз соатлар қиртишланмаган эди. Кийимида эътиборни тортадиган ягона нарса поясфзалидаги икки дона ажойиб кумушдан бўлган туртбурчак тувға эди; унинг бутун юки иккита юмшоқ халта бўлиб, қария уларни қўлтиқлаб олган эди”[3]

Натижада, эсда қоладиган жуссали қария Дитрих Никербокер, тез орада кўпчиликка ёқиб қолади ва у ўқувчиларни алоҳида бир дунёга етаклайди. Бу олам ярим ҳаққоний, ярим фантастик, жўрттага кулдирадиган, қийшиқ, кулгули, қария билан боғлиқ барча нарсалар каби, сирли тасвирлардан иборат. Муаллиф ўз мушоҳадасини “қария жентелмен” икки ойдан сўнг ўзидан “хазина” қолдириб ғойиб бўлади. Бу ҳақда тасодифан муаллиф ўз рафиқаси билан суҳбатда эслатиб қўяди. Хазина биз юқорида эслатганимиз – “Нью-Йоркнинг ишонарли ва ажойиб тарихи” (an excellent and faithful history of New York) китобида кетирилган.

Муаллифнинг бу “мушоҳадаси” кейинчалик зўр иш беради. Китоб бу ўзига хос реклама усули воситасида улкан муваффақият қозонади ва Америка миллий адабиётининг илк ҳақиқий бадиий асари сифатида тарихга киради. Бу ҳол Ирвингнинг европалик устозлари бўлмаган деган гап эмас.

“Нью-Йоркнинг ишонарли ва ажойиб тарихи”даги ўлчамлар ҳажми, улканлиги, гигантизм, фавқулодда бўрттириш Рабле асарлари таъсирида пайдо бўлган. Китобдаги ҳикоя тарзининг қувноқлиги, раблеча кулгу ва бутун “тана тўлалиги” ҳам шундан.

Голландларнинг ейиши, ичиши ва чекишлари (губернаторларнинг биттаси ҳатто ўзи чекка тутунда йўқолиб кетади) шунчалик ҳажв билан тасвирланадики, беихтиёр Рабле асаридаги улкан инсонлар эсга тушади. Голландлар табиатидаги флегматизм Сиерннинг “Тристрам Шенди” романи қахрамони Тоби амакининг “эҳтироси” уйғонишини эслатади. Бироқ китобда Свифтга хос аламзадалик ва аччиқсўзлик ҳам, Стернга хос киноя ва сентементализм аралашиб кетиши ҳам учрамайди. “Солномачи” Никербокер губернаторларнинг кулгули қахрамонликлари, бошқарув тарзи, фуқароларнинг ўзаро муносабатлари, турли воқеаларни тасвирлаб, шарҳлаб, ўз ҳикояларни Стерн ва Сервантесни эслатувчи чекинишлар, қиёслашлар билан тўлдириб ташлайди. Шу билан бир қаторда инжилона образлилик ва Раблега хос эркинлик, Филдингга ўхшаш вазиятлар ва саргузаштлар руҳияти уфуриб, баъзан Шекспир ва Бен Жонсон оҳанглари кузатилади,

[1] Муаллиф ўз асарини “ёшлик кескинлиги” деб мазмуни сабабли эмас, балки ўзининг кулгули қахрамонлик мавзусидаги, аммо барибир тарихий хроникасини яратишда минимал материалга эга бўлганлиги сабабли атайди. Орадан кўп йиллар ўтиб, 1843 йилда у бу асарнинг 1757 йилда эълон қилинган “Нью-Йорк тарихи” номли икки жилдли нашрга асосланганлигини айтади.

[2] “Нью-Йорк тарихи” етти китобдан иборат. Ҳар бир китоб боблари сони турлича. 1664 йилгача Нью-Йорк шахарчаси Янги Амстердам деб аталган.

[3] The Complet Works of Washington Irving.P.1834,p.105

Гомер пародия қилиниб, Гесиоддан иқтибослар келтириб Ирвингнинг издоши ва мухлиси Генри Лонгфелло киноя билан ҳеч бир америкалик ёзувчи аждодлари ҳокини безовта қилмасдан Парнасга кутарила олмайди, деб ёзганди.

Ва шу билан бирга бу ердаги аралаш-куралаш тизимда ўз мантиқи ҳамда тизими мавжуд. Кулгули кўринган қария Никербокер – нозик дидли ва ёвуз пародист. Янги Англия штатлари тарихини ҳикоя қилиб, у эски давлат тузумини пародия қилади, шаржини яратади, тарихга уйдирма-тўқималар қўшади.: замонавий конфликларни ўтмишда бўлган эди, деб ёзади.Охир о қибатда эски Дунё китобда талончилик, туб аҳолини қириш, аҳмоқона бошқарув, нодонлик ва келгиндиларнинг расизмга мойилликлари акс этган ҳолда намоён бўлади.

Муаллиф ўтмишни бугуннинг кузгуси сифатида тақдим этиши оқибатида, яксон этувчи хулосалар икки хил маъно касб этади: муаллиф уларни замондошларига мўлжаллаганлигига шубҳа йўқ, у шу сабабли ҳам ўзининг хажвий тарихини яратади. Ирвингнинг адабий услуби-манераси намунаси тариқасида ушбу мисолни келтириш мумкин: “Ҳиндулар кун ора мукаммаллашиб боришмоқда... Улар савдо-сотиқ қилиш ва ром ичишни ўрганишди. Алдаш, ёлғон гапириш, қимор ўйнаш, бир-бирларининг бўғзига чанг солиш, қисқаси, барча маъноларда ўзларининг катта христиан биродарлари эришган натижалардан ўтиб кетишди”[1]

Кўринадики, бу ерда хажв ўқлари ўтмишдан кўра бугунги кунга кўпроқ қаратилган. Никербокер оҳанги деярли мулойим, аммо унда хажв заҳри шунчалик кучлики!

Келгиндиларнинг ўзига бино қўйган юзсизлиги, нодонлиги, ёвузликлари Никербокер гапи, сўзи орқали мулоҳазаларининг, пародиясининг қаймоғини ташкил этади. Бутун комедик эпопея аслида ушбу хусусиятга асосланиб яратилган. Ирвинг колониал Америка романтикасини яратиш орқали, кўнгилга яқин “америкаликка”- “солномачига” “салафларининг фаолиятлари” тўғрисида ҳикоя қилдиради. Бунда муаллиф нимага қўл урмасин пародия тусини олади.

Ватандошларининг Америка ўтмишига улуғворлик бахшида қилмоқчи бўлган харакатлари устидан кулиб, Ирвин Нью-Йорк тарихи муносабати билан инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида мулоҳаза юритади. Космогония, дунёнинг яратилиши, Ной кемаси, Америка очилиши, голландлар қишлоқлари ҳаммаси бир қаторда тасвирланади. Янги Амстердам голланд губернаторлари даврида ўзининг олтин асрини яшаб бўлди. Бу губернаторлар орасида энг машҳури Қаттиқ ёки Мустаҳкамбош лақабли Питер Стюивезент бўлган[2]. “Нью-Йорк тарихида” “Питер Қаттиқбошнинг ажойиб саргузаштлари” асосий ўринни эгаллайди. Унда голландларнинг ҳарбий “қахрамонликлари” тасвирланади – швед қалъасига, Христина фортига ҳужум кўрсатилади. Гомер “Илиадасини пародия қилиб, Ирвинг “ёрқин” жангчилар номларини келтиради – ван Виков, ван Диков, Тей эйков, ван Винклей, ва Хорнов, ван Хопперов, ван Клопперов шу каби ярим саҳифадан кўпроқ исмлар. Жангчилар бўғизларигача “ғазаб ва каҳрга тўлишган” эдилар.

Питернинг сафдошлари трубкалардан тамаки тутатиб, уларни паналаганча хужумга ўтишади. Жанг тасвирлари АҚШ бадавлат голланд фамилияларининг бойлик орттишига оид киноялы тасвирлар билан тўлиб тошган. Жангда голландлар ғолиб келишарди, агар шум шведлар уларнинг трубкаларини уриб туширишмаганларида...

“Трубкалар халокатидан” ҳайрон бўлганлар қалтираб, ўзларининг армия сафларини топтаб, филлар подаси каби югуришди. Питер Қаттиқбошнинг даҳшатли овози Голландия армиясини тўхтата олмади. Шунда Питер шведлар сардори Ризинг билан жангга кирди (Гектор билан Аякс, Радомонт билан Орланда сингари) ва рақибни битта зарба билан чопиб ташламоқчи бўлиб, у шведнинг бир шиша шаробини қирқиш билан кифояланиб қолди ва ўзи пишлоқ ва нон билан тўлдирилган чўнтаги ажралди. Газабланган Ризинг

[1] The Complet Works of Washington Irving.P.1834,p.119

[2] Питер Стьюивезент (Қаттиқ бош) Шимолий Америкада голланд қишлоқларининг сўнгги губернатори, 1664 йилда ҳамма ерларни инглизларга топширган.

Питернинг бошига кучли зарба берди, аммо мўрт пичоқ Қаттиқбошнинг калласига тегиб синади, “минглаб учқунлар порлаб турган шон-шарафнинг ғурури каби“. Питер Ризингни кучли голланд ароқли лойдан ясалган идиш билан уради ва бу зарба “жанг натижасини аниқлади“. “Иккинчи Троя каби“ Христин Форт қулайди. “Нью-Йорк тарихи“ 6-китобининг эттинчи бобида ҳам назмий, ҳам насрий тасвирлаган. Вашингтон Ирвингда даҳшатли жанги тасвирланган.

ХУЛОСА. Асарлари орқали Америка ҳақиқатини қандай очиб беради, вазиятларни бош қаҳрамон орқали кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, Вашингтон Ирвинг бутун адабий асарларида фикрлаш тарзини ифодалайди. Асарларнинг мавзуи сифатида Америка тарихининг энг фожиали жиҳатларини танлади: Янги дунёнинг кашф этилиши, биринчи президенти ва халқ қаҳрамони, ғарб томон силжиш, қулчилик сиёсати, тенглик ва ҳамда бахтга интилиш ижодининг келиб чиқишида инқилобий туртки бўлган. У образлари орқали давлат тузумини пародия қилади хусусан қария Никербокер бунга яққол мисол бўлади. Муаллиф ўтмишни бугуннинг кузгуси сифатида тақдим этади, хажв ўқлари ўтмишдан кўра бугунги кунга кўпроқ қаратилган. Никербокер оҳанги деярли мулойим, аммо унда хажв заҳри шунчалик кучлики! У шу сабабли ҳам ўзининг хажвий тарихини яратади. Ирвинг ижодининг америка романтизм прозасининг шаклланишига қўшган ҳиссаси - Америка миллий адабиётининг илк оригинал бадиий асари сифатида тарихга киради. Вашингтон Ирвингни нафақат Америкага кўчиб борган европаликлар ҳаёти ҳақидагина емас, балки Американинг туб аҳолиси ҳақида Африкадан негрлар, Осиёдан мусулмонлар ҳаётини тасвирлашни ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Америка адабиётининг асослари. – Тошкент: 1994.-120 б.)

2. Жаҳон адабиёти, ўқув қўлланма, Файзулла Бойназаров, «Мусиқа» нашриёти Тошкент: 2006.- 160 б.)

3. Муаллиф ўз асарини “ёшлик кескинлиги” деб мазмуни сабабли эмас, балки ўзининг кулгули қаҳрамонлик мавзусидаги, аммо барибир тарихий хроникасини яратишда минимал материалга эга бўлганлиги сабабли атайди. Орадан кўп йиллар ўтиб, 1843 йилда у бу асарнинг 1757 йилда эълон қилинган “Нью-Йорк тарихи” номли икки жилдли нашрга асосланганлигини айтади.

4.“Нью-Йорк тарихи” етти китобдан иборат. Ҳар бир китоб боблари сони турлича. 1664 йилгача Нью-Йорк шахарчаси Янги Амстердам деб аталган.

5. Brooks V.W/ Nhe World jf Washington Irving,p.25.

6. The Complet Works of Washington Irving.P.1834,p.105

7.The Complet Works of Washington Irving.P.1834,p.119

8. Питер Стьюивезент (Қаттиқ бош) Шимолий Америкада голланд қишлоқларининг сўнгги губернатори, 1664 йилда ҳамма ерларни инглизларга топширган.

БАДИИЙ ТАРЖИМАГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР ХУСУСИДА

Пулатова С.Ю. (ТерДУ)

Маълумки, энг яхши таржималар асл нусхага нисбатан шартли ўзгаришларни ўз ичига олиши мумкин ва агар мақсад асл нусхага ўхшаш шакл ва мазмун бирлигини яратиш бўлса, бу ўзгаришлар мутлақо зарурдир. Бошқа тилнинг материалига, аммо бу ўзгаришларнинг ҳажми таржиманинг тўғрилигига боғлиқ ва бу ўзгаришларнинг минимал миқдори адекват таржимани назарда тутади.

Таржима мукаммал бўлиши учун:

-аниқ ва оригинал шаклини сақлаган ҳолда фикрлар баёни тўғри бўлиши кўзда тутилиши шарт бўлади;

- таржима тўғридан тўғри таржима билан чалкаштирилмаслиги керак, чунки тўғри таржима деганда асарнинг бошқа тилдаги шакли, муҳити ва ички мазмуни назарда тутилиши керак;

-таржимон таржима қиладиган тилни мукаммал билиши, нафақат билиши балки ўйлаши ва ўзи учун икинчи она тилисидек қабул қилиши;

-фикримизча яна дунёвий билимларга эга бўлиши ва турли соҳалардан хабардор бўлиши лозим;

Бинобарин, бадиий таржимага қўйиладиган талаблар қуйидагичадир: 1.Аниқлик.Таржимон муаллиф томонидан билдирилган барча фикрларни ўқувчига тўлиқ етқазиши шарт. Шу билан бирга, нафақат асосий қоидалар, балки фикр ифодалашнинг сезилар сезилмас фарқи ва ранг туслари ҳам сақланиши керак. Фикрнинг тўлиқ узатилишига ғамхўрлик қилган таржимон. Шу билан бирга, ўзидан ҳеч нарса қўшмаслиги, муаллифни тўлдирмаслиги ва тушунтирмаслиги керак. Бу ҳолат асл матннинг бузилишига олиб келиши мумкин.

2.Ихчамлик.Таржимон кўп сўзли бўлмаслиги, фикрлар энг ихчам ва лаконик (лўнда) шаклда келтирилиши керак.

3.Равшанлик.Таржима тилининг ихчамлиги ва лўндалиги эса ҳеч қачон фикр баёнининг равшанлигига, уни тушуниш қулайлигига зиён етқазмаслиги керак. Идрок қилишни қийинлаштирадиган мураккаб ва ноаниқ бурилишлардан қочиш керак. Фикр оддий ва тушунарли тилда ифодаланиши керак.

4.Адабий. Юқорида айтиб ўтилганидек, таржима тўлиқ таржима қилинадиган тил нормаларига жавоб бериши керак.Таржима жараёнида ҳар -бир ибора жонли ва табиий чиқиши керак, синтактик трансформацияларга асосий эътиборни қаратиш керак.Таржимада синтактик тузилишдаги сезиларли тофовутни ҳисобга олган ҳолда, асл нусханинг ифода шаклини сақлаб қолиш камдан-кам ҳолларда мумкин. [4] Таржимон асар қабул қилувчи тилнинг таржима қилиниш қоидаларига бўйсунган ҳолда алоҳида сўзларни қайта тартиба олишга ёки алмаштиришга мурожаат қилиш керак бўлади. Сўзлар, иборалар бутунлай бошқасига алмаштирилиши мумкин ва хк.з. Бадиий таржимага асосан ана шундай талаблар қўйилади.

Мисол учун, инглиз тилида “sister” сўзининг таржимасини ўзбек тилида опа, сингил маъноларида келиши мумкинлигини биламиз. Бироқ, Advanced English Dictionary online луғатига кўра бу сўз аслиятда роҳиба ҳамда хамшира маъноларида ҳам келади ва у албатта контекстда маълум бўлади.Масалан:

1. A female person who has the same parents as another person.

Eg: My sister married a musician.ўзб: Опам мусиқачига турмушга чиқди.

2. (Roman Catholic Church) a title given to a nun (and use as a form of address) Eg: The Sisters taught her to love God. Ўзб: Роҳибалар унга худони севишни ўргатишган.

3. A female person who is a fellow member of a sorority or labor union or other group. Eg: none of her sisters would betray her: Гуруҳ аъзоларидан ҳеч бири унга хиёнат қилмас эди.

4. (Slang) sometimes used as a form address for attractive young woman. Syn:baby.[1]

Ушбу мисоллар манба тилда гарчи битта сўз билан ифодаланган бўлсада таржимада унинг тўрт хил маъносини эътиборга олишимиз керак бўлади. Бу сўз “опа” деганда бошқа қизларга ва ота-онасининг ўғилларига нисбатан аёл ва қиз ҳамда кейинги маъноси касалхонада ишлайдиган ҳамширага нисбатан мурожаат; сингил деганда опага нисбатан ёши кичик қиз фарзанд тушунилади. Бинобарин, ўзбек тили маданиятида номлари турлича. Аммо инглиз тилида битта “sister” сўзи билан ифодаланади. Мазкур сўз албатта матн контекси мазмунидан келиб чиққан ҳолда мос таржима қилинади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги мисоллардан кўришимиз мумкинки, бир-хил ёзиладиган “sister” контекст мазмунидан келиб чиққан ҳолда, кескин фарқ қилувчи маънони англатаяпти.Таржима жараёнида матн мазмунини англаб етиш учун луғат бойлигига эга бўлиш, муаян сўзнинг маъносини билиш муҳим хисоблансада етарли эмас[2].Аксинча бир хилда келган сўзлар бир –биридан фарқли ўлароқ маънони бериши

мумкин.Шунинг учун ҳам таржимада таъкидлаб ўтганимиздек аниқлик, равшанлик, адабий меъёрларига асосан амалга оширилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Advanced English Dictionary. Online dictionary/ Mobile App.
2. Долимов Ш.З.Таржима саънати ва муаммолари.Тошкент 2009., 21-22бетлар.
3. Pulatova S.Yu. Syntactic Transformations in the Process of Translation of a Literary Work from English into Uzbek. *Miasto Przyszłości*, (2022). *24*, 386-388.
4.http://www.lingvotech.com/iskysstvoperevoda.Об особенностях стихотворного художественного перевода - завтра.

ROOT WORDS WITH THE NAMES OF PLANTS IN COMPARIED LANGUAGES

Abdullayeva N.R. (TerSU)

In English, the root very often completely materially coincides with the stem of the word, and in addition, a large number of English words are monosyllabic. From the point of view of the form of a dictionary unit, first of all, two main groups of lexemes can be distinguished:

a) monolexemic concepts or terms (words, single-word, single-component concepts or terms). Monolexemic lexical units are concepts or terms, the form of which is equal to one word. For example, with the concepts of "plants": *henna - хна, хенна – xina - ҳино lily – лилия – nilufar – савсан, May lily - ландыш майский – May vodiy nilufar - гули барфак (ливондар)-и моҳимай,* etc.;

b) polylexemic concepts or terms (stable phrases, multi-word, multicomponent concepts or terms). Polylexemic terms are units in which the selection of features that characterize the designated object turns out to be subordinate to its integral designation: *dog's cabbage - телигонум, собачья капуста – карам – телигонум, карам; jump-up-and-kiss-me - анютины глазки - гули одамрӯ, бунафшаи фарангӣ,* etc.

The studied language material showed that in terms of their structure, the terms of this industry are subject to the general laws of the language system of the compared languages, are divided into simple, derivative and complex.

It also happens that a word may have not one root, but two, and even three, for example, in English: ***cherry*** *– черешня – gilos – гелос, cherry – вишня – olcha – олуча;* ***allspice*** *- гвоздика пряная – qalampirmunchoq - гули мехак;* ***woundwort*** *- чистец, буквица лекарственная, полын – toq quddusi - хасбех;* ***in Uzbek:*** *navro'zgul - primrose - первоцвет весенний - наврўзгул; qalampirmunchoq - allspice - гвоздика пряная - гули мехак; otquloq - sorrel – щавель – туршак, шилха;* ***in Tajik:*** *: маҷнунбед - willow – ива - bobil toli, majnuntol; обсабзҳои баҳрӣ - nori - морские водоросли - dengiz o'simligi; ҷуворимакка - maize – кукуруза - makkajo'xori,* etc.

All scientific concepts of the considered layer of vocabulary, as well as other words, are formed using the usual methods of word formation, and in this respect the grammatical composition of the concept of "plants" is no exception. And such a group of formations with this concept is represented by a huge number of words. The form of simple non-derivative words has zero inflection, coincides with the stem and root, and they also have more lexical meanings than derivatives and complex ones, and different parts of speech can be formed from them, i.e. by conversion: *a plant – to plant (растение – посадить; o'simlik – ekish; растанӣ - шиондан), a grow – to grow (рост — расти; o'sish - o'sish; нашъунамо— нашъунамо кардан), a care - to take care (забота - заботиться; g'amxo'rlik - g'amxo'rlik qilmoq - нигоҳубин - нигоҳубин кардан)*, etc.

Single-word terms in industry terminology, as a rule, are basic, nominate generic concepts. Generic concepts are concepts that lie at the origins of developing cognitive thinking, i.e. generic concepts characterize the beginning of cognitive activity in a particular branch of knowledge. But

we can divide simple non-derivative words with the concepts of "plants" into lexical topics in English, Russian, Uzbek and Tajik languages, dedicated to edible plants, ***medicinal herbs*** (*woundwort - чистец, буквица лекарственная, полын – toq quddusi - хасбех; spinach – шпинат – ismaloq - эспалоқ; sorrel – щавель – otquloq - туршак, шилха*), ***vegetables*** (*potato – картофель – kartoshka - картошка; tomato - помидор – pomidor - помидор*) and ***fruits*** (*plum – слива – olxo'ri - олу; cherry – вишня – olcha - олуча; peach – персик – shaftoli - шафтолу; apple – яблоко – olma - себ*), ***flowers*** (*daisy - маргаритка многолетная – dastargul - гули марворидак, гули мино; tulip – тюльпан – lola - лола; mimosa – мимоза - mimoza - нозгул*), ***bushes*** (*briar – шиповник – yovvoyi gul - хуч; barberry – барбарис – zirk - зирк*) and ***trees***(*pomegranate – гранат – anor - анор; poplar, popple – тополь – terak - сафедор*), ***leguminous plants*** (*pea – горох - no'xot - нахӯд; bean – фасоль - loviya - лӯбиё; maize – кукуруза - makkajo'xori - ҷуворимакка*), etc.

Of the lexical material we have collected, the overwhelming majority are simple root words, which, from the point of view of the compared languages, seem to be indivisible, i.e. do not have special derivational morphemes (suffixes, prefixes, etc.) and it has the lexical meaning of all related words.

References

1. Gafiyatova E.V. Phytonymic picture of the world (based on the Tatar and English languages) // Bulletin of the Chelyabinsk State Pedagogical University, 2010. No. 4. P. 230-240.

2. Dadajanova I.B. Comparative analysis of demographic vocabulary in English and Tajik languages: diss...candidate...of philology...sciences [Text] // I.B. Dadajanova. - Dushanbe, 2011. - 262 p.

3. Muller V. K. New English-Russian Dictionary. - Moscow, Russian language, 2001.

4. English-Tajik Dictionary. Jamshedov P.J., Rozi Tolib. - Dushanbe, Payvand, 2005. - 1202 p.

БАДИИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ

Йўлдошева М.Б. (ТошДТУ)

Тадқиқодчилар таржима муаммоларини стилистик, лингвистик ва маданий муаммоларга таснифлашади. Стилистик муаммолар уч гуруҳга, яъни лексик-стилистик, синтактик стилистик ҳамда асарнинг турли жанрларнинг стилистик хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларга бўлинади. Лингвистик муаммоларга аслият ва таржима тилларининг фонетик, морфологик, синтактик, лексик ва матнга доир бўлган масалалар киради. Маданиятга доир муаммолар эса аслият ва таржима тиллари соҳибларининг маданияти, урф-одатлари, дунёқараши, олам миллий манзарси, анъана ва маросимларини англатувч тил бирликларида намоён бўлади.

Таржима, хусусан бадиий таржиманинг лингвостилистик хусусиятлари бевосита аслият ва таржима тиллари бадиий матнининг услубий хусусиятлари, аслият матни ва унинг муаллифининг услуби, аслият матнида қўлланган стилистик воситаларнинг таржима матнидаги ифодавийлиги каби масалалар билан боғлиқ.

И.Галпериннинг такидлашича, бадиий матнни таржима қилиш таржимон учун энг мураккаб вазифа ҳисобланади, чунки бадиий нутқ услуби ўзининг қўшимча коннотатив маъноларга эгалиги ва бошқа барча услубнинг белгилари мавжудлиги билан бошқа услубларидан ажралиб туради. Таржимон бу услубнинг ҳар қандай бошқа услуб белгиларидан фойдалилганлигини назарда тутиши, шунингдек, ушбу услубнинг ўзига хос хоссаларини эътибордан четда қолдирмаслиги лозим[1]. Демак, таржима жараёнида ўзга тилга ўгириладиган матннинг услубий хоссаларига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

[1] Гальперин И. Р. Стилистика английского языка / English Stylistics. М.: Либроком, 2018. –С. 210. 336 с.

Бадиий таржиманинг лингвостилистик хусусиятлари деганда аслият ва таржима тилларининг функцинал услублари, хусусан ушбу тиллардаги бадиий услубнинг хоссалари борасидаги ўхшашлик ва фрақли жиҳатлар ва уларнинг таржима жараёнидаги аҳамиятига, шунингдек, бадиий асарда қўлланадиган стилистик воситалар ва уларнинг таржима қилиш статегияларига эътибор қаратишни тушунамиз.

Ўзбек тилининг функционал услублари ҳақида сўз борганда, тилимизда бешта функционал услуб, яъни бадиий, сўзлашув, публицистик, илмий ҳамда расмий услублар мавжуд. Бу услубларнинг тилда қўлланиши борасида ҳар бирининг ўз вазифаларига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Инглиз тилида бешта функционал услуб мавжуд бўлиб, улар бадиий, публицистик, газета, илмий ва расмий услублардан иборат. Бу услублар ўз ўрнида қуйидаги кичик услубий гуруҳларга ҳам бўлинади:

1) Бадиий услуб: а) шеърият тили услуби, б) эмоционал наср тили услуби, в) драма тили услуби;

2) Публицистик услуб: а) нотиқлик тили услуби, б) баёнлар тили услуби, в) газета ва журналлар мақолаларининг тили услуби;

3) Газета ва журналлар услуби: а) қисқача хабарлар ва мулоқотлар тили услуби, б) газета сарлавҳалари тили услуби, в) эълон ва рекламалар тили услуби;

4) Илмий услуби: а) гуманитар фанлар тили услуби, б) аниқ фанлар тили услуби, в) оммабоп илмий асарлар тили услуби;

5) Расмий услуб: а) дипломатик хужжатлар тили услуби, б) бизнес хужжатлар тили услуби, в) қонун хужжатлари тили услуби, г) харбий соҳа хужжатлари тили услуби.

Демак, инглиз тилидаги функционал услубларнинг ҳар бири ўз навбатида яна кичик гуруҳларга бўлиниб, уларда тил бирликларининг қўлланиши жиҳатидан ҳам ўзаро фарқ қилади. Жумладан, инглиз тилидаги публицистик услубда нотиқлик тили, баён этиш тили, газета ва журналлардаги мақолаларнинг ёзилиш учун махсус тилдан фойдаланиш меъёрлари мавжуд бўлиб, ушбу тил услубида қўлланадиган лисоний бирликлар ўз вазифасига эга.

Ўзбек тили бадиий услуб тилнинг коммуникатив ва эстетик вазифалари бирлиги билан бошқа услубга хос унсурлардан кенг фойдаланиши, экспрессив ва тасвирий воситаларнинг кўп ишлатилиши, сўзларнинг образли, кўчма метафорик қўлланиши ва шу каби белгилари билан ажралиб туради. Тил материалини қамраб олиш имкониятининг кенглиги, умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча луғавий бирликларнинг иштирок этиши ва уларнинг муҳим бир вазифага, яъни эстетик вазифани бажаришга хизмат қилишини бадиий услубининг ўзига хос хусусияти деб қараш керак бўлади. Адабий тилда диалектизмлар, жаргонлар, варваризмлардан, дағал сўзлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмагани ҳолда уларни бадиий услубда ўрни билан қўллаш мумкин. Ҳар қайси адабий жанрнинг тасвир усули, сўз танлаш йўсини шу жанрдаги асарнинг умумий мавзусига, жанр турига боғлик бўлади. Масалан, баён шаклида ёзилган роман, ҳикоянинг тил воситалари билан сатирик ёки юмористик асарнинг тил воситалари бир хил эмас. Булардан ташқари, синоним сўзларнинг у ёки бунисидан фойдаланиш ҳам бадиий асар жанрига боғлиқ. Масалан, *башар, само, ораз, мужда* сўзлари, асосан, назмда қўлланади. Насрда ёки сўзлашув нутқида эса буларнинг синонимлари - *одам, осмон, юз, шамол, хушхабар* сўзлари кенг фойдаланилади. Бадиий услубда ёзилган асарларни тасвирий воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Услубий воситалар деб аталувчи тасвир воситалари — инверсия, такрор, ўхшатиш, сифатлаш, метафора, жонлантириш, антитеза, градация, эллипсис, риторик сўроқ сўзлар кабилар бадиий услубда кенг қўлланади[1]. Бадиий услубдаги матнларда қўлланган сўзларнинг хилма-хиллиги юқори бўлади. Бу услубда тил луғат таркибининг барча қатламлари қўлланиши мумкин. Шунингдек, матнда қўлланган сўзларнинг матннинг қайси жанрга мансуб эканлиги, яъни назм ёки насрга боғлиқлигига ҳам таржима жараёнида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

[1] Ўзбек тили стилистикаси Р.Қўнғуров

Инглиз тилининг бадиий услуби ҳақида сўз кетганда, аввало бу функционал услуб бевосита кичик услубий гуруҳларга, яъни шеърият тили, эмоционал насрий асарлар ҳамда драмалар тили услубларига бўлинишини эътироф этиш лозим. Бу бевосита ўзбек тилидан инглиз тилига бадиий асарларни таржима қилишда танланган лексик бирликнинг аслият матнинг жанрига қараб таржима тилида шеърият, наср ёки драмада қўлланадиган вариантига эътибор қаратишни англатади. Ўзбек тилида лексик бирликлар асосан назм ва насрда қўлланишига кўра таснифланса, инглиз тилида эса назм ва насрдан ташқари драма тили ҳам мавжуд эканлиги таржимон томонидан хисобга олиниши лозим.

Инглиз тилида бадиий услуб адабиёт ёки ижодкорлик услуби сифатида оммалашиб, у асосан эстетик функцияни бажаради. Бошқа услублар ахборот берувчи, таълимий, кизиқарли, когнитив ва баҳоловчи характерга эга бўлса, бадиий услуб хиссий, икки маънолилик характерига эга. Хар бир индивидула асарнин ўз муаллифи бўлади ва ушбу услубдаги асарларда сўзлашувга хос сўзлар, шевалар, шунинг бирор фанга оид терминлар ҳам қўлланади.

Бадиий услуб шеърият, наср ва драма асарлари тилининг умумий услуби ҳисобланади[1].

Шеърият тили услубининг асосий хусусиятлари ритм ва қофия фонетик воситалари, кенг тасаввур, синтатик воситалар ва хиссий бўёқдорликка эга сўзларнинг қўлланиши билан характерланади. Бу услубга хос жанрларга баллада, ода, сонет, эпиграммалар киради.

Наср тилнинг оғзаки ва ёзма шаклларининг уйғунлашгани бўлиб, мулоқотнинг икки кўриниши, яъни монолог (ёзувчи нутқи) ва диолог (асар қаҳрамонлари нуқти) мавжуд бўлади. Тадқиқот ишимизга мазкур тил услибининг алоқадорлиги шундаки, тадқиқот объекти ҳисобланган қаҳрамон портретини тавсирловчи тил бирликлари асосан муаллифнинг нутқи ҳисобланади. Шунинг учун таржима жараёнида муаллиф услубининг аҳамиятига ҳам эътибор бериш талаб этилади. Бу борада кейинроқ фикр юритамиз. Насрий асарлар асосан ҳикоя ва роман кабилар ҳисобланади. Тасаввур шеъриятчалик бой бўлмайди. Насрда тилнинг бошқа услубларнинг белгиларини ҳам учратишимиз мумкин.

Драма такрорнинг кенг қўлланиши, содда синтактик қурилмалар, диалогнинг монологик характери каби хусусиятларга эга. Бунда асосан комедия, трагедия, драма каби жанрдаги асарлар ёзилади.

Умуман олганда бадиий услубнинг ўзига хос лингвистик хусусиятлари шундан иборатки, бу услубда яратилган асарларда воқеа-ҳодисалар ўткан замонда баён этилади, сифат сўз туркумига оид сўзлар эстетик тасир ва тасвир учун равиш эса маъно ва идрокни ифода этиш учн кенг қўлланади. Модалликни билдирувчи сўзлар эҳтимоллик, қобилят ва мажбурийлини ифодалаш учун ишлатилади. Бу услубдаги гаплар асосан қўшма ва мураккаб гаплардан иборат бўлади.

Шунингдек, бадиий услубда сўз танлашдаги чегаранинг мавжуд эмаслиги, яъни шевага хос сўзлар, жаргонлар, ҳатто вулгаризм кабиларнинг ҳам кенг қўлланади. Бундан ташқари синонимлар кўп қўлланади. Бадиий тасвирий воситалар кенг қўлланиб, сўзларнинг контекстуал маъноси, ҳатто луғатдан ташқари маънолари ҳам фаол ишлатилади. Демак, таржимон бадиий матнни бир тилдан бошқа тилга ўгиришда аслият матнининг мана шундай лингвистик хусусиятлари ва уларнинг таржима тилида қандай муқобиллари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги борасида ҳам етарлича маълумотга эга бўлиши лозим.

Юқорида такидлаб ўтганимиздек, бадиий таржиманинг ливнгситилистик аспектларидан яна бири, унда қўлланган стилистик воситалар ва уларни таржима қилиш стратегияларидир. Маълумки, бадиий услубдаги матнлар стилистик воситаларнинг фаол қўлланиши билан бошқа услублардан фарқ қилади.

Таржима жараёнида стилистик воситаларни аслият матнидан таржима тилига олиб ўтишда икки тилнинг стилистик воситалари ва уларнинг ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари ҳам муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

[1] HUBÁČEK, Josef – Učebnice stylistika, p. 75

Инглиз ва ўзбек тилларида стилистик воситаларнинг қиёсий тадқиқи Л.Бобохонова[1] ва Ў.Юсупов[2] асарларида батафсил ўрганилган. Мазкур олимлар стилистик воситаларни қуйидаги уч гуруҳга: фонетик, синтактик ва лексик стилистик воситаларга таснифлашган:

-фонетик стилистик воситалар: онометапия, ритм, қофия, алитерация, асонанс ва бошқлар;

-синтактик стилистик воситалар: стилистик инверсия, ажратилган тузилмалар, параллел қурилмалар, хиазм, такрор, эллипсис, санаш, градация, антитеза, полисндетон ва бошқлар;

-лексик стилистик воситалар: метафора, метонимия, киноя, ундов сўзлар, эпитет, оксиморон, антономасия, ўхшатиш, перефраз, эвфемизм, муболаға, аллюзия, зеугма, сўз ўйини ва бошқалар.

Бу каби стилистик воситаларни бадиий таржимада бир тилдан бошқа тилга ўгиришнинг ўзига хос қийинчиликлари шундаки, бадиий матнда қўлланган бирор стилистик восита аслият тили соҳибларининг миллий-маданияи, когнитив хусусиятлари каби омилларга кўра таржима тилида бошқа маънога эга бўлиши ёки умуман стилистик восита англатган маъно ёки тушунча ўзга тилда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бу холларда таржимондан маъно ёки тушунчани ифодал этиш учун янги сўз ёки сўз бирикмасини яратиш талаб этилади. Масалан, ўзбек тилидаги метафора ёки сўз ўйини асосига яратилган матнни таржима қилишда стилистик бўёқдорлик таржима тилида акс эттира олмаслик каби қийинчиикларга дуч келади. Бу ҳолада ижодий таржима методидан фойдаланган ҳолда контекст ва воқеликни акс эттирувчи янги метофора ёки сўз ўйини яратиш талаб этилади.

Бу эса таржиманинг лингвокультурологик аспектига мурожаат этилишига сабаб бўлади.

Хулоса: Шундай қилиб, тил ва маданият бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва таржима жараёнида иккаласини ҳам ҳисобга олиш зарур. Таржимани қандай амалга ошириш кераклиги бўйича аниқ қоида ёки адекват стратегия мавжуд бўлмаса-да, барча таржимонлар аслият ва таржима тилларидаги сўзлар ва тушунчалар ўртасидаги мос эквивалентликни топишга интилади. Бироқ, тегишли эквивалентликни топиш мураккаб жараён бўлиб, бу турли маданий маъноларни бир тилдан бошқа тилга ўтказишни ўз ичига олади ва аслият ва таржима матни маданиятни чуқур билишни талаб қилади. Ларсон тўғри такидлаганидек, “таржимон олдида турган энг қийин муаммолардан бири бу аслият ва таржима матнида маданий жиҳатдан фарқларга доир номаълум бўлган воқеа ва ҳодисаларнинг лексик эквивалентларини қандай топишдир[3]. Бу жараёнда таржимоннинг энг қийин вазифаси икки тил ўртасидаги маданий тафовутларни боғлашдир. Бу маданиятга хос лексик бирликларнинг эквивалентларини топиш учун уларнинг турли хил маданий белгиларига ёки маданиятга хос воқеликларга эътибор беришни ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гальперин И. Р. Стилистика английского языка / English Stylistics. М.: Либроком, 2018. –С. 210. 336 с.
2. Ўзбек тили стилистикаси Р.Қўнғуров
3. HUBÁČEK, Josef – Učebnice stylistika, p. 75
4. Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 140 б.
5. Yusupov U. Contrastive Linguistics of the English and Uzbek Languages. –Т.: “Akademnashr”, 2013. –288 p.
6. (Larson 1998:163)

[1] Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 140 б.
[2] Yusupov U. Contrastive Linguistics of the English and Uzbek Languages. –Т.: “Akademnashr”, 2013. –288 p.
[3] (Larson 1998:163)

ГРАДУОНИМ ТАРКИБЛИ ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ ПАРЕМИОПРАГМАТИКАСИ

Абдуллаева Н. (ЎЗМУ)

Прагматиканинг тил бирликларининг тилдан бевосита оғзаки ва ёзма нутқда фойдаланилганида юзага чиқувчи ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи соҳа эканлиги охирги йилларда бир қанча тилшунослар томонидан батафсил ёритилди (Меу 2001, Levinson 2008, Сафаров 2008). Мақолларнинг прагматик хусусиятлари ва уларни ўрганувчи "паремиопрагматика" соҳаси (Абдуллаева 2020: 59-66), шунингдек, инглиз ва ўзбек халқ мақолларидаги градуонимик муносабатлар, уларнинг турлари ҳамда градуоним таркибли мақолларнинг мазкур икки тилдаги ўзига хос хусусиятлари (Абдуллаева 2017: 297-299) ҳақидаги ишлар ҳам мавжуд. Ушбу мақола ўзбек халқига тегишли мақоллар таркибидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик хусусиятларини батафсил кўриб чиқиш ва сўнгра уларнинг ўзига хос паремиопрагматик хусусиятларини аниқлашга бағишланган.

А: «Эҳҳ, қанча ҳаракат қилсам ҳам қайнонимнинг кўнглини ҳеч тўлдира олмаяпман. Куни билан тик оёқда уйларни тозаладим, овқат тайёрладим, меҳмонларни кутдим, идишларни йиғиб ювдим. Шундаям бир оғиз яхши гап гапирмадила менга, фақат уришадила... Нима қилсам экан? Ўйлайвериб сиқилиб кетдим.»

Б: «Ҳа қийин, қийин. Кўп сиқилаверсанг, соғлигингни йўқотасан. Бир кун минг кун эмас. Бугунги кун тугасин ўз уйингга бориб дам оволасан. Тўйдан кейин унданам яхши бўлади, янги келин келса, қайнонанг янги келин билан бўлиб сен билан иши бўлмай қолади.»

Ҳаётий оғзаки мулоқотдан олинган ушбу парчада Б шахс А шахсга А шахснинг баён этаётган муаммоли ҳолатида унга маслаҳат ва таскин бериш мақсадида ўз нутқида миқдорни англатувчи градуонимик муносабатни ўзида акс эттирган мақолни қўлламоқда. Ушбу ҳолатда *Сабрнинг таги – сариқ олтин; Сабрли қул муродига етар; Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши – ёруғ* каби сабр-тоқат ва чидам ҳақидаги мақолларни қўллаш ҳам мумкин эди. Лекин ушбу вазиятдаги муаммоли ҳолат айнан бир кун давом этиши (бунда *бир кун* мулоқот содир бўлаётган кунни назарда тутган ҳолда, замон дейксиси бўлиб келмоқда), кейинги кунларда А шахснинг вазияти ўзгариши (қайнонасининг уйидан ўз уйига қайтиши, қайнонасининг уйига янги келин келиши), *минг* градуоними «жуда кўп» мазмунига нисбатан метафора бўлиб келиши, Б шахс ўз нутқининг лўнда ва таъсирчан бўлишига интилиши, шунингдек, ушбу мулоқот норасмий ҳолатда амалга оширилаётгани ҳамда мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мақоми деярли тенг эканлиги бу мулоқотда Б шахснинг *Бир кун минг кун эмас* мақолидан фойдаланишининг семантик ва прагматик жиҳатдан ўринли бўлганини исботловчи омиллардир.

А: «Кузнинг келишини ёзда белгила. Бу йилги ёз анчагина иссиқ бўлди, кузда ҳосил яхшигина бўлса керак. Бу йил ҳосилни ҳар йилгидан эртароқ йиғишни бошлаб, тезроқ тугатамиз.»

Б: «Хўп бўлади, айтганингиздек қиламиз.»

Мазкур диалог ҳам ҳаётий дискурсдан олинган парча бўлиб, унда А шахс ўз интенциясининг баёнини таркибида циклик градуонимик муносабатни (*қиш → баҳор → ёз → куз*) сақлаган мақол билан бошламоқда. Бу билан адресант ўз нутқининг бошидаёқ адресат(лар)ига у(лар)нинг ушбу вазиятда айнан нимага асосий эътиборни қаратиш лозимлигини уқтирмоқда. Ушбу вазиятда адресант – А шахснинг ижтимоий даражаси ва эгаллаган лавозими унинг адресат(лар)идан бирмунча юқори эканлиги мақолнинг грамматик шакли (*белгила*)дан ҳам англашилиб турибди. Аввалги контекстда миқдорни англатувчи градуоним замон дейксиси бўлиб келган бўлса, бу контекстдаги *куз* ва *ёз* циклик градуонимлари ушбу дискурс воқеаланаётган йилнинг ёзи ва кузини назарда тутган ҳолда, ушбу градуонимлар ҳам замон дейксиси вазифасини бажармоқда.

Қуйидаги келтирилган контекстда қўлланилган мақол таркибидаги градуонимиянинг ҳам циклик, ҳам уникал турига мансуб бўла олувчи *бомдод → пешин → аср →*

шом/намозшом → хуфтон даражаланиш қаторининг градуонимлари *бомдод* ва *хуфтон* ҳам замон дейксиси вазифасида келмоқда:

А: «Ҳалиям ухлаяпсанми? Тезроқ уйғониб ишларингни қилсангчи. Бомдодда бошланган иш хуфтон бўлмай битади.»

Адресантнинг контекстдаги коммуникатив интенцияси адресатни уйғотиш бўлгани учун, у уйғониш вақтини айнан мақолдаги градуонимлар орқали таъсирчан йўл билан ифодаламоқда. Яъни *бомдод* уникал градуоними семантик жиҳатдан «қуёш чиқишидан бироз аввалги вақт»ни англатса, ушбу контекстда замон дейксиси вазифасини бажараётган ушбу градуонимнинг прагматик мазмунидан англашиладики, мулоқот жараёнидаги вақт тонг эмас, балки қуёш чиқиб кун ёришган. Шунингдек, мақол таркибидаги иккала градуоним ҳам «эрта» маъносини билдириб, унинг прагматик импликатураси қуйидагича: «эрта туриб, ишингни эрта бошласанг, эрта битирасан, кеч бошласанг, ишинг ҳам кеч битади ёки белгиланган вақтда улгурмайсан».

А: «Ҳой, менга қаранг намунча эрингиз билан тортишаверасиз, қўшни? Ҳар куни овозинглар баланд-баланд эшитилади. Икки ёрти – бир бутун бўлиб, тинч яшасайлар бўлмайдими?»

Б: «Сиз билмайсизда қўшни, эрим яхши топмайдила, топганлари болларнинг қорнини тўйғазишга ҳам етмайди. Кўпроқ пул келадиган ишга ўтинг десам, «ўзимнинг ишим ўзимга ёқади» деб тураверадилар.»

А: «Ундай бўлса, сиз эрингиз топган пулларни тежаб-тергаб, фақат керакли нарсаларга ишлатинг. Шунда рўзғоризда барака бўлади. «Аёл сўм қилар, эркак – чақа» деб бекорга айтишмаган, айланай.»

Оғзаки мулоқотдан ёзиб олинган ушбу парчани прагматик жиҳатдан қуйидагича таҳлилга тортамиз: 1) ушбу контекст матннинг боши эмас, охири ҳам эмас, мулоқот қатнашчиларининг суҳбати ҳали тугамаган; 2) мулоқот қатнашчилари бир-бирига қўшни бўлган ва бир-бирини яхши танийдиган аёллар; 3) А шахснинг ижтимоий мақоми ноаниқ, Б шахс – уй бекаси (уларнинг ёши тенг ёки А шахснинг ёши Б шахсникидан катта); 4) А шахсда Б шахсга Б шахснинг оиласидаги нотинч ҳолатни қўшнилар ҳам эшитишаётгани ҳақида маълумот бериш интенцияси мавжуд; 5) А шахс Б шахснинг оиласидаги вазиятни салбий баҳоламоқда; 6) Б шахсда мазкур нотинч ҳолатнинг сабабини А шахсга тушунтириш интенцияси мавжуд; 7) Б шахсда А шахснинг муаммоли вазиятини яхшилаш учун маслаҳат бериш орқали А шахсни мазкур муаммони ечишга ундаш интенцияси мавжуд.

Бу матнда градуоним таркибли икки мақол қўлланилган бўлиб, биринчиси (*Икки ёрти – бир бутун*)нинг таркибида ҳам миқдорни англатувчи градуонимияни, ҳам уникал градуонимия (*нимчорак → чорак → ярим/ёрти → бутун*)ни сақлайди. Мақолнинг ушбу мулоқотдаги контекстуал мазмунида «А шахс ўз эри билан бир ёқадан бош чиқариб, келишиб, аҳилликда яшаши керак» импликатураси мавжуд. Мақол таркибидаги мазкур градуонимик муносабатлар биргаликда шахс дейксиси вазифасини бажармоқда.

Матндаги иккинчи мақол (*Аёл сўм қилар, эркак - чақа*) таркибида эса *сўм/танга → чақа/тийин → мири* уникал градуонимик қаторининг аъзолари қатнашган бўлиб, унинг мазмунида ўзбек оиласига хос одатлардан бири ўз ифодасини топади, яъни ўзбек оиласида эр оиласи учун меҳнат қилиб пул топади, хотин эса эрининг топиб келган пулини ўз рўзғори учун тежаб ишлатади, шу сабабли аёл киши эрининг пулини рўзғордан орттириб каттароқ миқдордаги пулни йиғиб қўйиши ҳам мумкин. Мақолнинг ушбу ҳолатдаги контекстуал импликатураси қуйидагича: «агар сиз уй бекаси сифатида эрингиз ишлаб топиб келган оз пулни тежаб, ўз ўрнида керакли нарсаларга сарфласангиз, пулнинг баракаси бўлади ва кўп нарсага етади». Мақол таркибидаги *чақа* градуоними ушбу вазиятдаги аёлнинг эри топиб келаётган кам пулни билдириб келмоқда, *сўм* эса аёл тежаб ишлатса, ўша пул кўп нарсага етиши ва баракали бўлишини назарда тутмоқда. Ушбу градуонимлар ёрдамида мақол бу контекстдаги ҳолат учун дискурс дейксиси бўлиб келмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, ўзбек халқ мақоллари таркибидаги градуонимик муносабатлар ўша градуонимик муносабат ётган мақолнинг турли мулоқот

вазиятларидаги контекстуал мазмунига сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, ушбу мақолнинг прагматик салоҳиятини белгилаб беради. Мақол таркибидаги градуонимик муносабатларнинг ҳар бир тури мақолнинг мулоқот жараёнида кучли таъсирчанлик ва ифодавийликка эга бўлиши, нутқий акт ва инференция (пресуппозиция, экспликатура, импликатура)ни ифодалаши, контекст трансакциясида алоҳида ўрин эгаллаши, дейксис вазифасини бажариши ҳамда у орқали адресантнинг интенциясини адресатга қисқа ва лўнда етказиб бериши каби лингвопрагматик жиҳатларини ошириб беришга хизмат қилади. Ушбу ҳолатлар градуоним таркибли мақол қўлланилаётган мулоқот жараёнида чоғиштирилаётган ҳар икки тил учун ўзига хос хусусиятларни намоён қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева Н.Э. Инглиз тилидаги градуонимик муносабатларга эга халқ мақоллари ва уларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари // ЎзМУ хабарлари. –2017. – №6. – Б. 297-299.
2. Абдуллаева Н.Э. Инглиз ва ўзбек халқ мақолларининг лингвопрагматик хусусиятлари // Хорижий филология. – 2020. – №4 (77). – Б.59-66.
3. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Т., 2008. – 318 б.
4. Levinson S.C. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2008. – P. 151.
5. Mey J.L. Pragmatics: An Introduction. 2nd ed. – Oxford: Blackwell, 2001. – 392 p.

ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАРДА АДАБИЁТ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

Ибрагимова Д.И. (ЧирДПУ)

Шиддатли билан кечаётган технологиялар асри кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Шу аснода, инсоният ва жамият ривожининг асоси саналмиш илм-фан тараққиёти ҳам янги ўзанга тушиб бормоқда. Анъанавий фан соҳалари замонавий дунё вакилларининг оламни англашга бўлган эҳтиёжини қондира олмаётган бир пайтда, соҳалараро интеграциялар ҳамда янги замонавий фанлар юзага келиши кузатилмоқда. Умуман олганда, барча фанлар чорак аср олдинги моҳиятини ўзгартириб, янгича дунёқараш талаби билан янгича аҳамият касб этиши лозим бўлган мураккаб вазият юзага келган. Айни шу паллада юртимизда адабиёт фани ва уни ўқитишни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келади. Техника ва компьютерлаштириш замонида бадиий адабиётнинг таълимдаги етакчилик ўрнини сақлаб қолиш учун нималар қилиш керак? Юртимизда адабиёт ва уни ўқитишга доир тадқиқотлар қандай долзарб масалаларни қамраб олиши лозим? Мақолада шу каби саволлар ва дунё миқёсида адабиётнинг ўқитилишига доир кузатишларимизга тўхталамиз.

Қадимги дунё илмларидан бири бўлмиш адабиёт инсоният камолотидаги муҳим ўрни боис ҳануз долзарблик касб этиб келмоқда. Бироқ фанлараро интеграциялар натижасида адабиётнинг тарбияловчи, инсоният ва табиат ҳақида билим берувчи функцияларига қўшимча равишда дунёқарашни кенгайтириш, танқидий фикрлашни ўргатиш эгаллаб бормоқда. Бугун дунё мамлакатлари таълимида бадиий адабиётни ўқитиш, қандай асарларни ўқитиш ва қай тарзда ўқитиш лозимлиги борасида мунозаралар кузатилмоқда. Мавзуга доир тўпланган маълумотлар қиёсий метод ҳамда структурал ёндашув асосида тадқиқ этилди.

Маълумки, мустақилликкача бўлган давр адабиёт ўқитиш тизими Совет ҳукумати талабига мувофиқ ташкил этилди. Бу даврда дарслик ўқувчи учун ягона билим манбаи ҳисобланди. Адабиёт дарсликда берилган маълумотни ўзлаштириш ва уни қайта ҳикоялашдан иборат бўлиб қолди. "Ўқитувчи ва ўқувчилар асарни "нотўғри" талқин қилмаслиги учун асарларнинг "тўғри" таҳлили дарсликларда бериладиган бўлди, деб ёзади ўқув дастурларини тузиш, педагогика ва таълим жараёнларини баҳолаш бўйича мутахассис Комил Жалилов. Олимнинг қайд этишича, Россия, Украина сингари айрим давлатларда адабиётни ўқитишга бундай

ёндашувдан воз кечилган. Бироқ, афсуски, бизда бу методика сақланиб қолмоқда ва адабиёт дарсликлари ҳам шу ёндашув асосида яратилмоқда. Натижада инсонни тарбиялаш, фикрлашга ўргатиши керак бўлган адабиёт дарслари аксар ҳолларда "адиблар ва асарлар ҳақида маълумотлар" дарсига, кимнингдир асар ҳақидаги фикрини ёд олиш ва қайтариш дарсига айланиб қолмоқда [1].

Адабиёт дарслари ёшларнинг ғоявий, ҳиссий ва ахлоқий тарбиясида қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

- Ўқувчини атрофдаги олам ва жамиятнинг барча соҳалари билан таништиради. Ёш китобхонни, айниқса, маданий жараёнга жалб қилиш жуда муҳим. Бу ўқувчининг шахс сифатида шаклланишига, ўзини жамиятнинг бир бўлаги сифатида ҳис этишига, асосий назариялар, ғоялар, муносабатлар, тизимнинг бутун яхлитлигини англашига ёрдам беради.

- Адабиёт бадиий воқеълик асосида ҳаётий тажриба тўплашга ёрдам беради ва ўсмирларга қийин вазиятларда тўғри ҳаракат қилишни ўргатади. Мутолаа давомида ўқувчи китоб қаҳрамонлари билан бирга яшайди, уларнинг хатоларидан сабоқ олади, келажакда дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни ўрганади. Албатта, асардан олинган билимлар ҳаётий тажрибанинг ўрнини боса олмайди, лекин ўқувчи дуч келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятлар ҳақида хабардор бўлади ва уларга қисман тайёрланади.

Китоб ўқиш инсонни маънавий жиҳатдан юксалтиради ҳамда ундаги эстетик туйғуни ривожлантиради. Бадиий асар ўқиган ўқувчи онгида китоб ва ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни эстетик жиҳатдан идрок этиш қобилияти шаклланади. Фикрлаш қанчалик кенг бўлса, оламни англаш қобилияти ўзини ёрқинроқ намоён қилади. Биз руҳий жиҳатдан ривожланганимиз сари ташқи дунёнинг гўзаллигини ҳис қилиш қобилиятимиз ҳам ўсиб боради.

Ўқиш нафақат ёзувчининг фикрлари, ҳис-туйғулари ва кечинмаларини тушуниш учун, балки тасаввур қилиш қобилиятини ўстириш учун ҳам зарурдир. Бу бизни одамларнинг фикрларини қабул қилишга ва ўз хулосаларимизни чиқаришга ўргатади.

Қисқаси, адабиёт ёшларда ҳаёт учун зарур учта муҳим кўникмани шакллантиради:

1. *Ижтимоий ва ҳиссий жиҳатдан жамиятга мослашган авлодни тарбиялаш;*
2. *Уларга ҳаётий тажрибани тез суръатлар билан олиш имконини бериш.*
3. *Ахлоқий ва эстетик дидни тарбиялаш.*

Адабиёт фанининг бугунги кундаги вазифалари ниҳоятда долзарб ва кенг кўламли. Бу эса, ўз навбатида, мутахассислар олдига адабиёт ўқитиш жараёнини янги талабларга мослаштириш масаласини қўяди.

Умумтаълим мактабларида адабиёт дарсларини шакллантириш даставвал муаллиф ва бадиий асар танлаш муаммосини юзага келтиради. Ривожланган мамлакатлар тажрибасида адабиёт дарслари учун бадиий асар танлаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- Асар ўқувчининг ёш ва фикрлаш доирасига муносиб бўлиши;

- Адабиётшунослар томонидан юқори баҳоланганлиги;

- Ўқувчининг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари шаклланишига ёрдам бериши;

- Ахлоқий ривожланиш, ижтимоий ва ҳиссий жиҳатдан жамиятда ўзини тутиш меъёрларини шакллантиришга ёрдам бериши;

- Олам ва одамнинг яратилиши, ҳаёт мазмуни ва киши мавжудлигининг моҳияти тўғрисида тасаввурларни шакллантириши;

- Танқидий фикрлаш ва мунозарага киришиш кўникмасини ривожлантириши.

Умумтаълим мактабларида ўқитиладиган бадиий асарларни ушбу мезонлар асосида шакллантириш адабиёт дарсларининг самарали бўлишига, шунингдек, ўқувчиларнинг келажак ҳаётга руҳий ва ҳиссий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўришларига имкон яратади.

Дунё мамлакатлари таълимида бадиий асар танлаш жараёни турли тарзда амалга оширилади. Айрим ривожланган мамлакатлар умумтаълим тизимида ўқитилиши лозим бўлган бадиий асарларнинг ягона рўйхати йўқ ва ҳар бир педагог ўқитиши лозим бўлган бадиий асарларни ўзи танлайди. Бундай мамлакатларда ўқитувчи томонидан таклиф этилган асарлар мактаб кенгаши ҳамда ота оналар томонидан муҳокама қилинади ва ўзаро келишилган ҳолда иш режаси тасдиқланади. Бу каби ташаббус сўнгги йилларда рус педагоглари томонидан ҳам тез-тез тилга олинмоқда. Адабиётшунос ва педагог Надежда Шапиро узоқ йиллик педагогик тажрибасига асосланиб "Болалар ва матнлар: Рус тили ва адабиётини ўқитишга доир очерклар" номли тадқиқотида *ўрганилаётган муаллифлар рўйхати тор доирада тасдиқланса-да, шеър танлаш педагогнинг ўзида қолиши керак, деган фикрни илгари сурди*[2]. Педагог олима ўз асарларида адабиёт ўқитишни анъанавийликдан эркин ижодкорлик сари йўналтириш масаласини тарғиб этади.

Юртимизда адабиёт таълимини ривожлантириш мақсадида жаҳон тажрибаларига таяниб янги авлод адабиёт дарсликлари яратилмоқда. Мазкур дарсликлардаги ўқувчиларни мутолаа ва мушоҳададан ташқари ишлаб чиқаришга оид тадқиқотлар билан шуғулланишга йўналтириши, шунингдек, бадиий асарларнинг теле ва саҳна кўринишлари билан танишиш, турли санъат намуналарини солиштириб амалий хулосалар чиқариш имкониятини эътироф этиш лозим. Шунга қарамай, адабиёт дарсликлари учун бадиий асар танлаш тор доирада амалга ошириб келинмоқда. *Умумтаълим мактаблари учун бадиий асар танлашда махсус мезонларни ишлаб чиқиш, таълим ривожланган мамлакатлар анъаналарини ижодий ўзлаштириш адабиёт дарсларининг самарали бўлишига ҳамда ёшларнинг ижтимоий ва ҳиссий жиҳатдан жамиятга мослаштирилган авлод бўлиб камол топишига имкон яратади.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. http://marifat.uz/marifat/ruknlar/umumii-urta-talim/1402.htm

[2]. Надежда Шапиро «Дети и тексты: Очерки преподавания литературы и русского языка». Москва, Издательский Дом ВШЭ, 2020 г.

[3]. Ўзбекистонда дарсликлар тайёрланиши, чоп этилиши ва қўлланилиши соҳасини тартибга солувчи сиёсат таҳлили. Тошкент: 2020.

[4]. Мавлонова К. М. Она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш. Педагогика ф.ф. док.(phd) дис. автореферати Тошкент: 2019.

[5]. Щеголева О. В. Роль книги в жизни ребёнка / О. В. Щеголева. — Текст : непосредственный // Актуальные вопросы современной педагогики : материалы VI Междунар. науч. конф. (г. Уфа, март 2015 г.). — Уфа : Лето, 2015. — С. 91-94. — URL: https://moluch.ru/conf/ped/archive/148/7348/ (мурожаат қилинган вақт: 28.10.2022).

ИЛМИЙ ДИСКУРСДА ЭМОЦИОНАЛ-ЭКСПРЕССИВЛИКНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Очилова Н.Н. (СамДЧТИ)

Илмий матнда ишонтириш мақсади рационал (оқилоналик) ва эмоционал усуллар татбиқида амалга оширилиши мумкин. Албатта, илмий матн мундарижаси кўпроқ рационалликка мойил ва шунинг учун ҳам рационал усулга асосий жой ажратилади. Ушбу усул фаоллашувида асосий эътибор билдирилаётган фикрни асословчи воситаларга қаратилса, эмоционал воситалар қаторига эса далиллаш ҳаракатини тўлдирувчи риторик амаллар киради.

Айтиш жоизки, “риторик амаллар” қаторига турли кўринишдаги лисоний ҳодисалар киритилади. Улардан баъзилари илмий баён тўқимасига батамом сингишган ҳолда унинг асосий қисмини ташкил қилади. Бошқаларининг пайдо бўлиши ихтиёрий характерга эга ва муаллифнинг индивидуал услуби билан боғлиқ. Илмий матннинг таъсир қиймати асосан унинг мазмунидан жой олган ахборот кўлами билан ўлчанса-да, лекин мулоқот самараси учун ушбу ахборотнинг энг мақбул усулда ифодаланиши мақбул.

Риторик амалларнинг ҳаракатланиш манбаси лисоний воситалардан иборат. Илмий–техникавий матнлар риторик тузилишини ўрганган Ю.Н. Карманованинг таърифича, риторик амал “матнда нафақат фикрни ифодаловчи балки унга таъсир кучини берувчи воситадир” (Карманова 1993: 173). Шу йўсинда, ҳар қандай риторик амал маълум турдаги ахборот ташувчиси бўлган сўзлар ва бошқа лисоний бирликларнинг коммуникатив фаоллашувини таъминлайди. Лекин матн риторик элементлари ташийдиган ахборот турли мундарижага эга бўлади.

Машҳур итальян семиотиги Умберто Эко риторик воситаларнинг информативлик ва меъёрдан ортиқликнинг диалектик яхлитлигини ташкил этишини кўрсатиб ўтган эди. Ушбу воситалар, бир томондан, аллақачон маълум бўлган ҳодисалар ҳақида хабар берса, бошқа томондан, мазкур ҳодисани янгича шаклда намоён қилади ва бунинг билан дискурснинг

ишонтириш имкониятини оширади. Риторик воситалар янги мазмун яралишига туртки беради (ЭКО 1998: 78). Нутқий ҳаракат нуқтаи назаридан қараганда ушбу структуралар узатилаётган ахборотни қабул қилишни енгиллаштириш хизматини ўтайди. Шунга биноан, прагматик вазифа бажаришга мўлжалланган ҳар қандай воситани риторик амаллар қаторига киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Замонамиз мураккаб ахборот тизимидан иборат эканлиги биламиз. Аммо инсон ҳаётини илмий–техникавий ва ахборот технологиялари тараққиёти билан чегаралаб бўлмайди. Инсон учун истаклар, ҳиссиётлар ва баҳолар олами ҳам ўта муҳим.

Инсоннинг бу икки олами, яъни ташқи ва ички олами бир–бири билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг бири кечираётган ўзгариш албатта иккинчисига ўз таъсирини топади. Ҳаёт динамикаси, ундаги беқарорлик ва ўзгаришлар инсон ички дунёсида ва унинг нутқий фаолиятида ўз аксини топмасдан қолмайди.

Илмий нутқ экспрессивлиги билан муаммоларнинг ечимини излашдаги қийинчиликлар, бизнинг назариямизда, уларнинг экстралингвистик асосларининг етарли даражада ёритилмасдан келаётганидадир. Кўп маротаба айтилганидек, илмий дискурсни, одатда, объектив, эҳтироссиз кечишини илмий тадқиқот асосида реал борлиқни, нарса–ҳодисаларнинг объектив ҳолатини ўрганиш мақсади ётиши билан изоҳланади. Илмий мулоқот жараёнида экспрессивликнинг тутган ўрни, мавқесини аниқлаш учун илмий тафаккур табиати, илмий ижод фаолиятининг туб хусусиятлари, ушбу жараёнда режалаштирилаётган коммуникатив вазифалар билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Шунингдек, экспрессив–эмоционал унсурларнинг илмий нутқда фаоллашув сабаблари тўғрисида фикр юритаётиб, юқоридагиларга ўхшаш сабабларини санаб ўтишнинг ўзи кифоя эмас. Бир турдаги лисоний воситалар турли матнларда қўлланаётиб, бошқа–бошқа шаклларни ҳосил қилиши ва турли вазифаларни бажариши мумкин. Вазифалар ижросидаги турли–туманлик, одатда, мулоқот мавзуси, унинг кечишини таъминловчи омиллар билан боғлиқ. Оқибатда, экспрессивлик ҳам ҳар бир матнда ўзига хос равишда воқеланади. Шунинг учун ҳам воситалар мундарижасидаги мазмуний силжишларни кузатишдан кўра уларнинг у ёки бу контекстда фаоллашув хусусиятларини аниқлаш муҳимроқ кўринади.

Хуллас, илмий матннинг экспрессивлиги нутқий тузилманинг мазмун– мундарижаси унсурларини алоҳида таъкидлаш, эмфатик ажратиб кўрсатиш йўли билан баённинг ишончли ва аниқ бўлишига эришиш, ўқувчининг диққатини жалб қилиш, уни (диққатни) мазмуннинг муаллиф учун муҳим бўлган қисмларига тортиш ҳамда шу йўсинда маълум қилинаётган илмий фикр, ахборотни ўзлаштиришни енгиллаштириш каби вазифаларни бажаради. Экспрессивликнинг илмий матнда ифодаланиши коммуникатив ҳарактерга эга. Айтилганлардан экспрессивлик илмий матннинг асосий кўрсаткичларидан бўлиб, мавҳумлаштирилган, аниқ, мантиқий асосга эга бўлган фикрни воқелантириш учун хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бунге М. Интуиция и наука. – М.: Прогресс, 1997. – 187 с.
2. Глушко М.М. Организация научного текста в свете системности его прагматических семантических и синтактических характеристик // Лингвостилистические исследования научной речи. – М.: Наука, 1979. – С. 224-244.
3. Карманова Ю.Н. Интенциональная сущность риторической организации научно – технических текстов // Понимание менталитета и текста. –Тверь, 1995. – С. 172-178.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТОПОНИМЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА СЕМАНТИКАСИ

Хайитова Ф.А. (ТерДУ)

Шаҳар, қишлоқ, овул ва бошқа аҳоли пунктларини ўрганиш ойконим дейилади. Кичик ва катта шаҳарлар бўлиб, йирик аҳоли пункти ҳамда кичикроқ аммо, иқтисодий, маъмурий ва маданий марказлардан иборатдир. Шаҳар сўзи маъноси санскритча *«давлат», «мутлақ ҳокимнинг қароргоҳи»* маъносини англатади. Қадимда ҳар қандай йирик аҳоли пункти, хусусан шаҳар атрофи девор, ҳатто ичма-ич икки қават девор билан ўралган эди. Ички шаҳаминг (Хоразмда Ичан қалъа) — шаҳри дарун, ташқи шаҳар (Хоразмда Дишан қалъа)— шаҳар берун дейилиши шундан.

Қадимги турк тилида шаҳар —балиқ тушунчаси ойконим дейилган. Маҳмуд Кошғарий туркий тилда *«шаҳар»* номига *кенд* сўзи ишлатилишини, аммо ўғиз қабиласи вакиллари *кенд* деганда қишлоқни тушунишган, ҳозир ҳам ўғиз гуруҳига кирадиган озарбойжон тилида қишлоқ номларига *кенд* сўзи ишлатилади.

Қишлоқ деганда кичикроқ аҳоли пункти тушилади. Қишлоқ яъни «қишланадиган жой» маъносида бўлиб, яйлоқ (яйлов) —«ёзда туриладиган жой» сўзининг аксидир.

Т.Нафасов ўзининг луғатида Жанубий Ўзбекистан аҳоли пунктлари (шахар, қишлоқ, маҳалла, гузар, кўча), сувликлари (дарё, сув омбори, жилға, кўл, ариқ, ҳовуз), ёр юзалари (тоғ, чўққи. тепа, адир, дарё, сой, дашт, турли баландлик ва жой) номлари каби 5 мингдан ортиқ топонимларни ўз ичига олади. Миллий ва ўзга тиллардан кирган топонимларнинг маъно ва морфологик тузилишини аниқлашда улар турли региондаги туркий ва бошқа тиллардаги топонимлар билан таққосланган [1, 3 б].

Пероно Сассиафого ўзининг тадқиқодларида Бистагно ва Сессаме Италиянинг шимоли-ғарбий қисмида, Пиедмонтда, ҳозирги Александрия ва Асти провинциялари чегарасида жойлашган топонимларининг масофавий номлаш жараёни ва топонимик стратиграфиясини қайта қуриш, олдинги талқин ва фаразларни ҳисобга олган ҳолда икки топонимнинг тарихдан олдинги келиб чиқишини тиклашда улар учун иккита янги этимологик реконструкцияни таклиф қилган. Шунингдек, ушбу икки топонимга хос парэтимологияларни ажратиб кўрсатган [2, 57-67 б].

Қ.М.Ҳакимов ўзининг илмий тадқиқот ишларида Жиззах вилоят топонимияси илк бор ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатдан комплекс тарзда ўрганган, биринчи маротаба вилоят топонимиясининг стратиграфик қатламларини аниқлаган, илк бор вилоят топонимиясининг семантик классификациясини таклиф қилган; минтақа ойконимлари таркибида этнонимларнинг ўрни ва уларнинг ҳудудий жойлашиш қонуниятларини таҳлил қилган; аҳоли пунктларини номлаш бўйича илмий тавсиялар ва хулосаларни баён қилган, минтақа ойконимларига доир махсус хариталар ишлаб чиқган; ўрганилаётган ҳудуднинг аҳоли пунктлари номлари ҳақида маълумот келтирган [3, 5 б].

Н.Б.Султанова., Ф.Р.Сайдаматов ўзларининг илмий тадқиқот ишларида география фанида ҳудуд номларини асосий тушунчалардан бири бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб ўрганиб бўлмайди деб таъкидлаган. Шу муносабат билан узлуксиз таълим структурасида география дарсларида топонимик атамалардан фойдаланиш зарурлигини география дарсларида географик номлардан фойдаланиш ҳақида ёритган [4. 85-89 б].

Ш. Турдиқулов ўзининг илмий изланишларида топонимлар орасида лингвистик ва маданий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи теотопонимларни ўрганган. Теотопонимлар ўзбек топонимикасида илмий объектларга тегишли эмаслигини, бошқа сўзлар билан айтганда, теотопонимлар тушунчаси жаҳон тилшунослигида ҳам деярли номаълум манба ҳисобланишини таъкидлаган. Кўп ҳолларда теотопонимлар некронимлар билан чалкашиб кетади, теотопонимлар ўрнига реал одамларнинг номларидан олинган жой номлари, шунингдек, этник ва аҳамиятли афсоналардан тузилган топонимлар учрашини аниқлаган. Масалан, Хоразм топониминиг келиб чиқиши ва Сурхондарё вилоятидаги Амударё

соҳилида жойлашган Пайғамбар оролининг этимологияси ўртасида сезиларли хилма-хиллик мавжудлигини кўрсатган [5.137-140 б].

М.Т.Миракмалов., А.С.Солиев ўзларининг илмий тадқиқодларида мамлакатимиздаги кўпгина географик объектларнинг номларини ўрганиш, уларни номлаш ва қайта номлашга тегишли таклифлар киритиш, тавсия этилаётганн номларни географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан давлат экспертизасидан ўтказиш, ушбу масалаларни ўрганиш жараёнида географик объектларнинг тарихий маданий мерос, халқимизнинг маънавий этник қадриятлари билан боғлиқ номларни асраш, уларнинг асоссиз қайта номлашнинг олдини олиш, географик объектларни ўзбек халқининг миллий, маданий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар билан қайта номлашга ва уларга ном беришга йўл қўймаслик каби масалаларга алоҳида урғу берган. Зеро, ўлкамиздаги географик объектларнинг номлари, уларнинг маъноси, келиб чиқиши ва умуман топонимикага оид маълумотлар узоқ ўтмишга эга эканлигини таъкидлаган [6.3б].

Л.К.Жукова, Н.С.Смирнова ўзининг тадқиқотларида топографик номларни таснифлашга асосланган оғзаки белгиларнинг семиологик синфларини алоҳида ажратиб курсатган. Топографик номларга тааллуқли индивидуаллаштирувчи функция денотатив характерга эгалигини бироқ, социолингвистик характерга эга бўлган топографик номларнинг полифункционаллиги ҳодисасига зидлигини таъкидлаган. Шимолий Америка қитъасида географик номларнинг кўп функционаллиги жуда кенг тарқалган ҳодиса эканлигини, хусусан, полисемия - давлат, шаҳар, туман, дарё номи билан бир хил бирликнинг ишлашини ва микротопонимнинг бир қисми сифатида АҚШ топонимиясининг ўзига хос хусусиятларини исботлаган [7. 1-5 б].

Е.О.Леонович., О.А.Леонович ўзларининг қўлланмасида АҚШнинг 20000 га яқин жой номлари (топонимлари)ни тўплаган ва таҳлил қилган. АҚШнинг географик муҳити ва тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда АҚШ топонимик тизимининг хусусиятларини кўриб чиқган [8. 298 б].

М.А.Турсунова ўзининг илмий тадқиқот ишларида Сурхон воҳасидаги аҳоли пунктларини тизимли таҳлил қилган. Сурхон воҳаси микротопонимик материали асосида тожик тилшунослигида биринчи марта микротопонимларнинг тузилишини ўрганган. Бундан ташқари, мазкур илмий тадқиқотида аҳоли пунктлари, сув ҳавзалари, фитопонимларнинг кенг қамровли лингвистик тадқиқи бўлиб, бу ерда топонимларнинг шаклланиш турларини ва усулларини кўриб чиқган, бу борадаги таълимотларни аниқлашга ҳаракат қилди. Қадимги топонимларнинг этимологиясини, лексик-семантик турларини семантик таҳлил орқали аниқлаган. Сурхон воҳасининг жойлашуви номлари, этнолингвистик қатламлари ўрнатди [9. 5б].

Ойконимлар барча топонимлар орасида тарихийлик, лисоний (лингвистик) жиҳатдан энг қиммматли ёдгорликлар ҳисобланади. Бу номларнинг маъноси, қайси тилга оидлиги ҳақида қанча фикрлар билдирилган бўлса ҳам келиб чиқиши узил-кесил ҳал қилинган деб бўлмайди. Топонимларнинг этимологиялари ҳақида баён этилган фикрлар сони уларнинг аниқлик даражасига тўғри мутаносиб эмас, деган қараш бор. Бунинг маъноси шуки, айтилган мулоҳазалар кўпайган сари этимологиянинг аниқлик даражаси ҳам орта боради.

Аҳоли пунктлари номларини асосан иккита йирик гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1 .Табиий ёки табиий-географик ойконимлар.

2. Ижтимоий-иқтисодий ойконимлар[10. 55 б]

Табиий ёки табиий-географик ойконимларга сув обектлари номланиши, жойнинг геоморфололик шаклланиши, ўсимлик-ҳайвон номлари ва бошқа табиий-географик шароитидан келиб чиқиб аталган аҳоли пунктлари назарда тутилади.

Ушбу тадқиқот ишларида табиий ёки табиий-географик ойконимларга кирувчи сув обектларининг номланиши ўрганилди.

а) гидроойконимлар, яъни сув объектларига қараб аталган аҳоли пунктлари номлари таркибида *анҳор, наҳр, ама, ариқ, афдоқ, бодоқ, булоқ, гурилловуқ («шаршара»), дарё, жўй,*

жўбор, жўяк, канал, кориз-кериз, кўл, машат —башат, об, рўд, рўдбор, сардоба, сел, сой, сув, тагоб, чашма, шаршар (шаршара, шарлоқ, шарилловуқ), ўзак, қоқ, қудуқ каби атамалар учрайди. Бундай ойконимларни Республиканинг ҳамма жойида учратиш мумкин, чунки аҳоли пунктлари сув бор жойда барпо этилади. Қишлоқ ва шаҳарларминг ариқ-сойлар билан аталаши ҳам шундан. *Ариқ, булоқ, кўл, сой, сув, қудуқ* каби атамалар аҳоли пунктлари номлари таркибида 50 мартадан 100 мартагача такрорланади. Сув объектларидан ном олган гидроойконимлар: *анҳор — наҳр - Анҳор, Улуғнор, ама —Арна, Амаовул, Амасой, ариқ — Ариқбоши, Бешариқ, Жарариқ; булоқ — арбулоқ, Ойбулоқ, Оқбулоқ; дарё - Дарёбўйи, Дарёлиқ, Сирдарё; ёп — Бўзёп, Каттаёп, Қумёп; жўй, жўй бор «ариқ», «анҳор» — Жўйимулк, Жўйсафед, Жўйбор (жўяк* ҳам *жўй* сўзининг кичрайтирилган, диминитив шаклидир*); канал-Каналбойи, Каналобод, Каналпасти, кориз ~ Саксонкориз, Кориз, Кериз; кўл —Айронкўл, Ойдинкўл, Оққўл; машат —* (асли-бошот) «суви қумга сингиб кетадиган кичик булоқ» *— Машат, Учмашат; об — Лабиоб, Дуоба, Обиравон, рўд, рўдбор «дарё», «канал» Рўдак, Лабирўт, Рўдасой; сардоба — Сардоба* (бир неча қишлоқ номи); *сақа* «каналнинг бош иншоати» *— Тошсақа, Сақачи; сой — Бўстонсой, Илонсой; сув —Бўзсув, Бо ълаксув, Қорасув; чашма — Сарчашма, Чашма\ шар- шар* (шариллоқ, шарилловуқ) «шаршара» — Шаршар, Шариллоқ; ўзак «суви баъзан қуриб қоладиган кичик ариқ» *— Кўкўзак, Инженерўзак, Сариўзак\ қоқ* «чўлдаги катта кўлмак сув» *—Тошқоқ, Қизилқоқ; қудуқ — Ботирқудуқ, Олтинқудуқ, Отқудуқ* ва ҳоказо.

Инглиз тилида гидрографик атамаларга аввало, дарё ва сойларга оид атамаларни қайд этишимиз мумкин: *arroyo, bar, bend, boca, branch, creek, fork, poza (pozo), rio, run, spring, rapids.*

Arroyo - “оқим, канал; эски қуруқ оқим ўзани; ариқ билан ювилган жар ”(испанча). АҚШнинг жануби-ғарбий қисмида энг кенг тарқалган испан географик атамаларидан бири. Фақат Калифорнияда бу атамани оқимлар номларида ишлатишнинг 150 дан ортиқ ҳолатлари аниқланган: Arroyo Seco, Big Arroyo, Surprise Arroyo, Dry Arroyo. Баъзида тавтология ҳолатлари қайд этилади: Arroyo Grande Creek (оқим-катта-оқим); Arroyo Seco Creek (оқим - қуруқ - оқим).

Bar - "сув, саёз сув, дарёнинг оғзида қуми сувга сингиб кетадиган". Бу атама олтин қазиб олишнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли кенг тарқалди. Маълумки, олтин кўпинча дарёлар ва сойларнинг олтинли ирмоқларида қўлда ювилган. Калифорнияда тўққизта аҳоли пункти ва почта бўлимларининг номи бор: Sandy Bar (қумли сув)

Bend - "дарёнинг муюлиши". Сакраменто дарёсининг муюлишидаги жой кетма-кет номланган: Horsethief Bend, Sander's Bend, ва ниҳоят Bend. Bend шаҳри (Орегон) Десчутес дарёсидаги қўшалоқ бурилиш шарафига номланган.

Boca - "дарёнинг оғзи, эстуарий" (испанча) Дарага тор киришни кўрсатиш учун ҳам ишлатилади. "Ўнг томонда дара Бокасгача тораяди, қўрқинчли ва деярли ўтиб бўлмайди, у орқали Рио Гранде жарлигига киради" (ЗМ, 1956).

Branch - “дарёнинг бир ирмоғи; жилға”: Spring Branch of Willow Creek, South Branch of Pleasant Grove Creek. Fork - ("ирмоқ") сўзини такрорламаслик учун ишлатилади: South Branch o f Middle Fork of Feather River.

Creek - “дарё, оқим; кўрфаз”. АҚШда энг кўп ишлатиладиган гидрографик атамалардан бири. Буюк Британияда у “денгиз соҳилидаги тор кўрфаз ёки кўрфаз; тўлқинли сув босган дарё бўйи; кичик денгиз кўрфази" (Марка, 1975); Бу атама Америка Қўшма Штатларининг шарқий қирғоғида, Янги Англия минтақасида - Америка топонимиясига Британиянинг энг сезиларли таъсири зонасида қўлланилишида давом этмоқда. Дарёлар, ариқлар, кичик оқимлар учун сой атамасидан фойдаланиш соф америкачадир. Ушбу атама одатда маҳаллий америка гидронимларида шу маънода қўлланилади, Янги Англия ва Нью-Йорк ҳудудлари бундан мустасно, бу ерда ариқ атамаси "оқим" маъносида кўпроқ тарқалган ва Америка Қўшма Штатларининг жанубидаги баъзи ҳудудларда бу атама асосан бир хил маънода ишлайди. Rapid Creek, Stinkingwater Creek, Horseshoe Creek. Бу атама шаҳар ва қишлоқ номларида ҳам учрайди: Squirrel Creek, Avenal Creek.

Cut - “дарёнинг кичик ирмоғи; табиий ёки сунъий канал" – Rush Cut.

Fork - “дарёнинг ирмоғи; икки ёки ундан ортиқ ирмоқларнинг қўшилиши" (охирги вақтда, кўпинча Forks). Америка Қўшма Штатларининг ғарбий қисмида, айниқса Калифорнияда Серра-Невада тоғларининг ғарбий ён бағирларида кенг тарқалган. Мамлакат шарқида бу маънода умумий қабул қилинган атама Branch. Fork атамаси одатда нисбий жойлашишни аниқлашда ишлатилади шимол, жануб, ўрта ва ҳоказо сўзлар билан кириб келган. Лекин мураккаб гидронимнинг атрибутив компоненти бошқа сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин: Triple Peak Fork of the Merced (River); Wheatfield Fork of the Guaiala (River). Ирмоқларнинг мураккаб номларида бу атаманинг қайта-қайта қўлланилиши ҳолатлари тез-тез учраб туради: Silver Fork of South Fork of American River; North Fork of North Fork of Navarro River. Forks of Salmon шаҳри шимолий ва қўшилиш жойида жойлашган Салмон дарёсининг жанубий ирмоқлари.

Poza, Pozo - “манба, булоқ; қудуқ" (испанча). Pozo Camp, Pozo Creek, Pozo Flat; номларида топилган; Pozo шаҳри.

Rio- "дарё" (испанча). Номенклатура атамаси сифатида ҳозирги вақтда Rio Hondo, Rio Bravo, Rio Grande. дарёлари номларида сақланиб қолган. АҚШнинг г‘арбий қисмидаги аҳоли пунктлари ва почта бо‘лимлари номларида учрайди: Rio Vista, Rio Deli, Rio Delta, Rio Grande City.

Run - "оқим, тез оқим, кичик дарё". Қўшма Штатлар бўйлаб тарқалган. Кичик сув оқимларини билдириш учун Run сўзидан фойдаланиш Виржиния штатида пайдо бўлган (Стюарт, 1945): Bloody Run, Honey Run, Sucker Run, Negro Run. оқимларга, улар оқиб ўтадиган паст-баланд ерларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Rapids - "тез оқим" Grand Rapids.

Spring - "булоқ": pring Creek, Spring River, Spring Brook. У аҳоли пунктлари номларида ҳам кенг қўлланилади: Springdale, Spring Garden, Spring Valley, Springfield, Spring Lake. Динамик сув манбаларининг элементларини билдирувчи атамалар орасида қуйидагилар асосан Америкада қўлланилади:

Ripple – кичик шаршара - Irish Ripple; eddy — гирдоб — Upper Black Eddy. Falls (Шаршара) атамаси – барча инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар топонимиясида бир хилда қўлланилади.

Кўллар ва ботқоқларга оид атамалар гуруҳи кўп эмас: cienaga, laguna, lake, slough, flow, wallow, flat.

Cienaga - "ботқоқлик" (испанча "After a short march we reached Cienaga, a very well watered place as its name denotes" (тарж: "Қисқа юришдан сўнг биз Сиенага шаҳрига етиб келдик, бу жуда яхши суғорилган жой эди, деган маънони билдиради") (ДА, 1956). Бу атама Америкадаги испан таъсири ҳудудида кенг тарқалган: Cooper Cienaga, Cienaga Seca, Cienaga Creek, Cienaga Valley. Калифорнияда биз Cienaguitas шаҳрини топамиз (испанча "ботқоқлар").

Laguna - "кўл" (испанча). Laguna Seca, Laguna Salada номларида учрайди. Бу атаманинг атрибутив ишлатилиши ҳамма жойда учрайди: Laguna Peak, Laguna Creek, Laguna Canyon.

Lake - "кўл": Lake Elizabeth, Lake Lucerne или Lucerne Lake. Бу атамаисмнинг белгиловчи қисмидан олдин ёки ундан кейин келиши мумкин. Аҳоли пунктлари номларида кўпинча -shore, -side, -view, -wood: билан биргаликда ифодаланади: Lakeside, Lakeview, Lakewood Village.

Pond - "турғун сувнинг кичик сунъий ҳовузи, кўлмак". Кўпинча атрибутив тарзда ишлатилади: Pond River.

Slough - "ботқоқлик". Америка Қўшма Штатларининг шарқий қисмида Slough (ботқоқлик) Creek (дарё) ва (Streem) оқимнинг синонимидир. Бошқа соҳаларда эса “ботқоқ” маъносида қўлланади. Калифорнияда "Slough" атамаси ботқоқлик кўлларга нисбатан қўлланилади: Bixby Slough аҳоли пунктлари номларида учрайди: Sloughhouse

Wallow - “кичик ботқоқ, кўлмак; ҳайвонларнинг чўзилиб ётадиган сертупроқ яланг жойи": Hog Wallow.

Flat - "пастлик, паст қирғоқ, текислик, сув босган; ботқоқли ҳудуд." “Дарё водийсида жойлашган кўрфаз ерлари” маъносида ҳам қўлланилади: Pocket Flat, Flat River

Flow - "ботқоқ, ботқоқ, ботқоқли ҳовуз (айниқса шимоли-шарқда), ботқоқли паст қирғоқ, сув босган жойлар": Alderbed Flow.

Everglade - "кўп қисми сув билан қопланган, баъзи жойларда баланд ўтлар билан қопланган ботқоқли ҳудуд"; *Everglades* кўпликда кенг тарқалган: *Everglade* - бу Флорида ярим оролининг жанубидаги кенг (1,5 миллион акр дан ортиқ) ботқоқли ҳудуднинг номи. *Everglade* шаҳри (қаранг. glade (Британия) тозалаш, glade, тозалаш (ўрмонда). Америкада glade қайта-қайта ўзгаришларга учради: ДА 1644 йилда "ботқоқли, ўт билан ўралган паст текислик" учун ишлатилишини қайд этилади; Бартленинг луғати (1859) Америка Қўшма Штатларининг жанубидаги ўт билан ўралган ботқоқли ерлар деб аталади; шу ердан *Everglade* сўзи қўлланилиб келган.

Хулоса. Топонимларнинг номинатив жараёнда рол ўйнайдиган тарихий ва географик маълумотлари ҳар икки тил мисолида қиёсланиб, дарёлар, сув ҳавзаларининг номлари инглиз тили ва ўзбек тилида тарихий ва ижтимоий маданий жиҳатдан асосий ўрин тутиши далилланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нафасов.Т Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати //Тошкент ”Ўқитувчи” 1988. 285 б.
2. F.Perono Cacciafoco. The Origins of Naming Process: Toponymic Archaeology of Two Indo-European Place Names. RHGT Review of historical geography and toponomastics //https: hdl.handle.net.Issue XI, Vol.21-22,pp.57-67.
3. Ҳакимов Қ.М. Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий - иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида) //Автореф. дис...канд.филол.наук. Жиззах 2010. 25б.
4. Султанова Н. Б., Сайдаматов Ф. Р. Вопросы использования топонимических терминовна уроках географии в средней общеобразовательной школе //Вестник науки иобразования № 2(14) 2016. 85-89 б.
5. Turdikulov Sh. Addresses To Theotoponyms In Uzbek Toponymy //The American Journal of Social Science and Education Innovations.2020 | Pages: 137-140.https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue12-24.
6. Миракмалов М.Т., Солиев А.С. Ўзбекистонда географик номларнинг ўрганилиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 42-жилд, Тошкент. 2013. 196 б.
7. Жукова Л.К., Смирнова Н.С. Полифункциональность топонимики США. стр 1-5. https://bank.nauchniestati.ru ›. Дата обращения 12.07.2022 г.
8. Леонович Е.О., Леонович О.А. ГеографическиеназванияСША/Учебное пособие по английскому языку. Москва Издательство «Флинта»2021. Стр 298.
9. Турсунова М.А. Лингвистическое исследование топонимии Оазис Сурхона.Автореф. дис...канд.филол.наук. Душанбе. 2019. 27 б.
10. Қораев С. Топонимика //Ўқув қўлл. –Т., Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. -55 б.
11. Abdikhalikovna, Khayitova Feruza. "Principles of Toponyms (Place Names) Classifications." International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding 7.6 (2020): 73-79.

КОНЦЕПТ ВА ЛИСОНИЙ ОЛАМ МАНЗАРАСИ

Анорқулова О.Н.
(Ўзбекистон-Финландия ПИ)

Мавжуд адабиётларнинг аксариятида концепт тушунчаси “олам манзараси” тушунчаси билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. “Олам манзараси” кенг мазмун ифодалаб, тилимизда инсоннинг яшаш тарзидаги ўзига хос жиҳатларни, инсоннинг ўзини ўраб турган воқелик, табиат ва жамият, яъни олам билан ўзаро алоқага киришиши, инсон ва олам дуализмидаги мавжуд муносабатлар диалектикасини, бошқача айтганда, киши оламда мавжудлигининг муҳим жиҳатларини ифодаловчи таянч тушунчалардан ҳисобланади. Инсон онгли мавжудот сифатида табиат ва жамиятда содир бўлувчи воқеалар марказида амал қилади. Шу боис инсонга нисбатан талқин қилинувчи мазкур атама гуманитар фанлар соҳасида фаол қўлланилмоқда. Тилшуносликнинг замонавий муаммолари ҳисобланган олам манзараси, лисоний онг, концепт ва концептосфера масалаларига бағишланган тадқиқотларда олам манзараси объектив оламда инсоннинг ўзини ўраб турган воқеликка муносабатидан келиб чиқувчи қарашлар ва талқинлар асосида илмий-идрокий фаолият ётган илмий билишга асосланишади, мазкур ҳодисалар моҳиятини оламга тегишли мазмуний-онтологик тузилишини, мураккаб тузилмалар билан боғлашади. Менталликни маданий-типологик тадқиқ қилиш тараққиёти ва олам манзараси, олам модели ҳар бир маданиятда макон ва замон, сабаб ва оқибат, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига учраши каби категорияларга тегишли бўлган, бир-бирига боғлиқ бўлган универсалиялар тўпламидан ташкил топиши ҳақида хулосаларга келишга имкон беради. Инсон дунёқарашининг асосини ташкил қилган олам образига инсон ўзининг ижтимоий-маданий фаолияти билан суянади. Олам манзарасисиз инсоний мулоқот ва ўзаро бир-бирини тушуниш бўлиши мумкин эмас. Табиийки, олам манзараси тилимизда бадиий концептларда яққол ўз ифодасини топади. Сўзловчининг ҳаётий воқеа-ҳодисаларни кўриб таҳлил этиши, маълум бир хулосаларга келиши ва уни тилда мавжуд бўлган сўзлар воситасида бадиий ифодалаши бадиий концептнинг бир кўринишини шакллантириш баробарида муаллифнинг ўзига хос услубини шакллантиради. Инсоннинг характер-хусусиятлари, ички оламини, ташқи таъсирлар туфайли юзага келувчи турли хил руҳий ҳолатларини, инсон ҳаётида учраб турувчи тингловчи ёки ўқувчи тўғри тушунадиган ва идрок қиладиган тарзда ифодалаш имконияти матнларда яққол намоён бўлади. Шу боис концепт тушунчаси матн тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. А.Ҳожиев матн атамасига “Ёнма-ён ҳарфлар, ёзув орқали акс эттирилган нутқ, умуман, нутқ парчаси; текст” деб таъриф беради.[1] М. Йўлдошевнинг кўрсатишича, тилшуносликда “…Нутқ – бу сўзловчи нутқий жараёни билан алоқадор бўлган ҳодиса сифатида ифода этилса, матн (текст) ҳам ана шу нутқий ҳодисанинг ёзилган («босма ҳарф орқали акс этган») парчасидир… “Нутқ” ўзининг ёзма шаклида «матн» атамасига тенг келади… Ҳар қандай нутқнинг ёзма шакли матн тушунчаси моҳиятини ифода этади… Текст – оғзаки нутқ, контекстга нисбатан стабиллашган, маълум қоида-қонуниятлар ва адабий тил меъёрлари асосида шаклланган ёзма нутқ… Матн бир вақтнинг ўзида эмас, балки бир неча аср аввалги ва кейинги шахслар ўртасидаги алоқа муносабатини юзага чиқарувчи воситадир”[2] деб изоҳлайди. Матнлар орасида бадиий матнлар фикр ифодалаш имкониятларининг кенглигига кўра ажралиб туради. Концептларнинг ўзига хос хусусиятлари бадиий матнларда бўртиб туради. Бадиий матнлар табиат манзаралари тасвиридан тортиб инсоний муносабатларнинг энг нозик томонларигача ўқувчи ёдида қоладиган, унга таъсир этадиган даражада ёритиб бериш имкониятига эга. Шунинг учун бадиий матнларда тасвирийлик ва эмоционалликка алоҳида эътибор берилади. Бадиий матнларда муаллиф бадиий концептнинг эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида

[1] Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.Тошкент.2002.Б.61.
[2] Ҳакимов М.Х.Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари:Филол.фан.н-ди …дисс._-Тошкент ,1993. 17,18,21 – бетлар.

тилдаги бўёқдор, таъсирчан сўз ва жумлалардан фойдаланади. Тилнинг тасвирий воситалари бадиий концептда образлилликни, таъсирчанликни юзага келтиради. Мазкур жараён коммуникатив, перцептив ва интерактив тузилмаларда кўринади.

Коммуникатив муносабатда инсонлар ўзаро турли хил тасаввурлар, ғоялар, манфаатлар, кайфиятлар, туйғулар, йўналишлар ва ҳоказо муносабатлар орқали фикр алмашадилар. Инсоний мулоқот шароитида ахборот ва маълумотлар нафақат узатилади, балки шаклланади, аниқланади ва ривожланади ҳам. Бунда коммуникатив жараённинг ҳар бир аъзоси ўзи билан ҳамкорлик қилаётганнинг ҳам фаоллигини кўзлайди. Ҳамкор иштирокчи субъект сифатида қўйилади. Шу боис унга ахборот узатиш жараёнида манфаати, мақсади ва хоҳишини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Лекин мулоқотнинг бу кўринишида қийинчиликлар юзага келиш, турли тўсиқлар пайдо бўлиши эҳтимолини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Интерактив -(ўзаро таъсир) мулоқот одамлар ўзаро таъсирланиши жарёнида нафақат ахборот алмашинувини балки ҳаракатлар алмашинувини йўлга қўйиш, умумий фаолиятни режалаштириш ҳам муҳим саналади. Мулоқот шароитида англанадиган жараёнларни фаоллаштиришда қарама-қарши фикрлар ва қаршиликларга дуч келиш натижасида пайдо бўладиган муаммоли ҳолатлар муҳим шароит бўлиб ҳисобланади. Қўшимча ахборот ва маълумотларга эҳтиёж кучайиб борадиган кўптомонлама уйғунлик юзага келади. Бу қўшимча фаолият қатнашчиларининг ўзаро таъсири тезлигини ошишига олиб келади.

Перцептивлик - (қабул қилиш) мулоқот жараёни қатнашчилари ўртасида бир-бирларини тушуниш ва бир-бирларига тушунтира олиш ғоятда муҳим. Бир-бирларини тушунишнинг ўзи турлича талқин этилиши мумкин: ҳамкор ҳохиши, мақсадини тушуниш ва мотивларини тўғри йўналтира билиш. Мулоқот одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва ўзаро тушунишнинг мураккаб ижтимоий-психологик жараёни сифатида турли хил воситалар ёрдамида амалга оширилади.[1] Ҳар бир ижодкор воқелик фактларини қандай англаши, уларга қандай муносабатда бўлиши ва баҳолаши, уларни тасвирлашда қандай тил бирликларидан фойдаланишига қараб бир-биридан фарқ қилади. Бадиий матнларни тадқиқ этган тилшунос М. Йўлдошевнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: бадиий матн бадиий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўринишларини муаллиф ихтиёрига кўра эркин жамлай оладиган, кишиларга эстетик завқ бериш хусусиятига эга бўлган ғоят мураккаб бутунлик ҳисобланади. Бадиий матнда бошқа услуб матнларида бўлганидек қатъий мантиқ, соддалик, тушунарлилик, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўкис амал қилинавермайди. Унда бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади. Таъсирчанлик биринчи планга кўтарилади. Оҳангдор, жозибадор сўзлар кўп қўлланилади. Тасвирланаётган воқеликда уйғун бир мусиқа, ички бир гармония сезилиб туради. Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган. Бадиий матн, маълумки, бадиий услуб талаблари, қолиплари асосида шакллантирилади, шунинг учун унда поэтик, романтик, тантанавор ифода шаклларидан кенг фойдаланилади. Сўзларнинг танланиши, гап тузилиши, лексик-семантик, ритмик-интонацион бирликларнинг қўлланиши ҳам мазкур услуб талабларидан келиб чиқади. Бадиий матннинг лисоний хусусиятларидан энг муҳими ҳам шундаки, унда эмоционал бўёқдор сўзларга, шева сўзларига, тарихий ва архаик сўзларга, жаргон ва арголарга, кўчма маъноли сўзларга, маънодош, шаклдош, ўхшаш, талаффузли ва зид маъноли сўзларга, шунингдек, ибора, мақол-матал ва афоризм каби бирликларга кенг ўрин берилади.2 Кўринадики, концепт тушунчаси тилнинг синхроник ва диахроник ҳолати, нутқнинг оғзаки ва ёзма шакли, нутқнинг турли кўринишлари, назмий ва насрий матнлар, оғзаки ижод намуналари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

[1] Ҳусанов Б., Ғуломов В. Муомала маданияти. -Тошкент, 2007.-Б.16.
[2] Йўлдошев М.Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари.Тошкент,2007. Б.35.

Олам манзараси тушунчасига боғлиқ ҳолда концептлар инсон дунёқарашининг таянч унсурларидан ҳисобланади ва жамиятда инсон ахлоқи ва билим бирлигининг мустаҳкам алоқасини таъминлайди. Инсонлар тил воситасида ўзаро мулоқотда бўлади, бир-бирларига нутқнинг оғзаки ёки ёзма кўринишида таъсир ўтказади ёки таъсирланади. Кишиларда ўзаро бир-бирини тушуниш ва руҳий оламларига кириб бориши шароитида инсоний мулоқот бўлиши мумкин, одамлардаги руҳий оламлар кесишуви улар учун оламни тасаввур қилишнинг умумийлиги ҳисобига бўлади. Тушунишдаги бузилиш оламнинг глобаль манзарасининг ўзгаришида, категориал тўпламлар ўзгариши, янги олам образининг намоён бўлишида юзага келади. Ҳар бир олам манзараси ўзида оламнинг маълум образини муҳрлайди, тилдаги мавжуд концептлар воситасида уни намоён қилади. Олам манзараси маълум воқеликни кўриш, оламни маълум мантиқий тушуниш ва тасаввур қилишга мувофиқ концептлар тарзида идрок қилинади.

ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАРДА КОНЦЕПТНИНГ ИЗОҲИ

Халимова Ф.Р. (СамДЧТИ)

Концептнинг психолингвистик тушунчаси А.А. Залевскаянинг асарларида мукаммалроқ ёритилган. Унинг сўзларига кўра, концепт – бу “инсоннинг ақлий ҳаёти қонунларига бўйсуниб, инсоннинг тафаккур ва коммуникатив фаолиятида ўз-ўзидан такомиллашадиган динамик характерининг асосий идрокли-когнитив-таъсирчан шаклланиши бўлиб, унинг натижасида лингвистик назария нуқтаи назаридан илмий тавсиф маҳсулотлари сифатида тушунчалар ва маънолардан бир қатор параметрлари билан фарқланади” (Залевская, 2001: 39).

А. Залевскаянинг фикрига кўра, концептларни алоҳида тарзда ўрганиш гуманитар билимларнинг кўплаб соҳаларида тадқиқот натижаларини бирлаштирадиган комплекс ёндашув нуқтаи назаридан амалга оширилиши керак. Антрополог К. Харди ҳамда бир қатор психолог олимларнинг ишларига таянган ҳолда (И.М. Сеченов, А.Р. Луриа, Ф.Е. Василюк, Л.М. Веккер), А. Залевская концептуал тузилмаларнинг динамик табиати ҳиссиётлар, кайфиятлар, баҳоловчи тажрибалар ва бошқалар билан мажбурий боғлиқлигини таъкидлайди. Шахснинг ҳаёти давомида концептларнинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганишга урғу беришни таклиф этиб, психолингвист унинг фақат тафаккур жараёнида ишлатиладиган пассив восита эмас, балки “мазмун ҳосил бўлиши жараёнларини ташкил этадиган, тафаккурнинг динамик жараёнларига бирлаштирилган, янги алоқа, ассоциациялар, янги ментал ифодани шакллантиришга кўмаклашувчи фаол воситадир” (Залевская, 2001: 82).

Концепт тушунчалилик жараёнининг мазмуний бирлиги сифатида сўзни қўллаш билан мазмунни боғлашга имкон берувчи асосий билим объекти сифатида талқин этилади, у орқали воқелик инсон онгида гавдаланади. Шу билан бирга, когнитив шахсларнинг идрок этиш илдизлари мавжуд бўлиб, ҳиссий-баҳолаш тажрибасига эга бўлиши таъкидланади (Залевская, 1999: 98).

В.А. Пишалниковнинг фикрига кўра, концептуал тизимни шакллантириш талқиннинг асосий тамойилига мувофиқ амалга оширилади, бу концептуал тизимга янги концептларни киритишнинг изчиллиги ва узлуксизлигини талаб қилади. Киритилган концепт идрок қилинаётган объект ҳақида олдиндан олинган маълумотлар мавжуд бўлган семантик маконда талқин этилади. Шундай қилиб, ҳар бир концепт муайян семантик маконга эга бўлиб, у доимий структуралаш жараёнида бўлади (Пищальникова, 1999).

В.А. Пишалникова концептнинг таърифини қуйидагича таклиф қилди: “инсон воқеликнинг у ёки бу ҳақиқатини билади, ўйлайди, фараз қилади” (Пищальникова, 2000: 49). Концептнинг модели қуйидаги шаклни олади (1.2-расмга қаранг).



1-расм: В.А. Пишалниковага кўра концептнинг тузилиши

Чизмадан кўриниб турибдики, шахснинг концептуал тизими шаклланишида лисоний таркиб муайян концептнинг образли, эмоционал, ассоциатив бўлишини таъминлайди. Концептнинг таркибий қисми сифатида лисоний мазмун уни бир бутун ҳолда ифодалаши, унинг белгиси бўлиши мумкин.

Концептнинг таркибий қисмларини ўрганиш Е.В. Лукашевичнинг (Лукашевич, 2002) психолингвистик тажрибасида кўриб чиқилган. У концептнинг синоними сифатида "мазмун"ни кўради. Психолингвистик йўналишдаги асарларда *шахсий мазмун* тушунчаси биринчи ўринга чиқади.

Маълумки, шахсий мазмун концепцияси А.Н. Леонтьев томонидан илгари сурилган фаолият назарияси доирасида ишлаб чиқилган. Шахсий мазмун онг доирасида юз берадиган жараёнларга боғлиқ эмас, бироқ субъектнинг реал ҳаёт фаолиятида юзага келиб, ҳаракатларнинг мақсад ва ҳолатларини фаолият мотивларига муносабатини акс эттиради (Леонтьев, 1975). Мазмун, маънодан фарқли ўлароқ, "бир сўзнинг алоҳида маъноси, объектив боғланишлар тизимидан ажратилган; у маълум бир лаҳзага ва маълум бир вазиятга тегишли бўлган боғланишлардан иборат. Шунинг учун сўзнинг "маъноси" боғланишлар тизимининг холисона алоқаси бўлса, "мазмун" берилган пайт ва вазиятга кўра маънонинг субектив жиҳатларини жорий қилишдир" (Лурия, 1979: 53). Шундай қилиб, шахсий мазмун индивидуал тафаккурнинг таркибий қисми бўлиб, унда субъектнинг эҳтиёж-мотивацион соҳаси билан, унинг дунёдаги ҳаёти ҳақиқати билан боғлиқ бўлган ушбу тафаккурнинг ўзига хослиги ифодаланади.

В.А. Пишалникова томонидан таклиф этилган мазмуннинг интегратив моделида шахсий мазмун ҳис-туйғу (ва унинг ядроси сифатида мотив) ва сўзнинг акустик қобиғи ўртасидаги муносабатлар соҳасига мос келади. Бироқ, бу билиш жараёнининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, бизнинг фикримизча, мантиқ, тилшунослик ва гносеологиядаги маъно тушунчасига алоқадор бўлган бошқа таркибий қисмларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, индивидуал концептларнинг мазмуни ҳиссий компонентга, шу жумладан, В.А. Пишчалниковнинг схемасида муваффақиятли намоён бўлгани каби, предметли-ифодали (предметно-понятийный), баҳоловчи ва ассоциатив компонентларга қисқартирилмайди.

Демак, мазмун талқини психолингвистик тадқиқотларда қуйидагича характерга эга:

- субъекти учун воқеликнинг айрим ҳодисаларининг мазмун билан муносабати аҳамияти;

- предмет мазмунининг катта контекстдаги ўрни;

- мазмун манбаи шахснинг эҳтиёжлари ва мотивларида кўринади;

- мазмуннинг вазиятли ўзгарувчанлиги ва унинг мавзунинг долзарб ҳолатларига боғлиқлиги

Фалсафий асарларда мазмун қадрият тушунчаси билан боғланади. "Совет энциклопедик луғати"да мазмун "бирон-бир нарсанинг идеал таркиби, моҳияти, мақсади,

қиймати” деб белгиланган (Новыков, 2000). Мазмун ва қиймат тушунчалари А.А. Брудный томонидан куйидагича изоҳланган: “Мазмун – бу муайян шаклдан кенгроқ бўлган муайян ҳақиқат ёки қийматнинг ифодасидир” (Брудный, 1987: 3).

Феноменологик фалсафанинг диққат марказида оламни ҳис қиладиган, ўз семантик танловини амалга оширадиган шахс туради. “Мазмун бирлиги, ўз навбатида, мутлақ бўлган тафаккур мазмунининг мавжудлигини назарда тутади” (Гуссерль, 1995: 35). Мазмун – борлиқнинг ўзига хос онтологик хусусияти, ана шундай идрок этилган, мақсадли тажрибадир.

Твер герменевтик мактаби вакиллари мазмунни лисоний билим предмети сифатида эмас, балки тафаккур предмети деб ҳисоблайдилар (Щедровицкий, 1995). Таниқли методист мазмунни хабарнинг моҳиятини тушунадиган инсон томонидан яратилган ёки тикланган турли фаолият ва мулоқот элементлари ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг конфигурацияси сифатида тасвирлайди.

Г.П. Щедровицкий мазмунни “вазият билан боғлиқ барча ҳодисаларнинг умумий корреляцияси ва алоқаси” деб белгилайди (Щедровицкий, 1995: 564). Герменевтик анъанада, психологик талқинига қараганда мазмун ҳақида кенгроқ тушунча мавжуд, чунки мазмунлар типологияси нафақат мазмун-тажрибани, балки мазмун-баҳо, мазмун-ретроспексия, мазмун-мотив ва мазмун-билимларни ҳам ўз ичига олади (Галеева, 1993).

Мазмун муаммосига мантиқий-гносеологик ёндашувда “концептни мумкин бўлган дунёдан унинг объектларига интенсионал вазифа сифатида қараш мумкин” (Павиленис, 1983: 239). Р.И. Павиленишнинг фикрига кўра, билиш жараёни тафаккур объектлари ҳақида мазмунларни ёки концептларни шакллантириш жараёнидир. "Дунёдаги нарсаларнинг ҳолати ва унинг объектлари ҳақидаги бу маълумотни биз мазмун ва концепт деб атаймиз. Шундай қилиб, концепт – бу ҳақиқий дунё ва мумкин бўлган оламларнинг объектлари бўлиши мумкин бўлган объектлар тўпламини белгилайдиган интенсив функциядир” (Павиленис, 1983: 102). Р.И. Павиленис, мазмун муаммосини тилнинг ифодасини тушунганда, инсоннинг нимани билиши ҳақидаги саволга жавоб излаш сифатида қараш керак, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, мазмун шахснинг концептуал тизимига маъно ривожи сифатида талқин қилиниши мумкин.

Мазмун муаммосига мантиқий-гносеологик ва лингвистик ёндашувларни таққослаб, А.И. Новиков, биринчи навбатда мазмун концептуал тизимлар, билим тузилмалари, шахснинг ижтимоий ва индивидуал тажрибаси билан боғлиқ, деб қайд қилади, ва иккинчи навбатда, мазмун бевосита ифода, матнда мавжуд бўлиб, у ҳар қандай жараёнлар (тиллараро синонимик ўзгаришлар, перефраза, трансформациялар) натижасида аниқланиши мумкин (Новиков, 2000). А.И. Новиковнинг “Мазмун: етти дихотомик хусусият” номли мақоласида лингвистик ишларда мазмунга тааллуқли асосий хусусиятларни умумлаштиради: вазиятли шартлилик, вариативлик ва ўзгарувчанлик. Кўпинча, мазмун деганда, нутқдаги барча турдаги лисоний бўлмаган маъно билан лисоний маънонинг актуаллашган ҳолати тушунилади.

Н.Ф. Алефиренконинг ёзишича, лисоний маъно ва мазмун доимий ва ўзгарувчан тушунча категорияси сифатида фарқланади (Алефиренко, 1999). Лисоний маъно вариантсиз (барқарор, турғун ва барча этноколлектив учун умумий) ҳисобланади. Семантик мазмун ҳолати мунозарали бўлиб қолади. Потебня томонидан келадиган нуқтаи назарга кўра, сўзнинг мазмуни – нутқ семантикаси категориясидир. Лисоний “маъно” билан семантик мазмун вазиятли ва контекстуал шартланган қиймат билан зидланади. Лингвистик тадқиқотларда бу тушунчаларнинг ўзаро муносабатини бир йўналишда кўриб чиқиш тенденсияси мавжуд: маънодан мазмунга (тил тизимидаги маъно ва унинг нутқий тадбиқи).

Мазмун ва концептнинг умумий белгиларини таққослаб кўрайлик.

- Тушунчаларнинг деярли ҳар бир таърифида мавжуд бўлган энг кенг тарқалган хусусият уларнинг лисоний соҳага эмас, балки ақлий, яъни экстралингвистик табиатга алоқадорлигидир. Худди мазмун маъноларда англатилиши мумкин ёки ифодаланмаслиги

мумкин бўлганидек, концепт ҳам вербализацияланиши ёки новербал қолиши мумкин (Ляпин, 1997; Попова, Стернин, 2001).

- Концепт каби мазмун ҳам она тили онгида шаклланадиган концептуал тизимларга тегишли бўлиб чиқади. Концептуал тизимлар деганда, ахборот тизимлари деб тушунилиб, мазмун муаммоси концептуал тизимларни, уларнинг бир-бири ва атрофдаги воқелик билан муносабатини таҳлил қилиш муаммосига киради (Павиленис, 1983).

Энди мазмун ва концепт ўртасидаги фарқлар ҳақида тадқиқотчиларнинг фикрларини умумлаштирамиз:

- А.И. Новиковнинг фикрига кўра, мазмун билимга нисбатан воқеликка бевосита алоқадордир. Аслида у воқеликда рўй беради, чунки у ўзига хос объект ва вазиятларни акс эттиришнинг тасвир усули билан бевосита боғлиқ, лекин ўз-ўзидан эмас, балки турли хил алоқалар ва муносабатларга ўзаро таъсир кўрсатган ҳолда. Шундай қилиб, мазмун ҳам, концептуал моделлар ҳам воқеликни акс эттирувчи воситадир, лекин улар бу воқеликни турлича ифодалайди (Новиков, 2000). Шу нуқтаи назардан, Е.В. Лукашевич фикрига кўра, концепт – бу инсон онгида маъно тизимини ифода этувчи динамик когнитив модел, мазмун эса – когнитив ва лисоний тафаккурни боғлайдиган ментал тузилмадир (Лукашевич, 2002: 63).

- А.В. Бондаркога кўра, концепт ва мазмун (категориал) чуқур семантиканинг жиҳатларини акс эттиради. Нутқий мазмун концептнинг реаллашуви билан боғлиқдир (Бондарко, 2002).

- М.Р. Проскуряков томонидан илгари сурилган фикр жуда самарали: Концептлар мазмун тузилишини шакллантирувчи элементлари ҳисобланади (Проскуряков, 2000: 183).

- Е.В. Нагайцева концептни шахснинг тафаккурида мазмун тузилишини ифодаловчи динамик модел сифатида белгилайди (Нагайцева, 2002: 4).

- А.Ю. Агафонов (Агафонов, 2000) мазмунни руҳият бўлинишининг бирлиги, яъни яхлит таълим деб ҳисоблайди. Муаллифнинг фикрига кўра, мазмун амодаллик билан тавсифланади, чунки бир хил семантик шаклланиш турли модалликларда ифодаланиши мумкин. Концептнинг ҳиссий қатламида турли модал компонентларни ажратиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Агафонов А.Ю. Человек как смысловая модель мира. Пролегомены к психологической теории смысла. – Самара: Изд. «Бахрах-М», 2000. – 336 с.
2. Алефиренко Н.Ф. Спорные проблемы семантики. – Волгоград: Перемена, 1999. – 274 с.
3. Бондарко А.В. Семантические функции: уровни и аспекты интерпретации смыслового содержания // Композиционная семантика: Материалы Третьей Международной шк. семинара по когнитивной лингвистике: В2 ч. 4.1. – Тамбов: Изд-во ТГУ им Г.Р. Державина, 2002. – С.7-8.
4. Брудный А.А. К методологии смыслового анализа // Экспериментальный анализ смысла. – Фрунзе: КГУ, 1987. – С. 3-9.
5. Галеева Н.Л. Типология смыслов художественного текста в условиях решения герменевтической задачи // Понимание и рефлексия: Материалы Третьей Тверской герменевтической конференции, 1993. В 2 ч. Ч.Т1. – С.4-7.
6. Гуссерль Э. Идеи к чистой феноменологии и феноменологической философии // Язык и интеллект. – М.: Прогресс, 1995. – С.14-95.
7. Залевская А.А. Введение в психолингвистику. – М., 1999. – 382 с.
8. Залевская А.А. Текст и его понимание. – Тверь: ТГУ, 2001. – 177 с.
9. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: Изд-во полит, литературы, 1975. – 304 с.
10. Лукашевич Е.В. Когнитивная семантика: эволюционно-прогности-ческий аспект. – Москва; Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2002. – 234 с.
11. Лурия А.Р. Язык и сознание. – М.: Изд-во Моск. ун-та,1979. – 319 с.

12. Ляпин С.Х. Концептология: к становлению подхода // Концепты/Научные труды Центроконцепта. – Архангельск: Изд-во Поморского госуниверситета, 1997. Вып.1. – С. 11—35.

13. Нагайцева Е.В. Концептуальная символическая модель (на материале творчества А. Грина): Автореф... канд. филол. наук. – Барнаул, 2002. – 21 с.

14. Новиков А.И. Смысл как особый способ членения мира в сознании // Языковое сознание и образ мира. – М., 2000. – С.33-37.

15. Павиленис Р.И. Проблема смысла: Современный логико-философский анализ языка. – М.: Мысль, 1983. – 286 с.

16. Пищальникова В.А. Психопоэтика. – Барнаул: Изд-во Алтайского ун-та, 1999. – 176 с.

17. Пищальникова В.А. Концептуальная система индивида как поле интерпретации смысла художественного текста // Язык. Человек. Картина мира: Материалы Всероссийской научной конференции. В 2 ч. 4.1. – Омск: Омск. гос. ун-т, 2000. – С. 45-51.

18. Попова З.Д., Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистике. – Воронеж: Истоки, 2001. – 191 с.

19. Щедровицкий Г.П. Смысл и значение // Избранные труды. – М.: Шк. Культ. Полит., 1995. – С. 545-576.

ФАЗА МАЪНОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

Латипов А.А. (СамДЧТИ)

Фазавийлик - универсал хусусиятга эга категория бўлиб, у барча тилларда мавжуд ва ҳар қандай жараён (процесс) ёки вазиятнинг ажралмас белгисидир. У “вазиятнинг мантиқан учта, яъни инхоатив (бошланғич), континуатив (давомий) ва терминатив (якуний) пайт босқичларидан бирининг кўрсатгичидир” [Жербило 2010: 427]. Берилган таъриф умумлашган ҳолда аксарият лингвистлар томонидан тан олинади. Лекин, фазавийлик семантик доирасини, фазавий қийматларни ўрганишда, уни аспектуаллик категорияларга бўлган муносабати, моҳияти ва фазавий маъноларни ифодаловчи лингвистик ва экстралингвистик воситаларни аниқлашда ҳозирги кунга қадар ўз ечимини топмаган жуда кўп муаммолар мавжуд.

Фазавий семантика турли ва кўп тизимли тиллар материалининг тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Масалан, рус тилида фазавий маънолар О.М.Соколов [1988], В.С.Храковский [1985], В.М.Павлов, Б.Х.Ризаев [1985], Е.В. Падучева [2001], Г.И. Кустова [2002], Ю.П. Белошапковат [2007], Е.Я.Титаренко [2010], А.В.Аверина [http://disslib.ru/catalog/170/41871], А.А.Хичагова [2018], И.М. Петрова, Н.Н. Беклемешева [2019]; инглиз тили материалида фазавий семантика билан боғлиқ муаммолар С.П. Тиунова [1986], О.В. Казунина [2002], Штолл [2005], Н.В. Курганова [2011], Н.В. Дардыкова [2019], В.Ю. Апресян [2017] асарларида ўрганилган.

Фаза семантикасини ўрганишга бағишланган асарлар табиатдан хилма-хилдир. Масалан, қиёсий жиҳатдан бир қатор ишлар олиб борилган: инглиз ва қарақалпоқ тиллари [Сеитова, 1997]; инглиз, рус ва турк тиллари [Дардыкова, 2019] ишларида қиёсан тадқиқ этилган бўлса, немис тилининг бошланиш фазасини ифодалаш воситалари ўзбек тилига қиёслаш А.Нурмухамедовнинг диссертациясида [1976] кўриб чиқилган. Яна бир тилшуносимиз Б.Ҳ. Ризаевнинг тадқиқотлари немис, рус ва ўзбек тилларида тугалланиш, тугатиш фазасининг субкатегориал маънолари ва аналитик воситаларини [2019] ўрганишга бағишланган. Давом этиш фазаси В.Ю.Апресян тадқиқотида [2017] таҳлил этилган.

Фазавий феълларнинг грамматикалашуви ва уларнинг конструкциялари билан боғлиқ муаммолар Н.В. Дардыкова [2019], ҳаракатнинг фазавий маъноларининг лингвистик ифодалашининг когнитив асослари Петрова, И. М., Беклемешева Н. Н. ва Ю.П. Белошапкова (2007) каби муаллифларнинг асарларида кўриб чиқилган.

Фаза категориясини ифодалашда қатнашувчи деривацион воситалар ва улар билан боғлиқ муаммолар Ю.В. Шарец [2019], фазавий воситаларнинг валентлик хусусиятлари С.Ю. Туровская ишларида [2006] таҳлил қилинган. А.А. Хинчагова ишида [2018] фазавийликнинг аспектуаллик тизимидаги статуси (ўрни, ҳолати) ўрганилиб, фазавийлик категориясининг вид (тус) категорияси билан ўзаро боғлиқлиги очиб берилган ва контекст, мулоқот вазиятлари, феълнинг лексик маъноси таъсири остида фазавий маъноларнинг турли ўзгаришлари тасвирланган.

С.И. Тиунова асарида [1978] фазали феъллар билан гапларни структур-семантик хусусиятлари таҳлилга тортилган.

Айрим фазавий маънолар (белгилар, қийматлар) маълум бир тилда, бошқа тиллар билан таққосланган ҳолда ўрганиладиган ишлар мавжудлиги кўзга ташланади.

Турли ва кўп тизимли тилларда фазавий қийматларни ўрганишга бағишланган адабиётларни таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда бизнинг олдимизда аниқ ва ечимга эга бўлмаган жуда кўп муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни қўйидагича умумлаштириш мумкин:

(а) аспектуаллик функционал-семантик майдон тизимида фазавийлик категорияси қандай ўринга ва мавқега эга?

(б) фаза қийматларининг моҳияти нимада?

(в) фаза семасига эга тил воситалари грамматикалашув даражасига кўра бир-биридан фарқланадими?

(г) фазавий феълларнинг грамматикалашув мезонлари қандай бўлиши керак? (д) фаза маъносини ифодалаш қобилаятига эга бўлган аналитик конструкциялар бошқа аналитик конструкциялардан нимаси билан (қандай) фарқланади?

(е) фазавий феълларни процессни ифодаловчи компонентлар билан валентлик муносабатлари қандай ифодаланади?

(ё) фаза маънолари аспект (тур, тус, вид) маънолари билан боғлиқми ёки улар ҳаракат тарзлари маъносини ифодалайдими?

(ж) фаза қийматлари доирасида қандай субкатегорик хусусиятларни ажратиш мумкин?

Фазавий семантикани ўрганишга бағишланган адабиётлар таҳлили қўйидаги хулосаларга келишга имкон беради:

1. Фаза тушунчаси ўз мазмунига кўра, (улар билан чамбарчас боғлиқлилига қарамасдан) на аспект (вид, тус) категориясига, на ҳаракат тарзи категориясига мос келади. Фаза семантик категорияси кўрсатилган аспектуал тушунчалардан кенгроқ тушунчадир.

2. Фаза маънолари универсал, яъни барча тилларда мавжуд бўлган семантик категория сифатида тан олинади.

3. Фаза категорияси бир томондан аспектуаллик функционал-семантик майдонида вид (тус) категорияси билан боғланган ҳолда таҳлил қилинса, иккинчи томондан ўзига хос белгилари билан мустақил ҳаракат тарзи босқичларини қамраб олувчи семантик категория деб ҳисобланади. Шу сабабли фаза семантикаси майдонида иккита гуруҳни ажратиш лозимлигини, яъни: а) процессни ички фазаси (вид билан боғлиқлиги) ва б) процессни соф ташқи фазасини тавсифлаш мақсадга муовофиқ деб тан олишга етарли далиллар мавжуд.

4. Фаза маъноларини ифодалашда нафақат бевосита (эксплицит) тил воситалари, балки контекст ва экстралингвистик омиллар (имплицит) ўз хиссасини қўшади;

5. Ҳар қайси фаза ўзига хос семантик хусусиятлари билан бир нечта субкатегорияларга, яъни маъно жиҳатидан турли вариантларга эга бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Аверина А.В. Категориальные значения фазового поля и языковые средства его выражения [Электронный ресурс] / http://disslib.ru/catalog/170/41871

2.Апресян В.Ю. Глаголы со значением продолжения: семантика и конструкции // Известия РА наук. Серия литературы и языка. 2017. Т. 76. № 2. С. 5–15.

3.Белошапкова Ю.П. Когнитивно-дискурсивное описание категории аспектуальности в современном русском языке. М.: Ком.Книга, 2007.

4.Дардыкова Н.В. Грамматикализация фазовых глагольных конструкций в разноструктурных языках (на материале русского, английского и турецкого языков). Автореферат дис…канд. филол. наук. - Минск, 2019.

5.Жербило Т.В. Словарь лингвистических терминов. Назрань: Пилигрим, 2010.

6.Казунина О.В. Фазовая характеристика отдельных и сопряженных глагольных действий в английском языке. Дис. … канд. филол. наук. СПб., 2002.

7.Кустова Г. И. Семантические аспекты лексических функций (глаголы со значением ‘начаться’ / ‘кончиться’) // Логический анализ языка. Семантика начала и конца. М.: Индрик, 2002. С. 69–82.

8.Курганова Н.В. Фазовые глаголы в аспектуальном семантическом пространстве английского языка. Вестник Кыргызско-Российского Славянского ун-та. 2011. Том 11. № 3 с. 16-20.

9.Нурмухамедов А. Выражение начинательности глагольного действия в современном немецком и узбекском языках: Автореф. дис. … канд. филол. наук. JI., 1976.

10.Павлов В.М., Ризаев Б.Х. О принципах выделения строевых фазовых глаголов, выражающих значение прекращения процесса // Учен. зап.

11.Тартуского гос. ун-та, № 537. Аспектуальность и средства ее выражения. - Тарту, 1980. - С. 128-139.

12.Ризаев Б.Х. Аналитические средства семантического поля финитивности в современном немецком язқке. - Самарканд. 2019.

13.Падучева Е. В. Фазовые глаголы и семантика начинательности // Известия Российской академии наук. Серия литературы и языка. 2001. Т. 60. № 4. С. 29–39.

14.Петрова И. М., Беклемешева Н. Н. Когнитивная обусловленность вариативности осложнённого составного глагольного сказуемого с фазовым биномом. Филологические науки. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота, 2019. Том 12. Выпуск 8. С. 216-225.

15.Сеитова Д. У. Типологическая категория фазовости в разносистемных языках (на материале английского и каракалпакского языков): Автореф. дисс. … канд. филол. наук. - Ташкент, 1997. - 17 с.

16.Соколов О. М. Семантика категории фазовости в русском языке // Известия АН СССР. Отделение литературы и языка. Т. 47. № 6. М., 1988. С. 539–549.

17.Титаренко Е. Я. Глаголы с нулевой фазовостью в русском языке // Русский язык и литература в школе и вузе: проблемы изучения и преподавания: сб. науч. тр. Горловка: ГГПИИЯ, 2010. С. 323–327.

18.Тиунова С. П. Способы выражения фазовых значений в английском и русском языках. Кемерово: Кемеровский гос. ун-т. 1986.

19.Туровская С.Ю. Фазовые конструкции с пропозиционными актантами //Научный вестник Воронежского гос. архитектурно-строительного унив-та. Серия «Лингвистика и межкультурная коммуникация» 2006. С. 89-93.

20.Храковский В.С. Семантика фазовости и средства ее выражения // Теория функциональной грамматики: Введение. Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис. Л.: Наука, 1987. С. 153–179.

21.Хичагова А.А. Проблема семантической категории фазовости в современном русском языке. Филологические науки. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота, 2018. № 1(79). Ч. 1. С. 180-185.

22.Stoll S. Beginning and end in the acquisition of the perfective aspect in Russian // Journal of Child Language. 2005. Vol. 32. Iss. 4. - P. 805–825.

ШЕЪРИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА “БАХТ” КОНЦЕПТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Каримова С.С. (СамДЧТИ)

Таржиманинг мақсади сўз ёки грамматик шаклнинг эмас, балки матн мазмунининг қайта яратилиши эканлиги кўп бора қайд этилган. Аммо ушбу таснифни поэтик таржимага нисбатан бироз аниқлаштириш лозим бўлади, зеро шеърий матннинг ботиний ва сиртқи тузилиши ўртасидаги муносабат мураккаб кўринишга эга ҳамда мазмун ва бадиий образни ифодаловчи бирликлар мутаносиблиги ҳолатлари сезилиб туради (Сафаров, 2019: 183).

Бадиий матн таржимаси жараёнида концептларнинг берилиши алоҳида йўналиш ҳисобланади, боиси “концепт ўзида миллий хусусиятни акс эттириб, қиёсланаётган тиллардаги концептлар ҳар доим ҳам эквивалентликни ташкил қилмайди” (Попова, Стернин, 2001: 75). Таржимон “икки маданият ўртасидаги медиатор вазифасини бажаради, у, манба ва таржима матни оламнинг лисоний манзасидаги фарқ эвазига юзага келадиган тиллардаги когнитив ва коммункатив лакуналарни тўлдиришга ёрдам беради” (Воркачев, 2003: 88).

Поэтик асар таржимаси таржимондан ғоят чуқур билим, кўникма, ҳамда табиий иқтидор талаб қилади. Шеърий матн таржимони оригинал матн руҳини англаб тушуниши ва таржимада уни таржима тили меёрларига мослаштириши лозим. Инглиз тилидаги шеърий услубни ўзбек тилида, ҳам ўзбек поэзияси услубига мослаштириши керак. Бадиий матндаги маданий концептни аниқлаб олиб, таржима матнида унинг маданий лакунага айланиб қолишидан таржимон ўзини сақлаши керак. Маданий концептнинг таржима матнида шаклланиши бутун бадиий матнни ёки шеърий асарни, экстралингвистик лакуналарни, асарнинг бадиий дунёсини чуқур таҳлил қилишни талаб қилади.

Таржима матнида концептуал тизимларнинг мослигигина таржима жараёнини амалга оширишга имконият яратади. Маданий концептнинг таржима жараёнига нисбатан ифодаси ўз ичига маданий лакуна ҳисобланмиш тил соҳибларининг фрейм пресуппозициясини англашини олади. Таржима матни концептни янги маданий-лисоний муҳитга олиб ўтади, концепт яратаётган образли вазифалари ва ассоциатив алоқалари асосида унинг образли кодини ўрнини босади. Ҳар бир маданий код ўз ичига майян этник жамиятга тегишли бўлган барча лисоний воситаларни, тропларни, эмоционал-баҳоловчи тизимларни олади.

Маданий концепт лингвомаданий жамият онгининг этник хусусиятларини ўзида акс эттирувчи фразеологик бирликлар, лексик иборалар, паремиологик бирликлар, прецендент матнлар, шеърий матнлар, этикет формулалари каби мазмунлар жамланмасини бирлдиради. Таржима қилинаётган матнлар когнитив моҳиятининг берилишида энг муҳим масала таржима тилида матнни концептуал шакллантиришдир.

Қатор лингвистик тадқиқотларни таҳлил қилиш жараёнида ҳар бир тил концептлари такрорланмас ва ўзига хосдир деган тадқиқотчиларнинг фикрига дуч келдик. Бу борада аниқ фикр билдириш жуда мураккаб, чунки, концептларнинг кўпаспектлилиги ва турли даражаларга эгалиги сўзнинг семантик тизимида кўпқатламлиликни келтириб чиқаради, натижада майян концепт таржима қилинаётган тил соҳиблари онгида объективлашади.

Концептларни таржимасидаги қийинчиликлар муайян маданиятга хос бўлган концептларнинг барча мазмунларинига эквивалентларнинг мавжуд бўлмаслигидан келиб чиқади, уларнинг миллий маданий хусусиятларини таржимада бериш таржима тилида манба тили маданиятига яқин бўлган концептни топиш муаммолари билан боғлиқ.

Шотланд шоири Бернснинг шеърий парчаси таржимасига эътибор берадиган ўзбек таржимони Бегойим Холбекова шеърдаги кўтаринки кайфият, хучақчақ охангни ўзбек тилига мослаб таржимасини амалга оширган, бироқ инглиз тилидаги *breast enthrone* иборасини *“бахт”* концепти ила беради:

Let her crown my love her law,	*Ёр кўнглингнинг қиролиман,*
And in her breast enthrone me.	*Бахтим бўйлайди кўк қадар.*

Роберт Бёрнс ижоди таржимасидан яна бир мисол:

Who shall say that fortune grieves him, *Тақдир экан не ҳам қилдик биз,*
While the star of hope she leave him. *Умидини чин бахт деб билибмиз.*

Келтирилган таржимадан кўриниб турибдики, таржимон имкон қадар шеърни ўзбек тили меёрларига яқинлаштирган, ҳамда шу билан бир қаторда инглиз шеърини руҳиятини, ундаги кечинмаларни моҳирлик билан таржимада берган. "*The star of hope*" метафорасини ўзбек тилидаги "*чин бахт*" концепти билан алмштирган, бироқ бу алмаштириш шеърнинг эстетик таъсирини ўзгартирмаган.

Байроннинг шеъридан ўзбек тилига таржимаси парчасини кўриб чиқсак:

This done. I saw it in my dreams; *Ҳаммаси тамом. Тушимда кўрдим.*
No more with hope the fortune beams; *Ортиқ порламас иқболим маним,*
My days of happiness are few. *Саноқли экан бахтли онларим.*

Инглиз тилида бахт концепти "*happiness*" сифатида тақдим қилинган бўлиб, тилга хос ибора "*days of happiness*" қўланилган. Келтирилган таржимани моҳир таржимонларимиздан бири Д. Султанова амалга оширган бўлиб, таржима матнида ўзбек тилига хос бўлган "*онлар*" сўзи қўлланилган "*бахтли онлар*" - "*days of happiness*". Келтирилган шеърий парчадан кўриниб турибдики шоирнинг "*бахт*" концепти табиатига бўлган муносабати "фелицитар нигилизм" белгиларига эга бўлиб, унинг саноқли эканлигига, унинг хаётда йўқ бўлиб кетишига ишора қиляпти: *No more, days of happiness are few* каби иборалар орқали бахтни инкор қилмоқда, албатта таржимада ҳам ушбу кайфият сақланиб қолинган: *порламас иқболим, саноқли экан бахтли онларим*.

Юқорида таъкидланганидек, шеърият бир халқнинг кечинмаларини, унинг орзу-тилакларини, истакларини, қувончи-ю бахтини ўзида акс эттиради. Шоир томонидан яратилаётган бадиий асар унинг меҳнати ва илҳоми самараси бўлиб, у таржима учун мўлжалланмайди, бироқ таржима қилинади. Шу боис бадиий асарлар таржимаси муаммоси асрлар давомида таржимонлар томонидан доимий муҳокамага учрайди, яъни у аслиятни такрорлаши керакми ёки таржима қилинаётган тил нормаларига мослатирилиш керакми? Шеър таржимаси кучли руҳий меҳнат талаб қиладиган жараён бўлиб, таржимонга унга ижодий ёндашади, таржима асарида таржимоннинг кайфияти, унинг кечинмалари, дунёқараши акс этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Воркачев С.Г. Культурные концепты и перевод: макаризмы в тексте Евангелия // Вестник МГОУ, 2003, № 4 – С. 88
2. Попова З.Д., Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистике / З.Д. Попова, И.А. Стернин. – Воронеж: Истоки, 2001. – 75 б.
3. Сафаров Ш.С. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. Монография. – Тошкент: "Наврўз" нашриёти, 2019. – 300 б.
4. Султанова Д.А., Халимова Ф.Р. Шеър ва таржима. – Самарқанд: СамДЧТИ нашриёти, 2009. – 154 с.

ШҲТНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ЖАБҲАСИ

Нурбоев Қ.А. (СамДУ)

.

Ўзбекистон кўп миллатли давлат сифатида (130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади) миллатлараро муносабатлар, диний бағрикенглик жабҳаларида тўғри ислоҳотларни амалга ошираётган ёш республикадир. Айниқса, 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармоннинг бешинчи устувор йўналиши сифатида

“Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” белгиланиши, 2022 йил 28 январда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Президент фармонида “Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш” бандида таъкидланганидек миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш, турли миллат ёшлариучун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, уларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданиятини юксалтириш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида дўстлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш, оила мактаб ва маҳалла ҳамкорилигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш кўникмасини шакллантириш орқали “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш белгиланди. ***[2].***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон Фармони ижросини таъминлашдан келиб чиқиб, 2017 йил 23 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини юритмоқда ҳамда жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатини изчил амалга ошириб келмоқда. Қўмитанинг асосий вазифаларидан бири ёшларни турли миллатларга мансуб кекса авлод вакиллари, миллий маданий марказлар раҳбарлари, олимлар ва мутахассисларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни авлоддан авлодга ўтиб келаётган умуммиллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларни сақлаш ва ривожлантиришга ундаш, миллатчилик ва экстремистик ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетга эга бўлган истиқлол ғояларига садоқатли, баркамол, маънавий бой, мукаммал авлодни шакллантиришда қўмаклашишдан иборатдир. Шунингдек, 2019 йил 15 ноябрда “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари турмушга фаол татбиқ этилмоқда, бу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари миллатидан қатъи назар Ўзбекистон халқини ташкил этишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилишини эълон қилади ва кафолатлайди.

